

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВА  
АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ  
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КУТУБХОНА-  
БИБЛИОГРАФИК  
КЛАССИФИКАЦИЯСИ**

**АХБОРОТ-КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИ УЧУН ЖАДВАЛ**

**ТЎЛДИРИЛГАН ВА ТУЗАТИЛГАН 2 –НАШРИ**

Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги,  
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими  
вазирликлари қошидаги ахборот-кутубхона ва ахборот-  
ресурс марказлари томонидан тавсия этилди

**Тошкент 2006**

**Тузувчилар:**

**И.Э.КАТТАХЎЖАЕВА , М.Т. АЗИМОВ, М.ЗОҲИДОВА, Э.Й.  
ЙЎЛДОШЕВ (марҳум), Э.БУГИБОЕВ,О.АЛИМОВА,  
З.БЕРДИЕВА.**

**Масъул муҳаррир З.БЕРДИЕВА**

Жадвал барча типдаги кутубхоналар, ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларида кутубхона фонди ва каталогларини ташкил этишда асосий кўлланма сифатида фойдаланишга мўлжалланган. Кутубхона иш жараёнларини автоматлаштиришда, электрон каталог, медиатека ташкил қилишда ҳам ушбу жадвалдан фойдаланиш тавсия этилади.

2004 йили Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти “Кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув” факультети “Библиография ва хужжатшунослик” кафедрасининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан “Кутубхона-библиография классификацияси” 3000 нусхада нашр этилган эди.

Бу нашр биринчи нашр бўлганлиги сабабли ҳам катта ижтимоий воқеа сифатида муҳимдир. 2006 йил 20 июнда Республикамиз Президенти томонидан “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” номли қарор қабул қилиниши билан мамлакатимиз кутубхоначилиги тизимида тубдан янги ўзгаришлар юз берди. Аввал Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида фаолият юритган аксарият оммавий кутубхоналар Олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар қошидаги кутубхоналар билан бирлаштирилиб, ахборот-ресурс марказлари сифатида қайтадан ташкил топди. Қорақалпоғистон Республикаси илмий-универсаль кутубхонаси ва вилоятларимиздаги илмий- универсал кутубхоналар ҳамда Тошкент шахрининг “Билим” номли

марказий кутубхонаси ахборот-кутубхона маркази сифатида қайтадан ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига ўтказилди.

Эндиликда ўз фаолиятларида “Кутубхона-библиографик классификацияси” ни қўллайдиган барча типдаги кутубхоналарда янги таҳрирдаги КБК жадвалига эҳтиёж пайдо бўлди. Бундан ташқари жадвалнинг биринчи нашрида дастлабки иш бўлганлиги сабабли айрим жузъий хатоларга йўл қўйилган ҳам эди, бундан ташқари у жуда кам нусхада нашр этилган бўлиб, ўша пайтда мамлакатимизда мавжуд 17 мингдан ортиқ кутубхоналар ва нашриётларнинг барчасига ҳам етмаган эди. Шу талабни қондириш мақсадида Тошкент Давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси томонидан бу жадвал қайта кўриб чиқилди, тўлдирилди ва тузатишлар билан нашрга тайёрланди. “-нашрни тайёрлашда 2004 йили “Турон” номидаги илмий-универсал кутубхонаси мутахассислари Н.А.Мирзакирова, А.А. Валиулина томонидан махсус тайёрлаб нашр этилган “Ўзбекистон Республикаси кутубхона-библиографик классификацияси. Оммавий кутубхоналар учун жадваллар”даги матбаа ва мазмуний хатолар рўйхати” да кўрсатилган барча изоҳлардан унумли фойдаланилди. Бунинг учун уларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жамият ривожининг барча жабҳаларида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Жумладан, кутубхоначилик ишида ҳам сезиларли ислохотларни амалга ошириш давр талабига айланиб қолди. Чунки, кутубхоналар ривожини давр талабидан орқада қола бошлади. Эндиликда, фонд ва каталогларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда босма ҳамда электрон нашрлар билан ҳам қайта шакллантириш, сақлаш ва улар асосида истеъмолчиларга кенг доирада хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш зарурияти туғилди.

Айниқса, 2006 йили 20 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги 381-сонли қароридан сўнг мамлакатимизда мавжуд илмий-универсал, коллеж ва лицей, олий ўқув юртлири, мактаб кутубхоналари негизида уларнинг қонуний меросхўрлари сифатида ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Уларнинг барча йўналишдаги қонуний ҳужжатлари Низом ва лавозим йўриқномалари, муҳр ва гербли ҳужжатлари, номлари ва қ.к.) қайтадан расмийлаштирилди. Эндиликда кутубхона фондидини қайтадан рўйхатга ўтказиш, давр талабига кўра босма нашрларни ва электрон нашрларни йиғиши, тўплаш, сақлаш ва уларни маълум бир жадвал асосида тартибга келтириш, системалаштириш ва индекслаш жараёнларига эътибор янада ошди. Шу кунгача кутубхоначилик иши соҳасида кутубхона- библио-график классификация (КБК) нинг 1984 йилда Москвада чоп этилган русча нашри ва 1987 йилда ўзбек тилига ўгирилган нашри амалда қўлланилиб келинди. Улар ўз вақтида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, кутубхоналар фаолиятида кенг қўлланилди. Аммо, эндиликда ўз мустақиллигига, сиёсатига, миллий истиқлол ғоясига эга бўлган мамлакатимизда мазмунан маънавияти юксак, маданий баркамол авлод тарбиясига бўлган талабни қондира ололмаётгани сир эмас. Шунини ҳисобга олган ҳолда А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчилари томонидан 2003 йил “Ўзбекистон республикаси кутубхона-

библио-график классификацияси: оммавий кутубхоналар учун жадваллар“ , 2005 йил эса “Мактаб кутубхоналари учун жадваллар”и тузиб нашр этилди. Булар Москва нашридан таржима қилинган нашрни қайта кўриб чиқиш, мукаммаллаштириш, миллий хусусиятларимизни ҳисобга олиш асосида янгиланди, олимлар ва барча соҳа мутахассисларининг фикр ва мулоҳазаларига кўра нафақат ўзгартириш ва тўлдиришлар киритилди, балки айрим бўлим ва бўлимчалар мутлоқ янгидан ишланди.

Мустақил Ўзбекистоннинг Кутубхона-библиографик классификациясини тайёрлашда барча фанлар ривожланишидаги жаҳон тажрибалари ва ютуқлари, миллий хусусият, миллий мафкура, миллий истиқлол ғояси ҳисобга олинди. Масалан, табиий фанлар мафкура ва сиёсат билан унча боғлиқ бўлмаса ҳам унга жуда кўп ўзгартириш ва янгиликлар киритилган.

Республикамизда касб-ҳунар коллежлари, лицей ва гимназияларни ташкил қилиш, улардаги ўқув жараёнини такомиллаштириш, ахборот марказлари сифатида кутубхоналар фондини янги ўқув адабиётлари билан таъминлаш, янги ахборот технологияларини жорий қилиш ишларига эътибор кучайтирилди. Бунинг аҳамияти шундаки, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари мамлакатимизнинг барча соҳалари учун малакали мутахассислар тайёрлаб беради. Жадвал тузувчилари асосан шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда жадвалда фан соҳалари бўйича зарур индексларни сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Албатта, ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларининг ҳозирги аҳволи ва истиқбол режалари ҳам ҳисобга олинди.

Табиий фанлар бўлимида ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув режаларидаги умумтаълим ва касбий таълим йўналишида ўқитиладиган фанлар соҳалари бўйича индекслар анча йириклаштириб берилган бўлса, ижтимоий ва гуманитар фанлар, маданият, фан, маориф, филология фанлари бўлимларида ҳам ўқув юртларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, баъзида майдароқ индексларда бўлимчалар ажратилди.

Жадвалда Ўзбекистон тарихи, иқтисоди, сиёсати, санъати, маданияти, адабиёти ва бошқалар алоҳида индекслар остида гуруҳлаштирилди ва бу Ватанимиз тараққиётини даврлар ва бошқа хусусиятларига кўра кенгроқ очиб бериш имконини беради.

Жадвалнинг биринчи нашрини тайёрлашда Тошкент Давлат Маданият институти, Тошкент Давлат маданият коллежи ўқитувчиларининг таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинди, барча вилоятлардан малака ошириш курсига келаётган кутубхоначилар ўртасида муҳокама қилинди ва тақриз берилди. Жадвалдаги алоҳида соҳаларга оид бўлимларни классификациялашда Республикамизнинг йирик олимлари, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларидан маслаҳатлар олинди.

Жадвалнинг 2-нашри А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчилари: марҳум профессор Э.Йўлдошев, катта ўқитувчилар Ифодахон Каттахўжаева, Маъмура Зоҳидова, Маҳмуд Азимов ва Тошкент ахборот технологиялари университети “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунсолик” кафедрасининг мудирини, доцент Э.Бугибоев, катта ўқитувчилар З.Бердиева ва О.Алимовалар томонидан тайёрланди.

Жадвалдаги кириш сўзи, кутубхоначиларга услубий кўрсатмалар марҳум профессор Э.Йўлдошев томонидан, масъул муҳаррирлик З.Бердиева томонидан амалга оширилди.

Мазкур жадвал аҳолининг барча қатламларига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатувчи ахборот-кутубхона марказлари, ахборот-ресурс марказлари ва бошқа муассасаларга қарашли барча кутубхоналар фондларини, системали каталог ва картотекаларини ташкил қилиш, шунингдек, нашриётларда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Жадвалнинг асосий вазифаси – ҳужжатларнинг мазмунини очиб беришдан ва уларни билимларнинг илмий жиҳатдан асосланган мукамал тизими сифатида тасаввур қилишдан ва шу тариқа китобхоннинг кутубхона фондларидан фойдаланишини мумкин қадар енгиллаштиришдан иборат.

Жадвалда барча билимлар йиғиндиси мантиқий кетма-кетликда жойлашган.

Ўзбекистон Республикасининг янги кутубхоначилик классификацияси тўпламининг муаллифлари уни тузишда каталоглаштириш назарияси ва амалиётида юзага келган янги ютуқларни, республика кутубхонларининг олдида турган ҳозирги долзарб муаммоларни ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаганлар. Жадвал тузилишининг назарий асослари ҳақидаги баёни тегишли бобда батафсил ёритилган.

### **Ўзбекистон кутубхона — библиографик классификацияси (КБК)нинг назарий асослари**

Барча универсал классификациялар сингари “Ўзбекистон КБК” си ҳам илм-фан ривожланишининг муайян даражасини акс эттирибгина қолмай, шу билан бирга барча бўлимларда республикамизнинг миллий хусусиятларини, миллий мафкура, миллий сиёсат, миллий истиқлол ва фанлар ривожига ва маданий ҳаётда эришилган ютуқларни кўрсатиш билан бирга жаҳондаги илғор мамлакатлар тажрибалари ҳамда ютуқларини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

КБКнинг фалсафий-методологик принциплари объективлик ва таракқиёт, илм -фан ва реал воқелик ҳодисаларига асосланган. Бу принциплар материя турлари ва унинг ҳаракат шакллари классификациясига мувофиқ илм-фаннинг субординациясида қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга ўтишда ўз ифодасини топди. КБК айрим фанларни тизим сифатида уларнинг дифференцияси ва интеграциясининг тобора ривожланиб бораётган жараёнларини ўз ичига олади. Ҳозирги давр учун хос бўлган ижтимоий муаммолар ва қонуниятлар, экологик муаммолар, глобаллашув, иқтисодий, ҳарбий масалалар, терроризм, наркомания ва ҳар хил касалликларнинг тарқалиши ва уларнинг олдини олиш КБКда ўз ифодасини топди. Айниқса, республикамизда маънавият, миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши, илм-фандаги ўзгаришлар, халқ таълимидаги ислохотлар ва уларнинг натижаларига урғу берилган.

Фанларнинг объекти, тадқиқот усуллари, объектнинг хоссалари, жараёнлари, муносабатлари, тарихий даври жадвалларни бўлим ва бўлимчаларга бўлиш учун асос қилиб олинди. Унда намунавий бўлинишлар, ҳавола, алифбо-

предмет кўрсаткичи ва бошқа ёрдамчи манбалар берилган ва улар жадваллардан фойдаланишни осонлаштиради.

### **КБК жадвалларнинг умумий тузилиши**

Ахборот-кутубхона фаолияти учун мўлжалланган ушбу КБК жадвали асосий жадваллар ва намунавий бўлиниш жадваллари тизимидан иборат. Улар биргаликда кенгайтирилган жадвалларни ташкил этади ва тузилишига кўра бошқа жадвалларга ўхшайди.

Асосий жадвалларда барча билимлар тартибли тарзда, ўзаро боғлиқ равишда тузилади. Биринчи қаторда “Умумилмий ва соҳалараро билимлар” берилган бўлиб, жадвалнинг кейинги бўлимлари илмий билимнинг уч асосий йўналишини; табиий фанлар, амалий фанлар (3-техника, 4-қишлоқ хўжалиги, 5-медицина, 6- ижтимоий ва гуманитар фанларни ўз ичига олади. Уларнинг мантиқан кетма-кет жойлашуви фанларнинг ривожланиш қонуниятларига асосланган. Жадвал охирида универсал мазмунга эга бўлган адабиётлар жойлаштирилади.

Классификациянинг яна бир хусусияти – унда барча билимлар мажмуаси фан соҳасининг бўлинишига асосланиб, алоҳида бўлимларни ҳосил қилади. Бўлим ичида муайян соҳага оид ҳужжатлар жамланган янада майда бўлинмалар ва бўлимчалар ташкил этилган.

Масалан, табиий фанлар бўлимида физика, математика, биология ва бошқалар жойлашса, унинг бўлимчалари, масалан, математика ичида олий математика, арифметика, алгебра бўлинмалари ташкил қилинган.

Матбуот асарларини кутубхона фондида жойлаштиришни осонлаштириш мақсадида бўлимлар йириклаштирилди. Бунда бўлинишнинг биринчи ва иккинчи меъёрлари ишлатилди.

КБК жадвалларининг асосий қатори араб рақамлари билан белгиланган ва қуйидагича жойлашган:

- 1. Умумилмий ва соҳалараро билимлар.**
- 2. Табиий фанлар.**
- 20. Умумий табиий фанлар.**
- 22. Физика-метаматика фанлари.**
- 24. Химия фанлари.**



26. Ер ҳақидаги фанлар.
28. Биология фанлари.
3. Техника. Техника фанлари.
4. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги.
5. Соғлиқни сақлаш. Медицина фанлари.
- 6/8. Ижтимоий ва гуманитар фанлар.
60. Умуман ижтимоий фанлар. Жамиятшунослик.
63. Тарих.
65. Иқтисод.
67. Давлат ва ҳуқуқ.
68. Ҳарбий фан. ҳарбий иш.
- 70/79. Маданият, Фан.Маориф.
- 80/84. Филология фанлари.Бадиий адабиёт.
85. Санъат.
86. Диншунослик.Дин.
87. Фалсафа фанлари.
88. Психология.
9. Маълумотнома нашрлар.

Жадвалдаги бўлимларнинг умумий тушунчадан хусусий, жузъий маънодаги тушунчага, яъни бўлинма ва бўлимчаларга ўтиши иерархик-тизимли тартиб дейилади. Масалан: 20-табиий фанлар, 22-физика-математика фанлари, 22.11-олий математика, 22.130-Арифметика ва ҳакозо.

Табиий фанлардаги кетма-кетликнинг фанлар классификациясига мос келиши материянинг ҳаракат шаклига асосланган, яъни аввало жонсиз, кейин жонли табиат ифодаланган.

Амалий фанлар соҳаси эса фан цикллари ўртасидаги узвий алоқани, яъни табиатдан жамиятга ўтишни ифодалайди ва оддийдан мураккабга ўтиш тамойили асосида жойлашган. Шунинг учун ушбу гуруҳ (цикл) фанлар бошида амалий фанлар орасида бошловчи сифатида техника фани жойлашган, сўнгра қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги, соғлиқни сақлаш, медицина жойлашган.

Ижтимоий фанлар соҳаси жамиятнинг ривожланиш қонуниятларига асосланиб, мантиқан кетма-кетликда жойлаштирилган.

Фанлар интеграцияси асосида пайдо бўлган фанлар ёки бир неча фанларни ўзида ифода этувчи фанлар КБК жадвалларида шартли равишда йирикроқ бўлимда акс эттирилади (агробиология-қишлоқ хўжалигида, биохимия – биологияда) ва ушбу фанларга “йўналтиргичлар” берилди. Масалан:

\* Балиқлар 28.6 зоологиядан қаралсин.

\* Ўсимликларни асраш 28.5 ботаникадан қаралсин.

Комплекс фанлар бўлинмаларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири “она фанга” қарашли бўлади. Умумий фандан ушбу фанга ва унинг бўлимчаларига йўналтиргичлар берилди:

Масалан: 75 - жисмоний тарбия ва спорт

\* Спортнинг алоҳида турлари 75.7. дан қаралсин.

\* Радиоспорт 32.884 дан қаралсин.

Бўлим, бўлинма, бўлимчаларнинг иерархик боғланиши кутубхона-библиографик классификация жадвалларининг асосини ташкил этади.

### **Намунавий бўлинишлар тизими**

Намунавий ва ёрдамчи жадваллар тизими умумий ва ҳудудий намунавий бўлинишлардан ташкил топган бўлиб, классификациянинг ҳамма бўлимларида ишлатилади. Ушбу тизим умумий намунавий бўлинишлар (УНБ); ҳудудий намунавий бўлинишлар (ХНБ); махсус намунавий бўлинишлар (МНБ) ва ижтимоий тизимларнинг намунавий бўлинишларидан (СТНБ) ташкил топган.

Намунавий бўлинишлар асосий жадвалнинг имкониятини янада оширади, керакли маълумотларни, манбаларни излаб топишни енгиллаштиради. Намунавий бўлинишлар фаннинг турли соҳаларига оид ҳужжатларнинг мазмуни, шакли, тарихи, қўлланиш соҳаси учун хос бўлган белгиларга қараб ишлатилади.

Масалан, ҳар бир соҳанинг тарихи, луғати, ўқув адабиётлари, маълумотнома нашрлари мавжуд, намунавий бўлинишлар уларни алоҳида кўрсатиб беради. Лекин, шунга қарамай, барча намунавий бўлинишлар мустақил аҳамиятга эга бўлмай, алоҳида ишлатилмайди ва асосий индексга қўшилади. Шундагина бирор соҳани англатиши мумкин.

### **Умумий намунавий бўлинишлар (УНБ)**

Умумий намунавий бўлинишлар жадвали фанларнинг мавзуси бўйича (фан тарихи, фан арбоблари, экспедиция, экскурсиялар ва нашр тури ( дарслик, ўқув қўлланма, маълумотнома) бўйича ажратиш имконини яратади. УНБда биринчи қаторда “ҳарфлар”, иккинчи ва учинчи қаторда “рақамлар” орқали жадвал ташкил этилган. Масалан, 27-ўқув нашрлари (дарслик, хрестоматия, қўлланма ва ҳоказо) УНБ асосий индексига қўшилиб нашрнинг тури, шакли, кимлар учун мўлжалланганлигини акс эттиради. Масалан, 41 я 92- ёш ўсимликшунослар.

### **Худудий намунавий бўлинишлар (ХНБ)**

Худудий намунавий бўлинишлар регионларнинг худудий чегарасини аниқлаш учун қўлланилади. Унинг шартли белгиси сифатида кичик қавс ичида (0-9) гача бўлган рақамлар ва кирилл алифбосининг ҳарфлари қабул қилинган. ХНБ жадвалларининг асосий бўлинишлари физик-географик белги бўйича ажратилган: бутун дунё (ер шарини ва ундаги барча нарсаларни-Ерни англатади), дунё китъалари (куруқлик), дунё океани, дунё китъалари анъанавий изчилликда –Европа, Осиё, Африка, Америка, Океания билан Австралия тарзида берилган.

ХНБ дунёнинг ҳозирги сиёсий харитасини акс эттиради, худудий ва ижтимоий тузумидан қатъий назар, ҳамма мамлакатлар дунё китъалари доирасида ўз номларининг алифбоси бўйича жойлаштирилади.

**(5)** Осиё ва Шарқ мамлакатлари

**(5 Пок)** -Покистон

**(5 ўзб)** -Ўзбекистон

КБКнинг ушбу ахборот-кутубхона фаолияти учун мўлжалланган нашрида ХНБ жадвалларига бирмунча ўзгаришлар киритилди. 1991-92 йиллардан СССР ўз фаолиятини тугатганлиги сабабли худудий белгилар ўзгартирилади. Аввал, собиқ СССР таркибига кирган барча республикалар (2)СССР белгиси ва Республиканинг қисқартирилган номи билан, масалан (2 ўз) ёзилар эди.

Маълумки, ўзбек халқининг тарихи, иқтисоди, географияси Марказий Осиё таркибида ўрганилади.

Жадвалларда Осиёнинг ҳудудий белгиси (5) рақами билан кўрсатилса, унга мамлакатлар, республикалар номларининг бошланғич ҳарфларини қўшиш йўли билан керакли индекс ҳосил қилинади. Масалан, (5 Афғ)-Афғонистон, (5 Турк) - Турманистон ва ҳақозо. Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг ҳудудий белгиси (5 ўзб) деб ёзилади.

Масалан: 63.3(5 ўзб) 45 - ўзбек халқининг шаклланиши;

65.9(5 ўзб) - Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти.

ҲНБда янада майда бўлинишлар сиёсий, маъмурий, ҳудудий белгиларга қараб амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун (...2...)-(...9...)махсус ҳудудий бўлинишлар қўлланилади. Масалан, (5 ўзб) - Ўзбекистон шаҳарлари, (5 ўзб-2Анд)- Андижон шаҳри.

### **Махсус намунавий бўлинишлар (МНБ)**

Махсус намунавий бўлинишлар (МНБ) бир бўлим ёки фан соҳасининг бир неча бўлимлари учун ишлатилади. Унинг шартли белгиси дефис(-) рақам билан бирга ишлатилади. Бу намунавий бўлиниш жадвалнинг мўлжалланган бўлимларида қўлланилиши мумкин. Ушбу жадвалда бу бўлинишлар тилшунослик, бадий адабиёт ва ҲНБ жадвалларида қўлланилган. Масалан, ўзбек тили луғатлари қуйидаги индекс билан ифодаланади:

81.2 ўзб-4

-4-луғатлар (МНБ)

-ўзб-Ўзбекистон (ҲНБ)

### **Мукамал жадваллар**

Юқорида қайд этилган жадвалларнинг ҳар бири воқеа ва ҳодисаларнинг муайян бир жиҳатини, ҳолатини ифода этади. Воқеа ва ҳодисаларнинг турли жиҳатларини, ҳолатларини акс эттириш учун жадваллар ўзаро комбинация қилинади, шу орқали тегишли тушунчаларни ифодаловчи мураккаб индексларни ўз ичига олувчи жадвални мукамал жадвал деб атаймиз. Мукамал жадвал тузиш учун асосий жадвал билан биргаликда умумий, ҳудудий, махсус намунавий жадваллар иштирок этади, бу эса қўшимча рукнлар тузиш имкониятини яратади. Масалан:

26.8-География

26.8(5ўзб)- Ўзбекистон географияси

26.8(5 ўзб)я 72-Ўрта мактаблар учун Ўзбекистон географиясидан дарслик.

### **КБКнинг алоҳидалиги ва уларнинг ўзаро боғланиши**

КБК фанлар, ҳодиса ва воқеалар ва муаллифларни бир-биридан ажратади. Бу эса бир-биридан узилган тушунчалар ўртасида боғланишлар зарурлигини тақозо этади. Боғланишларнинг хиллари ғоятда хилма хил бўлиб, уларни акс эттириш усуллари ҳам ниҳоятда хилма-хилдир. Муҳим боғланишлар жадвалнинг тузилиши жараёнида кўзга ташланади. Бир даражадаги ва бир босқичдаги бўлинишларнинг изчиллиги қуйи ва юқорининг, оддий ва мураккабнинг нисбатини кўрсатади; хусусий тушунчаларнинг бирмунча бўйсунганлиги умумий ва хусусийнинг ўзаро боғланишини акс эттиради. Ўрганиш шуни кўрсатадики, фанларнинг синфларга бирлаштирилиши предмет бўйича боғланишини кўрсатади. Намунавий бўлинишлар тизими ҳамма фанлар, бир неча фан ёки бир фан учун умумийликни белгилайди ва уни қайд қилади. Алифбо-предмет кўрсаткичи жадвалларда узилган боғланишларни белгилашнинг муҳим воситасидир. Аммо, амалий классификация сифатида КБК учун зарур бўлган ҳамма боғланишларни алифбо-предмет кўрсаткичи орқали ифода-лаш мумкин эмас.

Боғланишлар жадвалнинг тузилишида ифода этиш мумкин бўлмаган ҳолда ёки унинг тузилишида кўзда тутилган ечимлар баҳсли, шартли, бир томонлама бўлган ҳолда ҳавола, йўналтириш ва услубий кўрсатмалар тизимида қўлланилади.

Ҳавола –“қаралсин” ибораси билан ёзилиб, ушбу мавзуга,масалага оид адабиёт шу бўлимда эмас, балки бошқа бўлимда ҳам тўпланганлигини кўрсатади.

Йўналтириш ва ҳавола **Қ** белгиси билан ифодаланади.

Йўналтириш- “шунингдек қаралсин” ибораси билан ёзилади ва бир-бирини тўлдира-диган мавзуларни, тушунчаларни белгилайди.

Масалан, 63.3 (5 ўзб)641 Ўзбекистонни мустақил давлатга айлантириш учун йўл тутиш.

**Қ** Шунингдек, қаралсин 66.34 (5 ўзб)

Ахборот-кутубхона фаолияти учун мўлжалланган КБК да тузувчилар жуда кўп боғланувчилардан амалий аҳамиятга

эга бўлган, учрайдиган муаммолар юзасидан бирмунча тўлароқ ахборот олиш имкониятини берадиган “йўналтирма” ва “ҳавола” боғланишлар-нигина танлаб олишга ва акс эттиришга ҳаракат қилдилар.

### **Индекслаш**

Индекслаш кутубхона фондини тартибли равишда жойлаштиришни, системали каталог ва картотекалар ташкил қилиш ҳамда уларга алифбо-предмет кўрсаткичлар тузиш ва жадвалларнинг амалий қўлланилишини таъминлайди. Индекслаш КБКда бўлимларнинг кетма-кет келиш тартибини белгилайди, бўлимлари ва рукнларининг бир-бирига бўйсунлигини ва ўзаро боғланишини кўрсатиб беради, ҳар бир рукн учун алоҳида индекс ва комбинациялашган индекслар тузишни таъминлайди; жадвалларга янги тушунчалар киритиш имконини беради. Индекслар аниқ ва равшанликни, хотирада тез сақлаб қолишни, талаффузда қулайликни таъминлаши лозим.

Мазкур КБКда классификациянинг тузилиши билан боғлиқ мантиқий индекслаш қабул қилинди. Бундай индекслаш мавжуд индексларга ўнг томондан янги белгиларни қўшиш йўли билан хусусий, кичик бўлимларни ажратиб кўрсатиш, умумий тушунчаларни майдалаштириш имконини беради. Бундан ташқари аксинча зарур ҳолларда индекснинг пировард белгиларини ундан олиб ташлаш йўли билан хусусий тушунчаларни умумий тушунчалар таркибига киритиб деталлаштиришни қисқартириш имконини беради.

Мазкур жадвалда индекслаш учун рақамли ва ҳарфли белгилар қўлланилган. Араб рақамларидан ташқари (1,2,3) нуқта (.), қўшнуқта (:), дефис (-), кичик қавс ( ), эгри чизик

( / ) ишлатилади. Умумий ва ҳудудий намунавий бўлинишли жадвалларда кирилл алифбосининг кичик ва бош ҳарфлари қўлланилади. Индекслаш тизимида ҳар бир белги ўз ўрнига, вазифасига ва маъносига эга.

Араб рақамлари КБКнинг асосий бўлимларини белгилаш учун қўлланилиб саноклар тартибини англатади: “2” -табiiй фанлар, “3”-техника, “4”- қишлоқ хўжалиги ва ҳакозо; асосий жадваллар бўлинишининг иккинчи, учинчи ва ундан кейинги босқичларини, ҳудудий намунавий

бўлинишларни ( “(4) Европа “, “(9) Дунё океани. Океан ва денгизлар “), алифбо ҳарфлари кўшилганда давлатлар ва Республикаларни (5 ўзб) Ўзбекистон ; (2 Укр) Украина; умумий намунавий бўлинишлар, бўлинишнинг иккинчи ва ундан кейинги босқичларини (“ я 7 ўқув қўлланмалари”); махсус намунавий бўлинишларни (“ –2 Грамматика) белгилаш учун фойдаланилади.

Кирилл алифбосининг кичик ҳарфлари умумий намунавий бўлинишлар-нинг асосий қаторларини белгилаш учун қўлланилади. (“ Г фан тарихи..”, “ я 2 маълумот нашрлари). Кирилл алифбосининг бош ҳарфлари айрим тушунчалар, мавзулар, ҳудудлар, халқлар ва ҳақозоларни белгилаш учун хизмат қилади ва рақамлар билан кўшиб ёзилади (4 Нор) Норвегия, (4 Пол)Польша, (4 Порт) Португалия.

Нуқта-индекснинг яхшироқ кўриниши ва талаффуз қилишга қулайроқ бўлиши учун қўлланилади. Нуқта дастлабки икки рақамдан кейин ажратиш белгиси сифатида ва уч белгидан иборат гуруҳ рақамларини чапдан ўнгга ажратиш учун ишлатилади(“71.1.Матбуот.Китоб.Нашриёт иши”. “76.106.5. Коллекционерлик”).

Дефис махсус намунавий бўлинишларнинг ўзига хос белгиси, масалан 31.29-5 электр энергиясидан фойдаланиш қурилмалари.

Кичик думалоқ қавслар ҳудудий намунавий бўлинишлар индексининг ўзига хос белги сидир: (6)Африка, (7)Америка ва ҳақозо.

Қўшнуқта бир асосий туркум рубрикаларининг индексларини бошқа асосий туркум рубрикаларининг индекси билан комбинациялаштирилган вақтда қўлланилади. (91.9:71 Маданиятга оид библиографик қўлланма).

Эгри чизиқ кўш индекси белгилаш учун қўлланилади. (6/8 ижтимоий-гуманитар фанлар), 65.2/4 Махсус ва соҳали иқтисод). КБК жадвалларида бу рубрикалар “Ишчи бўлмаган рубрикалар” деб аталади ва кўш индексли ажратгич орқасидан карточкалар қўйилмайди.

Апостроф ижтимоий тизимлар намунавий бўлинишининг шартли белгиси ҳисобланади (6.Ривожланган мамлакатлар).

### **Алифбо-предмет кўрсаткичи (АПК)**

Жадвалларда тарқоқ ҳолда келадиган мавзуларни англатувчи сўзлар алифбо-предмет кўрсаткичида бир жойга йиғилади. Бу эса ҳамма масалаларни икки тарзда: Предмет тарзида-кўрсаткичда, системали тарзда-жадвалларда акс эттириш имконини беради. Бунда жадвал ва кўрсаткичда яхлит, ўзаро боғланган ягона тизим ҳосил бўлади. Жадваллардаги мавжуд тушунчалар кўрсаткич сўзлигида уларнинг тўғри ва инверсияли ифодаларида берилган. Бир сўз ёки унинг синоними ёрдамида белгиланадиган тушунчалар қаторида маъноси бир неча сўз билан, баъзан эса бутун бир жумла кўчириш билан ифодаланадиган тушунчалар бор. Предмет рукни жадвалларга мувофиқ бирлик ёки кўпликда берилади.

Айни бир хил тушунча кўрсаткичда тўғри ва инверсияли ифодалар билан акс эттирилган ҳолларда туркум рукнлар учун кенг тарқалган атамалар танланади, қолган рукнлар эса унга ҳавола қилинади.

Кўрсаткичда тегишли предметнинг муайян индексини кўрсатадиган предмет рукнларидан ёки бошқа предмет рукнларига йўналтирадиган ҳавола рукнларидан ташқари, услубий характердаги рукнлар ҳам берилган. Бу рукнлар айни шу рукни, шу масалани қаердан қидириш кераклигини тушунтириб беради. Масалан,

Вақт

Бўш вақт 26.11

Вақтни ўлчаш 30.10

Вақт хизмати 22.61

АПКдан фойдаланиш масалалари АПКга берилган сўз бошида ўз аксини топган.

АПКдан фойдаланиш зарур бўлинма индексини тез топиш имконини беради, бироқ ундан қўшимча аппарат сифатида фойдаланиш зарур. Асосий индекс эса жадвал матнидан топилган классификация бўлимига асосланиб қўйилади.



## **Жадваллардан фойдаланиш бўйича кутубхоначиларга услугий қўлланмалар.**

### **Жадвалнинг тузилиши**

Ахборот-кутубхона фаолияти учун тузилган КБК жадваллари асосий ва намунавий жадваллардан ташкил топган бўлиб, сўнгида алифбо-предмет кўрсаткичи (АПК) берилган.

Жадваллардан фойдаланишни осонлаштириш учун асосий катта бўлимлар бўлимча ва бўлинмаларга ажратилган ва улар ўз навбатида муаммолар, саволлар ва мавзуларга ажралади. Бўлимлар ва бўлимчалар ўз навбатида ҳавола, услубий кўрсатмалар орқали узвий боғланган. ҳаволалар К белгиси билан ифодаланган.

Матбуот асарларини системалаштириш ва системали каталогни ташкил қилиш учун жадвалнинг асосий индексларидан ташқари умумий, ҳудудий ва махсус намунавий бўлинишлар жадваллари ҳам ишлатилади.

Намунавий бўлинишлар жадвалининг индекслари мустақил равишда ишлатилмай, асосий жадвалнинг индексига қўшилиб, матбуот нашрларининг мазмунини тўлиқ ифодалашга ёрдам беради.

Жадвалда энг керакли классификация бўлимлари, намунавий бўлинишлар берилган. Айрим ҳолларда кутубхоначилар мустақил равишда берилган қоидаларга қараб янги бўлимлар очиши мумкин.

Умумий намунавий бўлинишларнинг қўлланилиши жадвалда қайд этилган.

### **Жадвал билан ишлаш**

Кутубхона фондининг тўлиқлиги ва фан соҳаларига оид қанча китоб мавжудлигига қараб жадваллардан фойдаланиш лозим. Баъзи кутубхоналар учун жадвалда берилган бўлимлар ортиқча бўлса, баъзилари учун қўшимча бўлимлар ташкил қилишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам бу жадвалдан фойдаланишдан олдин кутубхона ўз фондининг ҳажми ва таркибига кўра керакли бўлимларни аниқлаб олиши лозим бўлади.

Кичик хажмдаги фондга эга бўлган кутубхоналар жадвалларнинг ҳамма бўлимидан фойдаланиш шарт бўлмай, ўзига керакли асосий бўлимлардан фойдаланиши мумкин.

Кутубхоначи жадваллардаги индекслардан қайси бирини китобларни жойлаштириш учун ва қайси бирини каталог ташкил қилиш учун ишлатиш лозимлигини аниқлаб, жадвалга ўзига керакли белгилар қўйиб чиқади. Фойдаланилмаётган бўлимчаларга оид китоблар йирикрок бўлинма ёки бўлим индексини олиши мумкин. Масалан: кутубхонада астрономияга оид китоблар озгина бўлса, комета, метеоритга оид китоблар 22.655 индекси остида эмас, балки 22.6 Астрономия индекси остида қайд этилиши мумкин.

Кутубхона фондининг хажмига қараб майда бўлинишларни системали каталогда акс эттириш, китоб жавонида йирик бўлимлардан фойдаланиши мумкин. Бу ҳолда жадваллардаги майда бўлимларга СК (системали каталог) белгиси қўйилиб, рангли қалам билан тагига чизиб қўйилади. Бу ҳолда “қуёш тизими” оид китобнинг тўлиқ индекси 22.65, шифр индекси эса 22.6 бўлиши мумкин.

Жадваллардан фойдаланишда қўлланилмаган индексларни ўчириб ташламаслик керак, чунки вақт ўтиши билан фонд доимо янги адабиётлар билан бойиб борадиган қолган индексларга ҳам эҳтиёж пайдо бўлади.

Агар жадвалда бирор бир бўлимни майдалаштириш кўзда тутилган бўлса, янги индекслар одатдаги тартиб бўйича жорий этилади. Бунинг учун жадвалларга оқ қоғоз ёпиштирилиб, уларга асосий жадваллардаги индекслар билан умумий, ҳудудий ёки махсус намунавий бўлинмалар индексларидан ташкил топган янги индекслар ёзиб борилади. Индекснинг ёнига албатта янги очилган рубриканинг номи ёзиб қўйилади.

Қўшимча рукнлар намунавий бўлинишлар ёрдами билан вужудга келтирилади. Кутубхоначи жадвалнинг ишчи нусҳасини аниқлашда индекслардан қайси бири қўлланилишини аниқлаб, жадвалларга тегишли белгилар қўяди.

Кутубхоначи жадваллардан фойдаланишда қуйида кўрсатилган қоидалар, маслаҳатлар, усуллар гуруҳига асосланиб иш олиб бориши керак:

1. Классификациялашнинг умумий қоидалари
2. Системалаштиришнинг услубий аппарати
3. Алоҳида бўлимларни системалаштириш қоидалари
4. Услубий ечимлар картотекалари
5. Алифбо-предмет кўрсаткичи.

### **Системалаштириш усуллари**

Системалаштириш- матбуот нашрларининг мазмуни ва бошқа белгиларига қараб классификациялаш индексини аниқлаш, кутубхона-библиографик жадвалларни бўлим ва бўлимчаларга ажратиш демакдир. Ҳужжатларни индекслашда ҳар хилликка, хатоларга йўл қўймаслик учун системалаштириш махсус ўйлаб чиқилган принциплар, қонун, қоида, услублар асосида олиб борилиб умумий ва хусусий системалаштиришга бўлинади.

Умумий усул- барча фан соҳаларига оид адабиётларни системалаштиришда қўлланиладиган қонун ва қоидаларнинг йиғиндиси дир.

Хусусий усул- алоҳида фан тармоқларини системалаштириш қоидалари бўлиб, умумий усул принципларига асосланади.

Системалаштириш кутубхона ишининг сермашаққат ва мураккаб иши ҳисобланиб, кутубхоначидан чуқур билимли бўлиш, билим соҳаларига оид замонавий билимларни билиш, китобнинг мазмунини китобхонга очиб бера олиш қобилияти талаб қилинади. Шунингдек, системалаштирувчи махсус маълумотга, малакага, компьютер саводхонлигига эга бўлиши ва замон талабларига жавоб бера олиши керак.

Кутубхоначи ҳужжатларни системалаштираётганда ягона қонун ва қоидаларга асосланиши лозим.

### **Системалаштиришга қўйиладиган талаб ва қоидалар**

Ҳужжатнинг ҳақиқий мазмунини аниқлаш учун индексладиган ҳужжатнинг асосий ва хусусий мазмунини аниқлаб, жадвалнинг қайси бўлимига киритишни билганимиздан сўнг, унга асосий бўлимнинг индексини қўямиз. Ҳужжатнинг жанри, шакли ёки қайси китобхонга

мўлжаллангани кейинчалик ҳисобга олинади. Масалан, “Микробиология” китоби кимга мўлжалланганидан қатъий назар, биринчи навбатда асосий мазмуни бўйича микробиология **28.4** бўлимида жойлаштирилади. Унинг дарслик эканлигини умумий намунавий бўлиниш я 7 дан фойдаланиб “ я 723- ўрта махсус ўқув юртлари учун дарслик” белгиси билан кўрсатилади, яъни нашрнинг йўналиши, ким учун мўлжалланганлиги белгилаб қўйилади ва 28.4я 723 индекси билан расмийлаштирилади.

#### **Хужжат мазмунини бошқа бўлимлар билан чегараланишига қараб индекслаш.**

Агар хужжат мазмунидан бир неча соҳаларга тааллуқли бўлса, унинг асосий мазмуни мансуб бўлган бўлимни ва бошқа бўлимлар билан чегарасини аниқлаб олиш керак бўлади, шунда ортиқча, такрорий акс эттирилишига йўл қўйилмайди. Битта тушунча бошқа соҳада қўлланиладиган бўлса, ўша қўлланиладиган бўлимнинг индекси асосий бўлиб хизмат қилади ёки индексланадиган хужжатнинг мазмуни, предметига қараб индекс танлаш лозим бўлади. Масалан: “Техникавий микробиология”га оид китоб 28.4-микробиология индексини эмас, балки 30.6-умумий технология бўлимининг индексини олади, қишлоқ хўжалиги микробиологиясига оид китоб 40.5 индексини олади.

Ўлкашуносликка, географияга доир адабиётлар 26.89 индексини олади. “Ўзбекистон бўйича йўл кўрсаткич” китоби 26.89 (5 ўзб)+75.81(5 ўзб) индексини олади. “Ўзбекистон иқтисодий географияси” 65.049(5 ўзб) иқтисод масалаларига бағишланган бўлиб, иқтисод бўлимида акс эттирилади, қўшимча ўлкашунсолик 26.89 бўлимида қайд этилмайди. Лекин, “Мамлакатлар ва халқлар” китобида Африка ўлкаси ва тарихини ўрганадиган маълумотлар бўлганлиги учун унга иккита индекс берилади. 26.89(6)+63.5(6).

Адабиётни худудий жиҳатдан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлган ҳар бир бўлимда ўз ўлкаси (вилоят, шаҳар, район, қишлоқ) тўғрисидаги адабиёт учун бўлим ажратилади. Шу нарсани эслатиб ўтиш керакки, ўлкашунослик адабиёти махсус ажратилган рубрикалардагина эмас, балки тармоқ бўлимининг тегишли кичик бўлимларида ҳам йиғилади.

Масалан, Фарғона ҳақидаги ўлкашунослик адабиёт 26.3(5 ўзб-2 Фарғ)индекси остида йиғилади.

Мазмун жиҳатдан икки ва ундан ортиқ характерга эга бўлган хужжатлар улар учун асос бўлган билим соҳасига киритилади: астрофизика астрономияга, биофизика биологияга, химиявий технология техника фанларига ҳарайди. Кўп томлик китоблар умумий мазмунига қараб системалаштирилади, характерли сарлавҳага эга ва улар учун қўшимча тавсифлар тузилган айрим томлар эса ўз мазмунига мувофиқ такрорий акс эттирилади.

Давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, рассомлар ва шу кабиларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид адабиёт классификациянинг тегишли бўлимида акс этади. Фаолияти илм фаннинг кўпгина соҳалари билан боғлиқ бўлган қомусий олимлар, шу жумладан, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний ва бошқалар ҳақидаги адабиёт 72.3(5 ўзб)-ўзбек халқи фани тарихи бўлимида акс эттирилади. Шунингдек, Ал-Хоразмийнинг жаҳон фанига қўшган салмоқли қиссаси 63.3(5)452 –тарих бўлимида акс эттирилади. Шу билан бирга айрим фан соҳаларининг тарихига оид китоблар шу соҳанинг ўз индексини олади ва “Г” фан тарихи (УНБ) билан ёзилади. Масалан: Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари 5г индексини олади, бир неча соҳаларни бирлаштирган “Китоб аш шифо” фалсафий асари 72.3(5 ўзб)+87.3(5ўзб)г Ибн Сино тўлиқ индексини олади.

Кўп қиррали олимларнинг илм-фаннинг фақат бир соҳасига оид асарлари классификациянинг шу соҳага оид бўлимларида акс эттирилади. Мабодо буюк шахс турли соҳаларда асарлар ёзган бўлса, у вақтда унинг ҳақидаги адабиёт шахсининг энг кўп машқул бўлган фаолият турига оид бўлимда кўрсатилади. Масалан, А.Навоийнинг адабий мероси 83.3(5 ўзб)2- ўзбек мумтоз адабиёти бўлимида берилади.

Баъзи китобларда бундай шахслар фаолиятининг айрим томонлари ёритилади. Бундай характердаги китоблар мазкур шахс тўғрисидаги адабиётлар йиғилган асосий бўлим индексини олади.

## Хужжатларни системалаштириш услубиёти

Системалаштириш ишини ҳар томонлама ўрганиш шуни кўрсатадики, у ўзаро боғлиқ бўлган жараён ва ишлар тизимидан иборат. Системалаштиришда кутубхоначи барча маълумотларни ҳужжатнинг ўзидан олади, шунинг учун ҳужжатнинг ўзини кўрмасдан системалаштириб бўлмайди.

Системалаштиришнинг умумий усуллари қуйидаги аниқ жараёнлардан иборат:

1. Системалаштириш объекти ҳисобланган ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.
2. Классификациялаш учун қарор қабул қилиш.
3. АПКнинг предмет рубрикаларини тузиш ва расмийлаштириш.
4. АПКнинг предмет рубрикалари ва классификация индексларини таҳрир қилиш.
5. Классификация қарорини расмийлаштириш.

**Биринчи жараён**- ҳужжатни таҳлил қилиш, яъни у билан танишиш ва мазкур ҳужжатнинг классификация белгиларини кўрсатиш ва баҳолашдан иборатдир.

Ҳужжатни таҳлил қилиш энг муҳим ва масъулиятли босқич бўлиб, уни таҳлил қилиш учун китоб билан батафсил танишиб чиқиш керак. Айниқса, титул варағидаги маълумотларга эътибор бериш лозим, чунки классификациялаш учун энг асосий маълумотлар сарварағда берилади. Системаловчи сарлавҳага кўпроқ эътибор беради, чунки у китоб мазмунини қисқача ва баъзида аниқ ифодалайди. Масалан: Социология асослари. Кибернетика. Ўрмон хўжалиги ва ҳакозо.

Сарлавҳага тааллуқли маълумотлар эса ҳужжатнинг мазмунини, кимларга мўлжалланганини билдириб, умумий тасаввур ҳосил қилади. Масалан: “Ҳужжат фондлари: кутубхона ва ахборот фаолиятини бошқарув факультети талабалари учун дарслик”. Лекин, бадиий адабиёт, мемуарларнинг сарлавҳалари кўпинча китобнинг мазмунини очиб бермайди.

Айниқса, ёшлар учун аталган хилма хил мавзуларга аталган китобларнинг сарлавҳаси жарангдор, китобхонни ўзига тортадиган бўлади ва асл мазмунини англамайди. Бу ҳолда системаловчи ҳужжатнинг бошқа элементларига муурожаат этади.

Хужжатни классификациялашда нашриётларнинг номлари ҳам ёрдам беради, чунки улар ҳам алоҳида соҳадаги китобларни нашр қилишга ихтисослашган бўлади. Масалан: “Фан”, “Ўзбекистон”, “Медицина” ва бошқа.

Хужжатнинг аннотацияси, сўз боши унинг мазмунини, кимларга аталганини билдирса, мундарижа, хотима, илова, адабиётлар рўйхати хужжатда қандай мавзулар акс этганлигини, қандай қўшимча индекс қўйиш мумкинлигини аниқлашга имкон яратади.

Шундай қилиб, хужжатни таҳлил қилиш натижасида унинг мазмуни, соҳаси, кимга аталганлиги аниқланиб, дастлабки хулосалар чиқарилади. Системаловчи аниқланган классификация белгиларини унинг аҳамиятига қараб бир тартибга солади. Биринчи навбатда хужжатнинг мазмунини белгиловчи асосий индексни қўяди. Хужжатларнинг мазмуни, соҳаси, шакли, тилининг хилма хиллигини эътиборга олиб, ҳар томонлама ва батафсил таҳлил қилингандан сўнг системалашнинг иккинчи жараёнига ўтилади.

**Иккинчи жараён-** классификация қарорини қабул қилиш ҳамда классификация қарорини индексларга айлантиришдан иборат.

Керакли классификация индексларини қидириш кутубхона қўллаётган жадваллар асосида амалга оширилади. Системаловчи аниқ ва тўлиқ индексни белгилаш учун жадваллардан, АПК (Алифбо-предмет кўрсаткичи)дан фойдаланади.

Китобларда берилган индексларга мантиқий ёндошмоқ зарур ва уни аниқлаш керак. Тўғри қўйилган индекс бўлса ишлатиш лозим, нотўғри бўлса тузатиш киритилади.

Қарор қабул қилиш жараёнида хужжатнинг асосий бўлимдаги индекси, бошқа бўлимлар билан чегараланиши ёки боғланиши, намунавий бўлинишлар керакли даражада фойдаланганлигига эътибор берилади. Натижада хужжатнинг тўлиқ мазмунини англатувчи тўлиқ индекс аниқланади.

**Учинчи жараён-** алифбо-предмет кўрсаткичини (АПК) предмет рукнини тузиш ва расмийлаштириш.

Предмет рукнини тузиш ва шакллантириш учун классификация жадвалларининг атамалари ишлатилади. Атамаларни ўзаро боғлиқ занжирли усулда тузиш лозим.

АПК системали каталогнинг мазмунига қараб тузилади, яъни кўрсаткич китобда мавжуд бўлган барча тушунчаларни ўз ичига олиши лозим.

Агар бирор бир ноёб ёки тор соҳа бўйича кутубхонадаги каталог ажраткичида унга оид тушунча берилмаган бўлсада, бу китобга тегишли индекс қўйилиб, АПКга киритилиши лозим.

АПК биринчи босқичдаёқ тўлдирилади, сўнгра қўшилиб, кенгайтириб борилади. АПК да билимнинг етакчи тармоқлари, шу соҳага оид тушунчалар ҳамда ўрганадиган асосий объект бўлиб қолган предметларнинг номлари алифбо тартибида келтирилади. Масалан:

Ип 37.237

Ипак 37.234

Ипакчилик 46.92

Ирсият 28.04

Алифбо-предмет кўрсаткичининг ҳар бир руки алоҳида карточкага ёзиб қўйилади ва алифбо тартибида жойлаштирилади. Унинг асосий вазифаси китобхонга системали каталогдан фойдаланишда ёрдам беришдир.

**Тўртинчи жараён**-классификация индексларини таҳрир қилиш ва бу китобхонларга хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган ҳамда мунтазам равишда олиб боради.

Таҳрир қилиш жараёни кутубхонанинг тури ва хилига, катта ва кичиклигига, ходимлар сонига, ишлаш шароитига боғлиқ бўлади. Катта ва йирик кутубхоналарда бу жараён билан бир нечта ходим шуғулланса, кичик кутубхоналарда битта кутубхоначи шуғулланади. Таҳрир қилишдан асосий мақсад қўйилган индекснинг ҳужжат мазмунини тўлиқ акс эттирганлигини назорат қилишдир.

**Бешинчи жараён**-классификация қарорини расмийлаштириш. Бу жараён карточка-ларга тўлиқ ҳамда каталог индексини қўйиб чиқишни ўз ичига оладиган техник жараён ҳисобланади. Кутубхоначи ҳужжатларни жавонларга



жойлаштириш ва карточканинг каталогдаги ўрнини белгилашда қуйидаги индекслардан фойдаланади:

- 1) Шифр индекси.
- 2) Каталог индекси.
- 3) Тўлиқ индекс.

Шифр индекси икки қисмдан, яъни бўлим индекси ва муаллиф белгисидан иборат бўлиб, ҳужжатнинг жавондаги ўрнини белгилайди.

Каталог индекси- ҳужжатнинг каталогдаги ўрнини кўрсатади. Ҳужжат бир неча соҳага тегишли бўлса, ушбу соҳаларга оид индекслар тўлиқ индексда берилади. Ушбу ҳолатда муайян соҳага ёзилган қўшимча карточкада шу соҳанинг каталог индекси кўрсатилади, лекин тавсиф ўзгармайди.

Тўлиқ индекс- ҳужжатнинг тўлиқ мазмунини ифодалайди ва бир неча индекслардан иборат бўлади.

#### **Асосий карточка**

Шифр индекси Каримов И.А.

66.3 Маънавий юксалиш йўлида.Тарих, маърифат,маданият / Тузувчи  
К 25 Усмонов; Нашр учун масъул:  
Ш.Мансуров,Р.Сафоев.-Т.: Ўзбекистон , 1998.-480  
б.,расм,портр.

66.3(5ўзб)

каталог индекси

66.3(5

ўзб)+63.3(5ўзб)+87.60(5 ўзб)

#### **Тарих бўлимига оид қўшимча карточка**

Шифр индекси Каримов И.А.

66.3 Маънавий юксалиш йўлида.Тарих,  
маърифат,маданият /Тузувчи Усмо- К-25 нов;  
Нашр учун масъул:Ш.Мансуров,Р.Сафоев.-Т.  
:Ўзбекистон,1998.-480  
б.,расм,портр.

66.3(5ўзб)

каталог индекси

## **КЛАССИФИКАЦИЯНИНГ АСОСИЙ БЎЛИНИШЛАРИ**

- 1 Умумилмий ва соҳалараро билимлар**
- 2 Табiiй фанлар**
  - 20 Умуман табiiй фанлар**
  - 22 Физика-математика фанлари**
  - 24 Химия фанлари**
- 26 Ер ҳақидаги фанлар (геодезия, геофизика, геология ва география фанлари)**
  - 28 Биология фанлари**
- 3 Техника**
- 4 Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги фанлари**
- 5 Соғлиқни сақлаш. Медицина фанлари**
- 6/8 Ижтимоий ва гуманитар фанлар**
  - 60 Социология**
    - 60.6 Статистика**
    - 60.7 Демография**
- 63 Тарих.Тарих фанлари**
- 65. Иқтисод. Иқтисодий фанлар**
- 66. Сиёсат. Сиёсий фанлар**
- 67. Ҳуқуқ. Юридик фанлар**
- 68. Ҳарбий фан. ҳарбий иш**
- 70/79 Маданият. Фан. Маориф**
- 80/84 Филология фанлари. Бадиий адабиёт**
- 85 Санъат**
- 86 Дин. Диншунослик. Ҳурфикрлик ва диний фалсафа**
- 87 Фалсафа Фалсафа фанлари**
- 88 Психология**
- 9 Маълумотнома нашрлар.**

## 2. ТАБИЙ ФАНЛАР

### Асосий бўлинишлар

- 20 Умуман табиий фанлар
- 22 Физика - математика фанлари
- 24 Химия фанлари
- 26 Ер ҳақидаги фанлар (геодезия, геофизика, геология ва география
- 28 Биология фанлари

## 2 ТАБИЙ ФАНЛАР

### 20 Умуман табиий фанлар

Умуман табиий ёки табиий фанларнинг бир бўлагига оид адабиётлар. Амалий табиий фанлар категорияси

### 20 г Умуман табиий фанларнинг тарихи

### 20.1 Инсон ва атроф муҳит. Инсон экологияси ,табиатни муҳофаза қилиш.

Инсоннинг атроф муҳит билан боғлиқлиги ҳақида экологик билим бериш ва тар-биялаш. Урбоэкология. Умуман, қишлоқ хўжалик экологияси. Умуман,(саноат) инженер экологияси. Умуман, литосфера, гидросфера ва атмосфера экологияси - баъзи ўсимлик ва ҳайвонларнинг йўқолиб бориши, дарё ва кўллар деградацияси. Экологик ҳалокатлар. Ноосфера. Атроф муҳит статистикаси. Техника ва қишлоқ хўжалигининг алоҳида объектлари экологияси жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: қишлоқ хўжалик экологияси 41.2 дан қаралсин, балиқ хўжалиги экологияси - 47.2 дан қаралсин.

- Гидросфера экологияси -26.22 дан қаралсин.
- Атмосфера экологияси-26.23 дан қаралсин.
- Биоэкология -28.080 дан қаралсин.
- Археология -63.4 дан қаралсин.
- Этноэкология - 63.5 дан қаралсин.
- Ўқувчиларга экологиянинг ўқитилиши- 74.200.50 дан қаралсин.
- Этика экологияси 87.75 дан қаралсин.

### 20.18 Табиатдан унумли фойдаланиш

Табиатни муҳофаза қилиш. Табиатдан оқилона фойдаланишнинг назарий асослари: табиатни ўзлаштириш, реконструкция қилиш ва муҳофаза этиш. Табиий ресурсларни кў-пайтириш. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши. Умуман, атроф-муҳит мониторинги. Умуман, табиатдан реакцион фойдаланиш. Жонли ва жонсиз табиатни айти бир вақтда муҳофаза қилиш ҳақидаги адабиёт, шунингдек жонсиз табиатни муҳофаза қилишга оид адабиётлар. Жонли ва жонсиз табиатда айрим объектларнинг ифлосланиш мониторинги ва муҳофаза қилиш классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: ер ости бойликларини муҳофаза қилиш 26.325 дан қаралсин. Халқ хўжалигининг айрим тармоқларида, табиатдан реакцион фойдаланиш классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Ўрмондан реакцион фойдаланиш 43.9 дан қаралсин.
- Туризм 75.81 дан қаралсин.
- Жонли табиатни муҳофаза қилиш 28.088 дан қаралсин.
- Табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи 67.407 дан қаралсин.

**20.181(5Ўзб) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва расмий ҳукумат ҳужжатларида атроф муҳитдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш бўйича амалий ёндошувлар.**

“Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва расмий ҳукумат ҳужжатларида атроф муҳитдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш бўйича амалий ёндошувлар.”

Қуръони Карим, ҳадиси шарифларда экологик тарбия. Мустақиллик шароитида экологик тарбияни такомиллаштиришнинг зарурлиги.

**20.182(5 Ўзб) Орол муаммоси**

20.3 Атроф муҳитнинг аномалияси. Уфология

Ўрганилмаган учувчи объектлар (ўУО) Ердан ташқаридаги тараққиёт муаммолари, полтергейс ва бошқалар.

Ўрганилмаган учувчи объектлар (ўУО), ердан ташқаридаги ҳаёт муаммолари ва бошқалар.

- Қуёш тизимидаги сайёраларда ҳаёт формалари-22.654 дан қаралсин.

- Инсон саломатлигига геопатоген зоналарнинг таъсири -51.20 дан қаралсин.

## 22 Физика-математика фанлари

### А с о с и й б ў л и н и ш л а р

#### 22.1 Математика

#### 22.2 Механика

#### 22.3 Физика

#### 22.6 Астрономия

#### 21 Физика-математика фанлари

#### 22г Физика-математика фанлари тарихи

#### 22.1 Математика

Фан ва техниканинг айрим соҳаларида математикани ва математик усулларни қўллаш- жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: математик физика-22.311 дан қаралсин.

#### 22.1г Математика тарихи

#### 22.10 Элементар математика

- Арифметика-22.130 дан қаралсин
- Сонларнинг элементар назарияси -22.131 дан қаралсин
- Элементар алгебра -22.141 дан қаралсин
- Элементар геометрия -22.151.0 дан қаралсин
- Элементар ҳисоблаш-22.19 дан қаралсин

Элементар математика ва олий математикага оид адабиётлар 22.1 индекси остида йиғилади.

Арифметика -22.130; олий алгебра -22.14; элементар алгебра-22.141; элементар ҳисоблаш -22.19 дан қаралсин.

Фан ва техниканинг айрим соҳаларида математикани ва математик усулларни қўллаш классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: математик физика-22.311 дан қаралсин.

#### 22.11 Олий математика

Олий математиканинг айрим фанлари -22.12, 22.19 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан, олий алгебра-22.14 дан қаралсин.

#### 22.12 Математиканинг асослари. Математик мантиқ.

Арифметика, алгебра ва анализ асослари. Исботлаш назарияси. Моделлар назарияси. Алгебраик логика. Тўпламлар назарияси. Алгоритмлар назарияси ва

ҳисобланувчан (рекурсив) функциялар назарияси.  
Конструктив анализ.

- Геометрия асоси 22.151.1 дан қаралсин.

### **22.13 Сонлар назарияси**

Диофант тенгламалари, диофант яқинлашиш, транцендент сонлар ва ҳакозо.

- Шакллар назарияси -22.143 дан қаралсин.

### **22.130 Арифметика .**

Арифметик амаллар назарияси. Бутун сонлар. Касрлар.

- Арифметика асослари -22.12 дан қаралсин.

### **22.131 Сонларнинг элементар назарияси**

Сон ҳақида тушунча, саноқ тизими, бўлинувчанлик назарияси, туб сонлар назарияси ва бошқалар. Сонларнинг кетма-кетлиги, ажартиш назарияси ва ҳакозо.

- Комплекс ва мавҳум сонлар -22.141 дан қаралсин.

### **22.132 Сонларнинг алгебраик назарияси**

Алгебраик сонлар майдонларининг назарияси. Алгебраик сонлар майдонлари-нинг махсус синфлари: квадратли, кубик ва шу кабилар.

- Майдонлар ва кўпҳаддиларнинг алгебраик назарияси - 22.144 дан қаралсин.

### **22.135 Сонлар геометрияси**

Қавариқ ва ноқавариқ жисмлар, қадоқлаш (упаковка) , ўраш ва ҳакозо.

### **22.14 Алгебра**

Гомологик алгебра, дифференциал ва айирмали алгебра ва бошқалар.

- Алгебра асослари -22.12 дан қаралсин.

### **22.141 Элементар алгебра**

Алгебраик амаллар назарияси. Пропорциялар ва прогрессия. Логарифмлар. Энг қуйи даражаларнинг тенгламаси ва тенгсизлиги. Комплекс ва мавҳум сонлар. Комбинаторика элементлари: бирикмалар назарияси, Ньютон биноми ва бошқалар.

### **22.143 Чизиқли ва кўпчизиқли алгебра. Матрицалар назарияси.**

Чизиқли тенгламалар ва тенгсизлик тизимлари, шакллар назарияси, инвариантлар назарияси ва бошқалар.

- 22.144 Умумий алгебра**  
 Гуруҳлар ва ярим гуруҳлар. Халқалар ва модулар. Структуралар (панжаралар). Универсал алгебралар. Эркин алгебралар. Категориялар. Майдонлар ва кўпҳаддилар.
- 22.147 Алгебраик геометрия**  
 Алгебраик хилма-хилликлар ва қатламланишлар, бирационал геометрия, алгеб-раик эгри чизиклар, алгебраик сиртлар, уч ўлчовли хилма-хилликлар.
- 22.15 Геометрия. Топология**
- 22.151 Геометрия**  
 Дифференциал геометрия. Интеграл геометрия ва бошқалар.
- Сонлар геометрияси -22.135 дан қаралсин.
- 22.151.0 Элементар геометрия**  
 Планиметрия, стереометрия, геометрик шакллар яшаш назарияси, тригонометрия ва бошқалар.
- 22.151.1 Геометрия асослари. Аксиоматика**
- 22.151.2 Ноневклид геометрия**  
 Лобачевский геометрияси (гиперболик геометрия), Риман геометрияси (эллип-тик геометрия) ва бошқалар.
- 22.151.3 Аффин, проектив ва чизма геометрияси**
- 22.151.5 Геометрияда алгебрик ва аналитик усуллар**  
 Вектор ва тензор ҳисоблаш, аналитик геометрия ва бошқалар.
- Алгебраик геометрия -22.147 дан қаралсин
- 22.152 Топология**  
 Топология, метрик ва аналитик фазолар. Текис фазолар ва яқинлик фазолари. Узлуксиз аксланишлар. ўлчам ва бошқа топологик инвариантлар. Алгебраик топология. Кўп хиллилик топологияси.
- 22.16 Математик анализ. Функционал анализ.**
- 22.161 Математик анализ.**  
 Чегаралар, тенгсизликлар назарияси, операцион ҳисоб ва бошқалар.
- Анализ асослари -22.12 дан қаралсин.

- 22.161.1 Дифференциал ва интеграл ҳисоблаш**
- 22.161.5 Функциялар назарияси**
- 22.161.6 Дифференциал, интеграл ва интеграл-дифференциал тенгламалар. Чекли айирмалар ҳисоби**
- Тенгламаларни ечишнинг сонли усуллари -22.193 дан қаралсин.
- 22.161.8 Вариацион ҳисоб**
- 22.162 Функционал анализ**
- 22.17 Эҳтимоллар назарияси. Математик статистика. Комбинатор анализ. Графлар назарияси. (Дискрет анализ).**
- 22.171 Эҳтимоллар назарияси**
- Тасодифий (стохастик) жараёнлар ҳамда тасодифий функциялар: Марков жараёнлари ва шу кабилар.
- 22.172 Математик статистика**
- Кўп ўлчовли статистик анализ: дисперсион, регрессион, кластерли ва бошқалар.
- Фан ва техниканинг айрим соҳаларида математик статистикани қўллаш классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: статистик физика 22.317 дан қаралсин.
- 2.176 Дискрет анализ. Графлар назарияси**
- Дискрет математика (дискрет анализ)га ва чекли математикага оид умумий характердаги адабиёт ҳам 22.176 индекси остида йиғилади.
- Комбинаторика элементлари -22.141 дан қаралсин.
- 22.18 Математик кибернетика**
- Операциялар тадқиқоти: фойдалилик назарияси ва қарорларни қабул қилиш, ўйинлар назарияси, математик дастурлаш, оммавий хизматкўрсатиш назарияси ва бошқалар. Дастурлаш тиллари.
- Кибернетика -32.81 дан қаралсин.
  - Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлаш -32.978-018 дан қаралсин.
  - Математик лингвистика -81 дан қаралсин.
- 22.19 Ҳисоблаш математикаси**
- Элементар ҳисоблашлар. Тез санаш. Тахминий ҳисоблашлар. Хатолар назарияси, интерполяция, экстраполяция.



## **22.193 Тенгламаларни ечишнинг сонли усуллари**

Алгебраик, трансцендент, дифференциал, интеграл, интеграл-дифференциал, айирмали ва бошқа тенгламаларни ечишнинг усуллари.

## **22.194 Математик жадваллар**

### **22.2 Механика**

Фан ва техниканинг айрим соҳаларида механика конунларини қўллаш жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Осмон механикаси- 22.62 дан қаралсин.
- Қурилиш механикаси -38.112 дан қаралсин.
- Квант механикаси -22.314 дан қаралсин.

### **22.21 Назарий (аналитик) механика**

Моддий нукта механикаси, нукталар ва абсолют қаттиқ жисм тизимлари. Статика. Кинематика.

### **22.213 Динамика**

Қаттиқ жисмнинг айланиш, зарба назарияси, механик тизимларнинг тебранишлари, гироскопик тизимлар назарияси, ҳаракатнинг барқарорлиги ва бошқалар.

### **22.25 Туташ муҳитлар механикаси**

### **22.251 Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар (муҳитлар) механикаси**

Эластиклик назарияси, пластиклик назарияси, реология, сирпанувчанлик назарияси, вайрон қилиш назарияси. Конструкциялар элементлари: стерженлар, пластинлар (плиталар), қобиклар ва шу кабилар назарияси ва ҳисоби.

### **22.253 Гидромеханика ва аэромеханика. (Суюқлик ва газсимон муҳитлар механикаси)**

Гидростатика ва аэростатика. Суюқлик ва газ кинематикаси.

- Техник гидромеханика (гидравлика) -30.123 дан қаралсин.

### **22.253.3 Гидродинамика ва аэродинамика**

### **22.3 Физика**

Фан ва техниканинг айрим соҳаларида физиканинг қўлланилиши жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Геофизика 26.2 дан қаралсин.
- Агрофизика 40.1 дан қаралсин.

## **22.3г Физика тарихи**

### **22.3с Физикавий асбоблар**

Умумий характердаги адабиёт.

Айрим физикавий асбоблар-22.3нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Физикавий асбоблар ишлаб чиқариш- 34.9 дан қаралсин.

### **22.31 Назарий физика**

Майдоннинг квант назарияси (квант майдонлар назарияси).

Квант электродинамикаси ва бошқалар.

Айрим физик ҳодисалар назарияси-22.3 бўлимчаларидаги мос ҳодисалар остидан қаралсин. Масалан:

- Товуш назарияси 22.32 -дан қаралсин.
- Қаттиқ жисм назарияси 22.37- дан қаралсин.

### **22.311 Математик физика (назарий физиканинг математик усуллари)**

#### **22.313 Классик электродинамика. Нисбийлик назарияси**

Максвелл-Лоренц электродинамикаси, нисбийлик назариясида фазо ва вақт, нисбийлик умумий назариясининг космологик муаммолари ва бошқалар.

#### **22.314 Квант (тўлқин) механикаси. Нерелятивистик квант механикаси**

#### **22.317 Термодинамика ва статистик физика**

Фазовий ўтиш назарияси, квант суюқликлари назарияси ва бошқалар.

Статистик физика ва термодинамиканинг айрим масалалари классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

Масалан: химик термодинамика -24.53 дан: техник термодинамика -31.31 дан қаралсин.

- ўта оқувчанлик -22.36 дан қаралсин.

#### **22.32 Акустика**

Товуш назарияси. Товушнинг тарқалиши. Ультратовуш ва инфратовуш. Акустооптика.

Фан ва техниканинг айрим соҳаларида акустиканинг қўлланилиши классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: электроакустика -32.87 дан: архитектура ва қурилиш акустикаси -38.113 дан: музика акустикаси -85.31 дан қаралсин.

### **22.33 Электр ва магнетизм**

Электростатика. Электр токи. Газ ва суюқликларнинг электрик ва магнит хосса-лари.

Фан ва техниканинг айрим соҳаларида электр ва магнетизм назарияси қонунларининг қўлланилиши жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: фойдали қазилмаларни қидириш ва разведка қилишнинг электрометрик усуллари 26.325 дан қаралсин.

- Қаттиқ жисмларнинг электр ва магнит хоссалари 22.37 дан қаралсин.
- Электр ва магнит занжирлари назарияси 31.211 дан қаралсин.
- Электр ва магнит ўлчовлари 31.22 дан қаралсин.

### **22.333 Электрон ва ионли ҳодисалар плазма физикаси**

Эластик ва ноэластик ўзаро таъсир ва уларнинг кесимлари, газли разряд, суюқликларнинг ионлашуви, термоядроли реакциялар, термоядроли реакторлар ва бошқалар.

- Космик плазма 22.632 дан қаралсин.
- Энергетик термоядро реакторлари 31.49 дан қаралсин

### **22.334 Магнетизм**

Магнит майдони назарияси, диамагнетизм, парамагнетизм ва бошқалар

### **22.336 Электромагнит тебранишлари**

### **22.338 Электр ва магнит майдонларида зарядланган зарраларнинг ҳаракати**

Электрон ва ион даста, электрон ва ион микроскоплар ва бошқалар.

### **22.34 Оптика**

Ёруғлик (оптик нурланиш) табиати. Газ ва суюқликларнинг хоссалари. Геометрик оптика. Оптик асбоблар. Ультрабинафша ва инфрақизил нурланиш.

Фан ва техниканинг айрим соҳаларида оптиканинг қўлланилиши жадвалнинг тегишли бўлимларидан қаралсин. Масалан: химиявий анализнинг оптик усуллари -24.46 дан қаралсин.

- Акустооптика 22.32 дан қаралсин.
- Қаттиқ жисмларнинг оптик хоссалари 22.37 дан қаралсин.
- Гамма нурланиш 22.383 дан қаралсин.

### **22.343 Физикавий оптика**

Молекуляр, тўлқин ва квант оптика масалалари. Ёруғлик назарияси. Ёруғликнинг акс этиши, синиши, ютилиши, дисперсияси, кутбланиши ва сочилиши. Ночизикли оптика. Электрооптика ва магнитооптика. Рангшунослик.

#### **22.343.4 Ёруғлик интерференцияси. Ёруғликнинг дифракцияси. Ёруғликнинг когерентлиги.**

Голография ва бошқалар.

Фан ва техниканинг айрим соҳаларида голографиянинг қўлланилиши жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: жинойтларни очиш жараёнида голографияни қўллаш 67.52 дан қаралсин.

#### **22.344 Спектроскопия**

Рентген, лазер спектроскопияси, радиоспектроскопия, спектрометрия ва бошқалар.

- Магнит спектроскопияси -22.37 дан қаралсин.
- Ядровий физикада спектроскопия -22.38 дан қаралсин.

#### **22.345 Люминесценция**

- Биолюминесценция -28.071 дан қаралсин.

#### **22.346 Рентген нурлари (икс-нурлар)**

#### **22.36 Молекуляр физика**

Атом ва молекулаларнинг тузилиши ва хоссалари. Иссиқлик ва кинетик ҳодисалар (кўчириш ҳодисалари). Юқори ва паст босимлар физикаси. Юқори ва паст температуралар физикаси: ўта ўтказувчанлик, ўта оқувчанлик ва бошқалар.

- Қаттиқ жисмларда иссиқлик хоссалари ва кинетик ҳодисалар- 22.37 дан қаралсин.
- Атом ядросининг тузилиши ва хоссалари -22.383 дан қаралсин.

#### **22.365 Газлар ва суюқликлар физикаси**

Газларда ва суюқликларда молекуляр ҳамда иссиқлик ҳодисалари. Суюқликларда устки ҳодисалар. Агрегат ҳолатнинг ўзгариши.

- Эритмалар физикаси 24.5 дан қаралсин.
- Ҳавонинг, сув буғининг ва сувнинг термодинамикаси, иш жисмлари (техника термодинамикаси) сифатида 31.31 дан қаралсин.

#### **22.37 Қаттиқ жисмлар физикаси. Кристаллография**

Кристалл ҳолатидаги каби аморф ҳолатида ҳам қаттиқ жисмлар назарияси, тузилиши ва хоссалари, кристаллар физикаси (кристаллофизика). қаттиқ жисмларда устки ҳодисалар.

- Қаттиқ жисмларнинг механик хоссалари -22.251 дан қаралсин.
- Кристаллохимия -24.5 дан қаралсин.
- Қаттиқ жисмларнинг акустикавий хоссалари -22.32 дан қаралсин.
- Табиий минералларнинг кристаллофизикаси ва кристаллографияси 26.30 дан қаралсин.
- Металлар ва метал қотишмалари физикаси (металлофизика)-34.2 дан қаралсин.

### **22.379 Яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси**

### **22.38 Ядро физикаси (атом ва элементар зарралар физикаси)**

Космик нурларга оид адабиёт ҳам -22.38 индекси остида йиғилади.

### **22.382 Элементар зарралар**

### **22.383 Атом ядроси**

Ядроларнинг парчаланиши ва радиоактивлиги, ядровий нурланишлар, атом ядроларининг хусусиятлари.

- Изотопларнинг химиявий хоссалари -24.13 дан қаралсин.

### **22.383.5 Ядровий реакциялар**

Термоядро реакциялари ва термоядро реакторлари -22.333 дан қаралсин.

- Ядро (атом) энергетикаси 31.4 дан қаралсин.

### **22.386 Зарраларнинг модда орқали ўтиши**

Нейтрон физикаси, нейтрон оптикаси ва бошқалар

### **22.6 Астрономия**

Астрономик кузатишлар. Расадхоналар. Планетарийлар.

### **22.6г Астрономия тарихи**

### **22.6с Астрономик ускуналар ва асбоблар**

- Вақтни ҳосил қиладиган ва сақлайдиган асбоблар- 22.61 дан қаралсин.
- Радиоастрономик асбоблар -22.63 дан қаралсин.
- Астрономик асбобларни ишлаб чиқариш -34.9 дан қаралсин.

## **22.61 Астрометрия**

Сферик астрономия. Меридиан кузатишлари. Каталоглар тузиш ва таққослаш. Фотографик астрономия: Вақт ёритгичларининг координаталари ва параллаксла-рини аниқлаш. Вақт хизмати: атом вақтини ҳосил қилиш усуллари, вақтни сақлаш, вақт сигналларини ёйиш. Кенглик хизмати. Йил ҳисоби. Таквим (календарь).

Фан ва техниканинг айрим соҳаларида астрометриянинг қўлланилиши жадвал-нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: амалий (геодезик) астрономия -26.11 дан: денгиз ва кема астрономияси -39.471.4 дан қаралсин.

- Сунъий космик жисмларни фотографик йўл билан кузатиш-39.67 дан қаралсин.

## **22.62 Назарий астрономия. Осмон механикаси.**

Бутун дунё тортилиш қонуни, Кеплер қонунлари, осмон жисмларининг орбита-ларини аниқлаш, осмон жисмларининг чекланиш ҳаракати назарияси.

## **22.63 Астрофизика. Коинот физикаси**

Оптик астрофизика: астрофотография, астрофотометрия, астроспектроскопия, астроиклим. Радиоастрономия: осмон жисмларини радиоастрономик тадқиқ қилиш, радиолокацион астрономия. Атмосферадан ташқари астрофизика: рентген астрономияси, гамма астрономияси.

Алоҳида осмон жисмларини астрофизик тадқиқ қилиш осмон жисмларининг мос келувчи индекслари остидан қаралсин. Масалан: ойни радио йўли билан тадқиқ қилиш - 22.654.1 дан қаралсин.

- Космик нурлар- 22.38 дан қаралсин.

## **22.632 Назарий астрофизика**

Юлдуз атмосфералари. Юлдузларнинг ички тузилиши ва эволюцияси: юлдузлар-нинг моделлари ва химиявий таркиби, юлдуз энергияси, юлдузларда ядро реакцияси. Космик газодинамика ва электродинамика, космик плазма. Химиявий элементларнинг ҳосил бўлиши. Космос химияси. Релятивистик астрофизика, космология: умуман Коинот, Коинот моделлари (“Қизиб турган” Коинот ва шу кабилар), қора ва оқ тешиклар, қизил аралаш табиати ва ҳақозо.

- Нисбийлик умумий назариясининг космологик муаммолари-22.313 дан қаралсин.

- Метагалактика -22.67 дан қаралсин.

## **22.65 Қуёш тизими**

### **22.652 Қуёш**

#### **22.654 Сайёралар ва йўлдошлар. Сайёра астрономияси. Астробиология.**

22.654 индекси остида ва унинг бўлимчаларида сайёраларни кузатиш тўғрисидаги, уларнинг ҳаракати, параллакслари, физик тузилиши, ҳарорати ва атмосфераси, келиб чиқиши ва эволюцияси, тадқиқотларнинг физик усуллари, химиявий бирикмалари, сайёралар геологияси ва ҳаёти тўғрисидаги адабиёт йиғилади.

Шунингдек, Ердан ташқаридаги тараққиёт муаммоларига оид адабиётлар ҳам - 22.654 индекси остида йиғилади.

- Кичик сайёралар- 22.655 дан қаралсин.
- Космонавтика (астронавтика) -39.6 дан қаралсин.

#### **22.654.1 Ер гуруҳидаги сайёралар**

Меркурий, Венера, Ер сайёраси, Ой, Марс ва уларнинг йўлдошлари. Уларнинг пай до бўлиши.

- Ернинг катталиги, кўриниши -26.11 дан қаралсин.
- Ернинг зичлиги- 26.21 дан қаралсин.
- Ернинг атмосфераси- 26.23 дан қаралсин.
- Ернинг тарихи ва ёши -26.33 дан қаралсин.
- Ернинг устки қисми -26.823 дан қаралсин.

#### **22.654.2 Катта сайёралар ва уларнинг йўлдошлари.**

Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун.

#### **22.654.3 Транснептун бўлаги**

Плутон.

#### **22.655 Қуёш тизимининг кичик жисмлари**

Астероидлар (кичик сайёралар) кометалар, метеорлар ва болитлар, метеоритлар.

#### **22.657 Сайёралараро муҳит**

Сайёралараро моддани ташкил этувчи газ ва чанглар, зодикал Ёруғлик, акс шуъла ва бошқалар.

Космик фазо тадқиқотлари ва космик фазони муҳофаза қилишга оид умумий характердаги адабиёт ҳам -22.657 индекси остида йиғилади.

- Космик фазони ўзлаштириш -39.6 дан қаралсин.

## **22.66 Юлдузлар ва юлдузлараро диффуз материя.**

### **Юлдуз (галактика) астрономияси**

Нормал, кўшалок, каррали, ўзгарувчан, янги, ўта янги, пульсара юлдузлар ва ҳакозо. Юлдузли таърифлар. Юлдузлараро диффуз материя: галактика туманликлари, юлдузлараро муҳит.

- Амосферанинг ички тузилиши ва юлдуз эволюцияси-22.632 дан қаралсин.
- Сайёралараро муҳит -22.657 дан қаралсин.

## **22.67 Юлдуз тизимлари**

Галактика (сомон йўли), юлдузларнинг тўпланишлари, метагалактика, галактикадан ташқари астрономия, галактикаларнинг тузилиши, ҳаракати, тўпланиши, радиогалактикалар, квазарлар ва бошқалар.

## **22.68 Космогония**

Умумий характердаги адабиёт. Сайёрлар, сайёралар тизимлари ва қуёш тизимининг пайдо бўлиши ва эволюцияси космик жисмлар ва уларнинг тизимлари индекслари остидан қаралсин. Масалан: Ойнинг пайдо бўлиши -22.654.1 дан қаралсин.

- Юлдузларнинг пайдо бўлиши 22.632 дан қаралсин.
- Қуёш эволюцияси 22.652 дан қаралсин.

## **Химиявий фанлар**

### **А с о с и й б ў л и н и ш л а р**

**24.1 Умумий ва аноорганик химия**

**24.2 Органик химия**

**24.4 Аналитик химия**

**24.5 Физикавий химия. Химиявий физика**

**24.6 Коллоид химия (физика - химия дисперс тизимлар)**

**24.7 Юксак молекуляр бирикмалар (полимерлар) химияси**

24 Химиявий фанлар



Фан ва техниканинг айрим соҳаларида химиянинг қўлланиши- жадвалининг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: химиявий технология 35 дан қаралсин: агрохимия 40.4 дан қаралсин.

## **24г Химия тарихи**

### **24.1 Умумий ва анорганик химия**

Химиянинг асосий тушунчалари, назарияси, қонунлари: химиявий элементларнинг Д.И.Менделеев даврий системаси ҳамда даврий қонуни ва бошқалар.

- Атом ва молекулалар тузилиши -22.36 дан қаралсин.
- Молекулаларнинг химиявий алоқаси ва тузилиши -24.5 дан қаралсин.

### **24.12 Химиявий элементлар ва уларнинг бирикмалари**

Атом ва молекуляр масса, химиявий элемент валентлиги ва изотопи. Ноорганик бирикмаларнинг тузилиши ва хусусияти. Кислород бирикмалари: оксидлар, гидрооксидлар, пероксидлар, тузлар. Комплекс, молекуляр, интерметалли бирикмалар ва ҳакозо. Ноорганик химиявий реакциялар. Даврий системанинг нолга баравар бўлган гуруҳи. Асл (инерт) газлар. Гелий, неон, аргон, криптон, ксенон, радион.

#### **24.120 Даврий системанинг нолга баробар бўлган гуруҳи. Асл (инерт) газлар**

Гелий, неон, аргон, криптон, ксенон, радон.

#### **24.121 Даврий тизимнинг биринчи гуруҳи**

Водород. Ишқорли металлар: литий, натрий, калий, рубидий, цезий, франций. Мис кичик гуруҳи: мис, кумуш, олтин.

#### **24.122 Даврий тизимнинг иккинчи гуруҳи**

Бериллий. Магний. Ишқорли ер металлари: кальций, стронций, барий, радий. Рух гуруҳи: рух, кадимий, симоб.

#### **24.123 Даврий тизимнинг учинчи гуруҳи**

Бор. Алюминий. Галлий кичик гуруҳи:галлий, индий, таллий. Скандий кичик гуруҳи: скандий, ритрий, лантан. Лантаноидлар (ерда кам учрайдиган металлар): церий, празеодим, неодим, прометий, гольмий, эрбий, таллий, иттрий, лютеций. Актиний, Актиноидлар (трансуранли

элементлар): нептуний, плутоний, фермий, менделлеевий, лоуренский.

- Торий -24.124 дан қаралсин.
- Протактиний -24.125 дан қаралсин.
- Уран -24.126 дан қаралсин.

#### **24.124 Даврий тизимнинг тўртинчи гуруҳи**

Углерод. Кремний. Германий кичик гуруҳи: германий, калайи, кўрғошин. Титан кичик гуруҳи: титан, цирконий, гафний, курчатовий. Торий.

#### **24.125 Даврий тизимнинг бешинчи гуруҳи**

Азот. Фосфор. Мишьяк (маргимуш) кичик гуруҳи: маргимуш, сурма, висмут. Ванадий кичик гуруҳи: ванадий, ниобий, тантал. Протактиний.

#### **24.126 Даврий тизимнинг олтинчи гуруҳи**

Кислород. Олтингугурт кичик гуруҳи: халькогенлар, олтингугурт, селен, теллур. Хром кичик гуруҳи: хром, молибден, вольфрам. Полоний. Уран.

#### **24.127 Даврий тизимнинг еттинчи гуруҳи**

Галогенлар: фтор, хлор, бром, йод, астат. Марганец кичик гуруҳи: марганец, технеций, рений.

- Водород -24.121 дан қаралсин.

#### **24.128 Даврий системанинг саккизинчи гуруҳи**

Темир оиласи: темир, кобальт, никель. Платинавий металллар: рутений, радий, палладий, осмий, иридий, платина.

- Асл (инерт) газлар- 24.120 дан қаралсин

#### **24.13 Радиоактив элементлар. Радиоактив изотоплар.**

##### **Радиохимия**

Фан ва техниканинг айрим соҳаларида радиоактив изотоплар ва радиохимия қўллаш жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: радиоактив изотоплар диагностикада -53.6 дан қаралсин.

- Радиоактивлик -22.383 дан қаралсин.
- Таркибида изотоплар бўлган бирикмалар -24.238 дан қаралсин.
- Радиацион ва ядро химияси- 24.5 дан қаралсин.

#### **24.2 Органик химия**

Органик бирикмаларнинг тузилиши, хоссалари лаборатория синтези. Топологик алоқа билан бирлашиш: катенанлар ва шу кабилар. Органик реакциялар.

- Органик бирикмаларнинг саноат синтези -35.61 дан қаралсин.

#### **24.23 Органик бирикмалар**

Ҳар хил тузилишдаги органик бирикмалар, углеводлар, галоидҳосила органик бирикмалар, спиртлар, альдегидлар, кетонлар, органик кислоталар ва уларнинг ҳосилалари, таркибида азот бўлган бирикмалар, таркибида олтингугурт бўлган бирикмалар айрим гуруҳлари ҳақидаги умумий характердаги адабиёт.

#### **24.234 Ациклик бирикмалар (алифатик бирикмалар, ёғли бирикмалар)**

#### **24.235 Изоциклик (карбоциклик) бирикмалар**

Алициклик бирикмалар. Ароматик бирикмалар.

#### **24.236 Гетроциклик бирикмалар**

Макроциклик бирикмалар

#### **24.237 Элементорганик бирикмалар**

#### **24.239 Таркибида изотоплар бўлган органик бирикмалар**

#### **24.239 Таркибида органик бирикмалар ва уларнинг синтетик аналоглари.**

Углеводлар, шакарлар, терпенлар, стероидлар, алколоидлар, липидлар, антибио-тиklar, аминокислоталар, нептидлар, оксиллар, ферментлар, гормонлар, нуклеин кислоталар, витаминлар ва жонли организмлардан ташқари бошқа табиий бирикмалар ва уларнинг синтетик аналоглари. Жонли организмларнинг химиявий таркиби ва уларда рўй берадиган химиявий жараёнлар (биологик органик химия) 28 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: коннинг химиявий таркиби- 28.91 дан қаралсин.

#### **24.4 Аналитик химия**

Анорганик ва органик моддаларни таҳлил қилиш усуллари, айрим элементлар ва бирикмаларнинг анилизи.

Фан ва техниканинг айрим соҳаларида химиявий анализ жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: денгиз сувининг анилизи- 26.221 дан қаралсин. Болалар

овқати концентратларининг химиявий анализи -36.96 дан қаралсин.

- Полимерларнинг химиявий анализи -24.7 дан қаралсин.

## **24.46           Анализнинг физикавий ва физико-химиявий усуллари.**

### **24.5               Физикавий химия. Химиявий физика**

Молекулуларнинг химиявий боғланиши ва тузилиши. Молекулулараро ўзаро таъсирланиш. Квант химияси. қаттиқ жисмлар химияси. Кристаллохимия. Яримўтказгичлар ва диэлектриклар химияси. Фотохимия. Радиацион химия. Ядро-вий химия. Эритмалар, қоришмалар, сиртки ходисаларнинг физикавий химияси: сорбция, десорбция, хроматография, ионли алмашув ва бошқалар. Механохимия. Магнитохимия.

- Моддаларнинг тузилиши ва агрегат ҳолати -22.36 дан қаралсин.
- Физикавий органик химия ва топологик алоқа билан бирлашиши -24.2 дан қаралсин.
- Хроматографик таҳлил -24.4 дан қаралсин.
- Полимерларнинг физикавий химияси- 24.7 дан қаралсин.

### **24.53           Химиявий термодинамика. Термохимия. Мувозанат. Физика - химиявий таҳлил.**

### **24.54           Химиявий кинетика. Ёниш, детонация ва портлашлар. Катализ**

### **24.57           Электрохимия**

### **24.58           Ташқи кўринишнинг физикавий химияси** Сорбция, десорбция, хроматография, ион алмашиш ва бошқалар.

### **24.6           Коллоид химия (дисперс тизимларнинг физика-химияси)**

Лиофоб (гетероген) коллоид системалари лиозоли, аэрозоли, аэрогели. Лиофиль (гамоген) коллоид системалари. Структурали коллоид системаси: гели, студни. Грубодисперс тизими: суспензия, эмульсия, кўпик, порошок, пасталар.

### **24.7           Юқори молекуляр бирикмалар (полимерлар) химияси**

Полимерларнинг тузилиши, хоссалари ва уларни аниқлаш.

Полимерларнинг эритмаси. Полимерларнинг синтези.  
Химиявий таҳлили ва уларнинг ажралиши.

- Полимерларнинг саноат синтези 35.71 дан қаралсин.

#### **24.72 Синтетик юқори молекуляр бирикмалар**

Карбоцеп, гетероцеп, элементоорганик полимерлар.

#### **24.73 Табиий юқори молекуляр бирикмалар**

Табиий мумлар гуминбирикмаси:

Юқори полисахаридлар: целюлоза, крахмал, хитин ва бошқалар.

- Оксиллар ва нуклеин кислоталар- 24.239 дан қаралсин.
- Табиий ва синтетик каучуклар- 35.721 дан қаралсин.

#### **24.74 Аноорганик юқори молекуляр бирикмалар**

Гемоцеп неорганик полимерлар: полимер бори, углерод, кремний, фосфор, маргу-миш, олтингугурт ва бошқалар.  
Гетероцеп ноорганик полимерлар: нитридлар, карбидлар, полимер комплектик бирикмалар

### **26 Ер тўғрисидаги фанлар (геодезик, геофизика, геологик ва географик фанлар**

А с о с и й б ў л и н и ш л а р:

#### **26.0 Ер курраси**

#### **26.1 Геодезик фанлар. Картография**

#### **26.2 Геофизик фанлар**

#### **26.3 Геологик фанлар**

#### **26.8 Географик фанлар**

### **26 Ер тўғрисидаги фанлар (геофизик, геодезик, геологик ва географик фанлар)**

Ер ҳақидаги умумий характерга эга бўлган адабиётлар 26 индекси остида йиғилади. Ер ҳақидаги фанларнинг баъзи техника ва фан соҳаларида қўлланилишига оид адабиётлар жадвалнинг мос бўлимчаларида йиғилади.

#### **26..0 Ер курраси**

Ер курраси ер ҳақидаги фанлар объекти. Ер назарияси.  
Ер қатлами. (геосфер.)

- Ернинг келиб чиқиш космик гипотези ва ер эволюцияси- 22.654.1 дан қаралсин.

#### **26.1 Геодезик фанлар. Картография.**

Амалий ва муҳандислик геодезияси, карташунослик, карталар ва атласлар тузиш ҳамда улардан фойдаланиш ва ҳакозо.

Мелиорацияда, қурилишда, кончилик ишида ва шу кабиларда геодезия ишлари жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: қурилишда геодезия ишлари -38.115 дан қаралсин. Илмий ва амалий фаолиятнинг айрим соҳаларида карта ва атласлардан фойдаланиш жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: қурилишда геологик карталардан фойдаланиш 38.2 дан қаралсин.

### **26.11 Олий геодезия**

Ернинг тузилиши ва катталаги. Геодезик гравиметрия. Ер эллипсоидада коорди-наталар. Координат жадваллари. Геодезик астрономия: ер жисмларининг узунламаси, кенгамаси, азимутларини аниқлаш, вақтни аниқлаш. Космик геодезия. Астрономик геодезик тармоқлар: трилатерация, триангуляция, полигонометрия, ниверлаш ва бошқалар.

- Вақт хизмати ва кенглама хизмати -22.61 дан қаралсин.

### **26.12 Геодезия. Топография**

Топографик съёмкалар. Фотография. Аэрофотосъёмка: аэрофотоматериал-ларни дешифровка қилиш ва ҳакозо. Фотограмметрия. Турган жойни аниқлаш (ориентирлаш).

Фан ва техниканинг айрим соҳаларидан аэрофотосъёмканинг қўлланиши жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: ўрмон хўжалигида аэрофотосъёмка -43.4 дан қаралсин.

- Триангуляция, полигонометрия ва нивелирлаш -26.11 дан қаралсин.

### **26.17 Картография**

Карташунослик, картометрия. Карта ва атласларни тузиш ва безатиш.

Илмий ва амалий фаолиятнинг айрим соҳаларида карта ва атласдан фойдаланиш жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: қурилишда геологик карталардан фойдаланиш -38.2 дан қаралсин.

Мавзули атлас ва карталар жадвалнинг мос намунали бўлинишларида жойлашади. Масалан: геологик карта -26.3 я

6; Франциянинг географик атласи -26.89 (4 Фра) я 6 дан қаралсин.

## **26.2 Геофизик фанлар**

Умуман геофизика. Ернинг иссиқлик ва энергетик баланси. Умуман Ернинг радиоактивлиги. Ядро геофизикаси.

Геофизик кўринишларга космик нурланиш таъсири. Табиий ҳодисалар умумий кўринишига оид адабиётлар 26.2 индекси остида йиғилади. Табиатнинг алоҳида кўринишига оид адабиётлар жадвалнинг мос бўлимчаларида йиғилади. Масалан: денгиз физикаси -26.221 дан қаралсин.

Табиий сувлар, минераллар, тоғ жисмлари, фойдали қазилмалар ва шу кабиларнинг радиоактивлиги жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

## **26.21 Ер бағри физикаси**

Ернинг ички тузилиши. Ер ядроси. Гравиметрия. Геотермия. Ер электри ва магнетизм. Зилзила, сейсмология.

Ер қобиғининг моддий таркиби, геологик тузилиши ва ривожланиши шунингдек, тоғ жисмлари, минераллар ва фойдали қазилмаларнинг физикавий хоссалари -26.3 дан қаралсин. Масалан: нефть конларининг пайдо бўлиши ва шаклланиши -26.343.7 дан қаралсин.

- Ер қобиғининг ҳосил бўлиши ва ёши -26.33 дан қаралсин.

## **26.22 Гидрология**

Умуман табиий сувлар: табиий сувларнинг таркиби ва хоссалари, гидрохимия, табиатда сувнинг айланиб юриши ва ҳакозо. Гидросфера экологияси: умуман табиий сувларни муҳофаза қилиш, тозалаш, улардан фойдаланиш ва бошқалар.

Табиий сувлар, айрим типлари ва турларининг таркиби ҳамда хоссалари ва уларни муҳофаза қилиш 26.221, 26.222 ва 26.325 нинг тегишли индекслари остидан қаралсин.

- Гидробиология 28.082 дан қаралсин.
- Атмосферада сув 26.233 дан қаралсин.

## **26.221 Океанология**

Океанни ўрганиш ва ўзлаштириш воситалари ва усуллари: чўктириш техни-каси, батискафлар ва шу кабилар. Океанография, денгиз физикаси ва гидрологияси. Денгиз сувининг таркиби ва хоссалари. Денгиз динамикаси:

денгизлар, тўлқинлар, цунамилар, сувнинг кўтарилиши ва ҳакозо. Денгиз термикаси, оптикаси, акустика-си, денгиз музлари. Денгиз гидрологик прогнозлари. Денгиз сувини муҳофаза қилиш.

Океан физикаси. Океан химияси. Дунё океани сув баланси. Денгиз ва океан экологияси. Сув ости тадқиқоти жадвалининг мос бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: сув ости археологик тадқиқоти- 63.4 дан қаралсин.

Айрим денгиз ва океан тўғрисидаги, комплекс характердаги адабиётлар -26.89(9) индекси остида йиғилади.

- Қирғоқ бўйидаги жойлар (дарёларнинг қуйилиши жойлари ва денгизнинг сув қуйилишига яқин жойлари) гидрологияси-26.222.5 дан қаралсин.
- Денгиз геологияси -26.38 дан қаралсин.
- Денгиз тагининг геоморфологияси -26.823 дан қаралсин.
- Денгиз биологияси -28.082 дан қаралсин.

#### **26.222 Куруклик гидрологияси**

Куруклик табиий сувларининг таркиби ва хоссалари. Динамика, термика, сув баланси ва курукликдаги сув режими. Сув кадастри. Гидрологик районлашти-риш. куруклик сувларини муҳофаза қилиш. куруклик экологияси.

- Гидрология -26.35 дан қаралсин.
- Тупроқ гидрологияси -40.3 дан қаралсин.

#### **26.222.5 Табиий ўзан оқимлари (дарёлар, муваққат ва кичик каналлар) гидрологияси**

Ўзан жараёнлари: селлар ва шу кабилар.

#### **26.222.6 Кўллар ва сув омборлари гидрологияси. Кўлшунослик (лимнология)**

#### **26.222.7 Ботқоқшунослик. Ботқоқлар гидрологияси.**

Ботқоқлик ландшафтнинг бир тури сифатида -26.82 дан қаралсин

#### **.26.222.8 Гляциология**

Қор қатлами, кўчкилар, музликлар ва ҳакозо.

#### **26.23 Метеорология**

Атмосфера тузилиши ва хоссалари, унда рўй бераётган жараёнлар. Гидроме-терология. Метерология кузатишларининг хизмати. Инструментал метерология:



радиозонлаш, спутникли радиолакацияли, лазерли ва бошқалар. Атмосфера химияси. Атмосфера радиоактивлиги. Атмосфера экологияси: ифлосланиш ва ундан ҳимоялаш.

Метеорология ва климатологиянинг амалий соҳалари жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: агрометеорология ва агроклиматология -40.2 дан қаралсин.

### **26.233 Атмосфера физикаси**

Атмосфера актиметрияси, акустикаси, оптикаси. Атмосферада электр ва термика. Атмосфера шамоли ва босими. Атмосферада сув: булут, ёмғир, сел ва бошқалар. Атмосфера термодинамикаси ва механикаси. Метеорология динамикаси. Аэрология. Аэрономия: ионосфера, шимол ёғдуси ва бошқалар. Океан ва атмосферанинг боғлиқлиги: нам алмашинуви, термоалмашуви, энергия алмашуви ва бошқалар.

### **26.236 Синоптик метеорология**

Об-ҳаво. Об-ҳаво маълумоти. Умумий (глобал) циркуляр атмосфералар. Синоптек объектлар ва ҳодисалар: ҳаво массаси, атмосфера фронтлари, циклонлар, антициклонлар ва ҳақозо. Об-ҳаво маълумотлари.

26.236 индекси остида об-ҳаво, иқлимга оид барча умумий характердаги адабиётлар йиғилади.

### **26.267 Климатология( иқлимшунослик)**

- Палеоклиматология -26.33 дан қаралсин.
- Фенология -28.080.1 дан қаралсин.

### **26.3 Геологик фанлар**

Муҳандислик геологияси. Геологик қидирув. Космик геология. Фан ва тех-н иканинг айрим соҳаларида геологиянинг қўлланилиши классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: кон геологияси -33.11 дан қаралсин.

- Кристаллография -22.37 дан қаралсин.
- Астрогеология -22.654 дан қаралсин.
- Сейсмология -26.21 дан қаралсин.
- Геоморфология -26.823 дан қаралсин.
- Палеонтология -28.1 дан қаралсин.
- Ер механикаси -38.58 дан қаралсин.

### **26.30 Геохимия**

Ернинг химиявий таркиби. Радиогеохимия (ядро геологияси, радиогеологияси ва бошқалар. Тарихий геохимия. Амалий гидросфера, геохимия, минераллар атмосфера, тоқ жинслари, ер ости сувлари ва тупроқ радиоактивлиги жадвалнинг бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: гидросферанинг химиявий таркиби-26.221 дан, тупроқники -40.3 дан қаралсин.

Минераллар келиб чиқиши ва шаклланишининг геохимиявий жараёнлари -26.31 26.34 дан қаралсин. Атмосфера, минераллар, тоғ жинслари, ер ости сувлари ва тупроқ радиоактивлиги -26.23, 26.31, 26.35 ва 40.3 дан қаралсин.

- Биогеохимия -28.080.3 дан қаралсин.

### **26.31 Минералогия. Петрография (петрология)**

Минераллар ва тоғ жинсларининг ҳосил бўлиши, ёши, тузилиши, таркиби, хоссаси ва тарқалиши. Петрология, литология ва бошқаларнинг тизими.

- Минераллар ва тоғ жинслари фойдали қазилмалари сифатида-26.34 дан қаралсин.

### **26.32 Динамик (физикавий) геология.**

#### **26.321 Вулканшунослик**

Вулқонларнинг тузилиши ва тарқалаши, вулқонларнинг фаолияти, вулқонлар ҳаракатининг кучайиши, тахмини ва бошқалар.

- Сув ости вулқонлари -26.38 дан қаралсин.

#### **26.324 Тектоника**

Геология тузилиши, ер қобиғининг тектоник ҳаракати ва бошқалар.

- Ернинг ички тузилиши ва сейсмотектоника -26.21 дан қаралсин.
- Вулкан тектоникаси -26.325 дан қаралсин.
- Денгиз ва океан туби тектоник ҳаракати -26.38 дан қаралсин

#### **26.33 Тарихий геология**

Геологик йил ҳисоби, фаця ва формациялар тўғрисидаги маълумот. Ер қобиғининг геологик тарихи. Стратиграфия. Палеогеография: палеоклиматология ва шу қабилар.

- Ернинг пайдо бўлиши -22.654.1 дан қаралсин.

- Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши -28.01 дан қаралсин.
- Айрим геологик эралар ва даврларнинг фаунаси ва флораси - 28.1 дан қаралсин.

### **26.34 Фойдали қазилмалар геологияси**

Фойдали қазилмалар конларининг вужудга келиши, уларни қидириш ва разведка қилиш, конларни синаб кўриш, фойдали қазилма захираларини ҳисоблаб чиқиш ва классификация қилиш ҳамда конларга баҳо бериш, фойдали қазилмалар-нинг тузилиши, таркиби ва хоссалари тўғрисидаги, конларни таърифлаб бериш ҳақидаги, фойдали қазилма конларидан фойдаланиб ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги адабиёт 26.34 индекси ва унинг бўлимчалари остида йиғилади.

Фойдали қазилма конларини қазилмоқчи бўлиш суръатда - 33.2 ва 33.3 дан қаралсин.

### **26.341 Фойдали металл қазилмалар**

Асл металллар, нодир ва кам учрайдиган металллар, нодир ер элементлари ва тарқалган элементларнинг конлари.

#### **26.341.2 Қора металллар рудаси конлари**

#### **26.341.3 Рангли металллар конлари полиметалл конлари**

#### **26.341.4 Радиоактив металл конлари**

#### **26.342 Нометалл фойдали қазилмалар**

Қурилиш ва йўл материаллари конлари, ўтга чидамли, кислотага бардошли, керамик ва шиша хом ашё, химия саноати учун хом ашё ва ўғит ишлаб чиқариш учун хом ашё конлари. Туз, минерал хом ашё, қимматбаҳо ва техникада ишлатиладиган тош конлари.

### **26.343 Ёқилғи бўладиган фойдали қазилмалар (Каустаболитлар). Битумлар**

Табиий ёқилғи газлар, ёқилғи сланецлар, озокерит, сапропенлар ва шу кабилар.

#### **26.343.1 Нефть**

#### **26.343.2 Кўмир**

#### **26.343.3 Торф**

### **26.35 Гидрогеология**

Ер ости сувларининг пайдо бўлиши, таркиби, хоссалари, режими, ҳаракати. Улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш. Ерларнинг захини қочириш, суғориш, сув билан

таъминлаш, гидротехник қурилиш ва шу кабилар классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: гидроэнергетика 31.5 дан; қишлоқ хўжалик ерларини суғориш 40.62 дан қаралсин.

### **26.36 Геокриология (мерзлотоведение)**

Тоғларнинг музлаши. Умуман криолитозон ва криосфера. Музлашнинг физик-геологик жараёнлари ва кўриниши. Музлаш даври. Доимий музлик.

- Табiiй муз ва музликлар -26.222.8 дан қаралсин.
- Доимий музлик шароитида сув ости сувлари -26.35 дан қаралсин.

### **26.38 Денгиз геологияси**

Ҳозирги замон денгиз ва океанларининг жойлашиш тарихи, шаклланиши ва келиб чиқиши. Денгиз ва океан ер ости қатламининг тектоник тузилиши ва динамикаси: океан платформалари, сув ости вулкони. Денгиз ва океан сув ости қазилма бойликлари. Денгиз ва океан муҳандислик геологияси.

- Алоҳида тарихий даврларда денгиз ва океан тарихи -26.33 дан қаралсин.
- Алоҳида денгиз ва океан сув ости қазилма бойликлари -26.34 дан қаралсин.
- Денгиз ва океан рельефи- 26.823 дан қаралсин.

### **26.8 Географик фанлар**

Умуман ва тармоқ географиясига оид адабиётлар 26.8 дан индекси остида йиғилади. Тарқоқ географик фанлар классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: иқтисодий география -65.04 дан қаралсин.

- Картография -26.17 дан қаралсин.

### **26.8 География тарихи ва географик кашфиётлар. Географлар ва саёҳатчиларнинг таржимаи ҳоллари**

Тегишли бўлимчалардан такрорий ақс эттириш ҳисобига географик кашфиётлар билан боғлиқ экспедициялар ва саёҳатлар тўғрисидаги адабиёт ҳам 26.8 индекси остида йиғилади. География фани тарихи, географик кашфиётлар тарихига оид маълум даврларни ўз ичига олган адабиётлар 26.8 г индекси остида йиғилади. Экспедиция ва сайёҳатчиларнинг географик кашфиётларга оид адабиётлар

26.8г индексида йиғилади. 26.89 бўлимчаларда эса такрорий кўрсатилади.

### **26. 82 Физикавий география**

Умумий физик география. Ершунослик: ернинг географик қатлами, космик ершунослик. Атмосфера, гидросфера, ўсимлик, тупроқ қобиғи ва бошқаларни физик-географик ўрганиш. Аэрокосмик усулда ерни ўрганиш жадвалнинг мос бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: океанни космосдан ўрганиш -26.221; ернинг тупроқ қобиғи -40.3 дан қаралсин.

Айрим ҳудудларнинг физик географияси -26.89 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Астрогеография- 22.654 дан қаралсин.
- Океанология -26.221 дан қаралсин.
- Қуруқлик гидрологияси -26.222 дан қаралсин.
- Климатология- 26.237.9 дан қаралсин.
- Полигонометрия -26.11 дан қаралсин.
- Биогеография -28.085 дан қаралсин.
- Тупроқ географияси -40.3 дан қаралсин.

### **26. 823 Геоморфология**

Умуман ер рельефи: қитъалар, океан ҳавзалари, ороллар. Рельефнинг айрим шакллари: тоғлар, дарё водийлари ва шу кабилар, ғорлар, спелеология. Океанда денгизлар, кўллар ва сув омборлари, соҳиллари ҳамда тубининг рельефи. Ернинг устки қатлами.

- Қитъаларнинг ҳаракати -26.324 дан қаралсин.

### **26. 89 Мамлакатшунослик. ўлкашунослик**

Ҳудудий намунавий бўлинишлар жадвали бўйича бўлимчаларга бўлинади.

Мамлактшуносликка оид адабиёт. Айрим ҳудудлар комплекс ўлкашунослик тасвирлари, экспедициялар ва саёҳатлари, йўлқўрсаткичлар ва шу кабиларга оид адабиёт 26.89 индекси бўлимчаларида йиғилади.

Географик кашфиётлар билан боғлиқ экспедициялар ва саёҳатлар тасвири такрорий равишда 26.8 г индекси остида акс эттирилади.

Махсус экспедициялар тасвири классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: геологик экспедициялар 26.3 дан қаралсин. Ботаник экспедициялар

28.5 дан қаралсин. Этнографик экспедициялар 63.5дан қаралсин.

Айрим ҳудудларнинг иқтисодий географияси 65.049 дан қаралсин.

## **26. 89(0) Бтун дунё. ҳамма мамлакатлар**

Арктика ва Антарктика.

Дунёнинг турли қисмларидаги мамлакатларга оид адабиёт ҳам 26.89(0) индекси остида йиғилади. Дунёнинг бир қисмидаги мамлакатлар гуруҳи дунёнинг тегишли тарафи индексдан қаралсин. Масалан: Скандинавия мамлакатлари 26.89(4) дан қаралсин. 26.89(5 ўзб) Ўзбекистон, 26.89(4) Европа, 26.89(5)Осиё, 26.89(6) Африка, 26.89(7) Америка, 26.89(8) Австралия ва Океания, 26.89(9) Дунё океани. Океанлар ва денгизлар

- Океанология 26.221 дан қаралсин.

## **26.89(5 Ўзб) Ўзбекистон географияси**

Умуман Ўзбекистон географияси масалалари, барча вилоятлар географияси.

## **26. 891 Ўлкашунослик**

Ўлкашунослик ишининг ташкил қилиниши ва усули. Айрим ҳудудларнинг комплекс ўлкашунослик тавсифи 26.89 бўлимчаларининг тегишли ҳудудларидан қаралсин. Масалан: Қрим вилояти тўғрисидаги маъмурий ўлкашунослик очерки 26.89(2 Ук-4 Қрим) дан қаралсин.

Айрим фанлар нуқтаи назаридан ўлкашуносликнинг худудий тасвири (иқтисод, тарих ва маданият фанлари) жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: Самарқанд тарихи 63.3(5ўзб-2Самарқанд)

## **28 Биологик фанлар**

### **Асосий бўлинишлар**

- 28. 0** Умумий биология
- 28. 1** Палеонтология
- 28. 3** Вирусология
- 28. 4** Микробиология
- 28. 5** Ботаника
- 28. 6** Зоология
- 28. 7** Одам биологияси. Антропология

## **28 Биология фанлари**

- Астробиология 22.654 дан қаралсин.
- Бионика 32.818 дан қаралсин.
- Этнобиология 63.5 дан қаралсин

## **28г Умуман биология фани тарихи**

## **28с Биологик тадқиқотлар-техникаси ва ташкил этилиши**

### **28.0 Умумий биология**

Умуман тирик организмларнинг ҳаёт фаолияти ва ривожланиши. Уларнинг келиб чиқиши.

Ҳайвонлар, ўсимликлар ва одам, вируслар, микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти ҳамда ривожланиши 28.3-28.9 индекслари остидан қаралсин. Вируслар, микроорганизм-лар, ўсимликлар ва ҳайвонлар, айрим гуруҳлари, туркумлари, турларининг ҳаёт фаолияти тегишли суратда 28.3, 28.4, 28.59, 28.69 индекслари остидан қаралсин.

- Бошқа сайёраларда ҳаёт муаммоси -22.654 дан қаралсин.

### **28.01 Ҳаёт ва унинг пайдо бўлиши**

Жонланишнинг хусусияти ва критериялари: бутунлик, чидамлилик, жонли тизимни бошқариш ва бошқалар. Жонли табиат мувозанати ва бирлик. Жонли тизимнинг вақтинча ташкил этилиши. Хронобиология: биоритмалогия, биологик соат, фотопериодизм ва бошқалар.

- Қуёш тизимидаги бошқа планеталарда ҳаёт муаммолари - 22.654 дан қаралсин.
- Ердан ташқари ҳаёт тараққиёти муаммоси -20.3 дан қаралсин.

### **28.02 Органик дунёнинг ривожланиши (филогенез). Эволюцион таълимот**

Эволюцион ғояларнинг тарихи. Органик дунё ривожланишининг омиллари ва қонуниятлари. Тур ва тур ҳосил бўлиши, насл муаммоси.

### **28.03 Организмнинг индивидуал ривожланиши (онтогенез). Биологик ривожланиш**

Эмбриология. Постэмбрионал ривожланиш. Геронтология. Регенерация. Трансплантация, тўқима ва органларнинг маданияти. Мажруҳлик, таратология.

- Организмларнинг кўпайиши -28.073 дан қаралсин.
- Кекса ёшдаги одам ва ҳайвоннинг физиологик хусусиятлари -28.003 дан қаралсин.

#### **28.04 Умумий генетика**

Ирсият. Молекуляр генетика. Ген назарияси, цитогенетика, генетик (ген) муҳандислик ва бошқалар. Ўзгарувчанлик. Индивидуал ривожланиш генетикаси (феногенетика) айрим аломатлар генетикаси. Популяциялар генетикаси. Космик генетика.

Генетиканинг махсус соҳалари жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: медицина генетикаси - 52.5 дан қаралсин.

- Ҳайвонлар хулқи генетикаси -88.02 дан қаралсин.
- Насл муаммоси-28.02 дан қаралсин.

#### **28.05 Умумий цитология**

Хужайраларнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Молекуляр цитология. Хужайранинг морфологияси, биофизикаси, биохимияси ва физиологияси. Цитоэкология. Кичик хужайрали тузилмалар. Хужайраларнинг ўзаро таъсири.

#### **28.06 Умумий морфология. Умумий гистология**

Тирик организмларнинг шакли ва ўлчови. Гистогенез, гистохимия, гистофизиология ва бошқалар.

#### **28.07 Физико-химиявий биология**

Умумий биофизика. Умумий биохимия ва умумий физиология. Иммунология.

- Космик парвоз шароитида организмдаги физикавий, физик-химиявий, химиявий ва физиологик ходисаларнинг хусусиятлари 28.089 дан қаралсин.

#### **28.070 Физик-химиявий биология**

Квант биологияси, молекуляр биология.

Молекуляр биологиянинг айрим муаммолари тегишли индекслари остидан қаралсин. Масалан: молекуляр генетика 28.04 дан қаралсин.

#### **28.071 Умумий биофизика**

Тирик организмларда физик ва физико-химиявий ходисалар: биоэнергетик, биоэлектрик ходисалар, биолюминесценция ва ҳакозо. Физик омилларнинг биологик таъсири, товуш ва вибрациянинг таъсири, биоакустика,



электр ва магнит майдонининг таъсири. ёруғлик таъсири, фотобиология, температуранинг таъсири, термобиология, ионлаштирувчи нурланишларнинг таъсири, гелиобиология. Биокибернетика.

- Бионика-32.818 дан қаралсин.

### **28.072 Умумий биохимия**

Биохимик жараёнлар (метаболизм), биосинтез ва бошқалар. Тирик органи-змларнинг химиявий таркиби, тирик организмлардаги айрим моддаларнинг биологик роли ва алмашинуви: оқсиллар, аминокислоталар. Нуклеинкислоталар, углеводлар, липидлар, сув, антибиотиклар, витаминлар, ферментлар, гормонлар ва шу кабилар. Биополимерлар. Радиацион биохимия.

- Биогеохимия -28.080.3 дан қаралсин.
- Модда алмашинуви физиологияси -28.073 дан қаралсин.

### **28.073 Умумий физиология**

Энергик ва физиологик алмашинув. Озиқланиш. Нафас олиш. Таъсирчанлик (умумий ва рефлексорли таъсирчанлик). Секреция. Ҳаракатлантирувчи таъсирлар. Организмнинг бутунлиги. Биоритмологик соатлар ёки организмларнинг кўпайиши. Электрофизиология.

### **28.074 Иммунология, иммунобиология**

Иммунология. Иммунитет эволюцияси ва келиб чиқиши. Иммунологиянинг ри-вожланиши. Иммунохимия. Ҳимоясиз далиллар. Иммунитет жавоби.

- Одам иммунитети -52.54 дан қаралсин.

### **28.08 Экология, паразитология ва биогеография.**

#### **Амалий биология**

### **28.080 Умумий экология**

Эволюцион ва таққослаш экологияси.

Организмларнинг кўпайиш экологияси ва бошқалар.

- Цитоэкология-28.05 дан қаралсин.
- Гидробиология -28.082 дан қаралсин.
- Тупроқ экологияси- 40.3 дан қаралсин.
- Жонли табиатни асраш -28.088 дан қаралсин.

### **28.080.1 Фактор экологияси.Фенология**

Муҳитга мосланиш (адаптация)нинг экологик факторлари: акклиматизация, биоиндикация ва бошқалар. Муҳитга

мослашиш абиотиик фактор рельефи, физик, химик, гидрологик, климат-меторологик факторлар ва бошқа табиатда радио-экологик, фактоэкологик, гелиоэкологик, анобиоз, мавсумий ҳодисалар.

Антропоген факторларнинг муҳитга мослашуви, ер ҳайдаш, ўрмонларни ташкил этиш ва бошқалар.

- Паразитизм -28.083 дан қаралсин.
- Ҳайвонларда анабиоз -28.673 дан қаралсин.

### **28. 080. 3 Экологиянинг биосистем омиллари**

Экологиянинг хусусияти, тузилиши, моддаллашуви, энергия алмашинуви, диалектикаси ва бошқалар. Популяция экологияси. Жамият экологияси, биоценология. Экосистема, биогеоценозлар. Экосистема экологияси, биогеоценология. Биосфера. Беогеохимия.

- Ноосфера 20.1 дан қаралсин.

### **28. 082 Гидробиология**

Сув ҳаёт муҳити сифатида гипообиология фактори. Чуқур сув ичида ва сув ҳавзалари тубида яшовчи организмларнинг ҳаётга мослашуви. Денгизлар, океан-лар, кўллар, дарёлар ва бошқа сув ҳавзаларининг фауна ва флораси. Аквариумлар ва океанариумлар.

Сувда яшайдиган айрим организмлар тегишли суратда - 28.2, 28.59, 28.69 индекслари остидан қаралсин.

- Гидротехник қурилмалар -37.77 дан қаралсин.28.083

### **28. 083 Паразитология**

Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Паразит организмнинг хужайра танасида ва ундан ташқарида яшаш шароитлари билан ўзаро боғланиши. Паразитларнинг географик жихатдан тарқалиши. Айрим паразит ўсимликлар ва ҳайвонлар- 28.59 ва 28.6 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Фитопаталогия- 44.7 дан қаралсин.
- Ветеринария паразиталогияси -48 дан қаралсин.
- Тиббиёт паразиталогияси -52.67 дан қаралсин.

### **28. 085 Биогеография**

Хорология (археология). Боит ва Ҳамжамиятлилик географияси.

### **28. 087 Амалий биология**

Организмнинг амалий масалалари. Инсон организми учун зарарли ва фойдали ўсимликлар ва бошқалар. Ўсимлик ва ҳайвонларга зарар етказиш, биологик бузилиш.

- Техник микробиология, биотехнология -30.16 дан қаралсин.
- Бионика -32.818 дан қаралсин.
- Қишлоқ хўжалик микробиологияси -40.5 дан қаралсин.

#### **28. 088 Жонли табиатни муҳофаза қилиш**

Биологик ресурслардан рационал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг йўқолиб бораётган турларини тиклаш. Биосфера мониторинги.

- Ўсимликларни муҳофаза қилиш -28.588 дан қаралсин.
- Ҳайвонларни муҳофаза қилиш -28.688 дан қаралсин.

#### **28. 088лб Қўриқхоналар. Ноёб жониворларни қўриқлаш. Миллий боғлар**

Муҳофаза қилинадиган бошқа территорияларга оид адабиёт ҳам 28.088 лб индекси остида йиғилади.

#### **28. 089 Космик биология**

Космос шароитида ер организмлари ҳаёт фаолиятининг хусусиятлари, космик кемалар ва станцияларнинг экологияси, космик кемалар ва станцияларда биологик цикллари ва бошқалар. Экзобиология. Космик парвоз шароитларининг микроорганизмларга, ўсимликларга ҳамда ҳайвонлар ва одам физиологиясига таъсири тегишли суратда 28.4, 28.58 ва 28.67 ва 28.707.3 индекслари остидан қаралсин.

#### **28. 09 Умумий систематика**

##### **28. 1 Палеонтология**

Палеоэкология ва палеобиогеография. Микропалеонтология. Палеоботаника. Палеозоология. Қазилма ўсимликлар ва ҳайвонлар.

Палеоантропология -28.71 дан қаралсин.

##### **28. 3 Вирусология**

Вирусларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси. Вируслар генетикаси морфо-логияси, биофизикаси. Вирус репродукцияси. Тўқималарга вируснинг таъсири. Инсон, ҳайвон, ўсимлик микроорганизми (даги) вируси.

- Ветеринария вирусологияси -48 дан қаралсин.
- Тиббиёт вирусологияси -52.63 дан қаралсин.

## 28. 4

### Микробиология

Микроорганизмларнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси (филогенез).

Микроорганизмларнинг генетикаси, морфологияси, цитологияси, биофизикаси, биохимияси ва физиологияси. Микроорганизмларнинг экологияси. Космик микро-биология. Микроорганизмларнинг систематикаси: бактериялар, актиномицетлар, ачиткилар (ачиткили замбуруғлар).

Махсус микробиологик фанлар жадвалининг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: техникавий микробиология -30.16 дан қаралсин; қишлоқ хўжалик микробиологияси -40.5 дан қаралсин.

- Палеомикробиология -28.1 дан қаралсин.
- Сув ўтлари, замбуруқлар -28.591 дан қаралсин.
- Бир хужайрали жониворлар -28.691 дан қаралсин.

## 28. 5

### Ботаника

Умумий ботаникага оид адабиёт 28.5-28.588 индекслари остида йиғилади. Ўсимликларнинг айрим систематик гуруҳлари ва турлари 28.59 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

Халқ хўжалигида фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик ўсимликлари, зараркунанда, паразит ўсимликлар, ёввойи ўсимликлар 41 ва 42 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: донли экинлар -42.112 дан қаралсин.

- Астроботаника- 22.654 дан қаралсин.
- Палеоботаника -28.1 дан қаралсин.
- Дендрология- 43 дан қаралсин.
- Фитопатология -44.7 дан қаралсин.

## 28. 5г

### Ботаника тарихи

## 28, 5лб

### Ботаника боғлари

## 28, 5с

### Ботаника тадқиқотлари техникаси ва ташкил этилиши

Коллекциялар ва гербарийлар йиғиш ҳамда ташкил қилиш ва ҳакозо.

## 28. 52

Ўсимликларнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси (филогенез).

Ўсимлик биологиясининг эволюцияси

**28. 53           Ўсимликларнинг индивидуал ривожланиши (онтогенез)**

Эмбриология. Ўсимликларнинг эмбрионал ўсиш биологияси.

Фито эмбриология. Ўсимликларнинг постэмбрионал ривожланиши. Ўсимлик тўқималари органларининг регенерацияси, траноплантацияси, маданияти. Мажруҳлик, тератология.

**28. 54           Ўсимликлар генетикаси**

- Ўсимликлар селекциясининг генетик асослари -41.3 дан қаралсин.

**28. 55           Ўсимликлар цитологияси**

Ўсимлик ҳужайрасининг морфологияси, биофизикаси, биохимияси ва физиологияси, цитоэкология, кичик ҳужайрали структуралар.

- Ўсимлик цитогенетикаси -28.54 дан қаралсин.

**28. 56           Ўсимликлар морфологияси, анатомияси ва гистологияси**

**28. 57           Ўсимликлар биофизикаси, биохимияси физиологияси ва иммунологияси**

Ўсимликларда осморегуляция, фотосинтез, фитогармон, физиологик модда алмашинуви ва бошқалар.

- Ўсимлик иммуногенетикаси -28.54 дан қаралсин.
- Қишлоқ хўжалик ўсимликлари иммунологияси -44 дан қаралсин.

**28. 58           Ўсимликлар экологияси ва географияси**

Ўсимликларни муҳофаза қилиш. Ўсимликлар экологияси: Ўсимликларнинг иқлимлашуви, геоботаника, фитоценология ва бошқалар. Ўсимликлар географияси (фитогеография) ва флористика. Космик ботаника. Космик парвоз шароитининг ўсимликларга таъсири.

Бирон-бир ҳудуддаги ўсимликларнинг айрим гуруҳлари ва турлари 28.59 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: Африка палмалари -28.592.71 дан қаралсин.

**28. 588           Ўсимликларни муҳофаза қилиш**

**28. 59           Ўсимликларни тизимлаш**

Ўсимликларнинг айрим таксономик гуруҳлари, турлари ва уларнинг пайдо бўлиши, эволюцияси, индивидуал

ривожланиши, генетикаси, биофизикаси, биохимияси, физиологияси, экологияси, географияси, амалий аҳамияти ва уларни муҳофаза қилишга оид адабиёт -28.59 индекснинг бўлимчаларида йиғилади.

- Қазилма ўсимликларнинг тизимлари -28.1 дан қаралсин.

### **28. 591           Бир ҳужайрали ўсимликлар**

Сув ўтлари, замбуруғлар, қурбақа ўтлар ва бошқалар.

- Бактериялар, актиномицетлар ва ачитқили замбуруғлар -28.4 дан қаралсин.
- Қилчатоифа ўсимликлар -28.691 дан қаралсин.

### **28. 592           Юксак ўсимликлар**

#### **28. 592.1       Йўсинсимон ўсимликлар**

#### **28. 592.5       Қирққулоқсимон ўсимликлар**

#### **28. 592.6       Очиқ уруғликлар**

#### **28. 592.7       Ёпиқ уруғлик ўсимликлар**

#### **28. 592.71      Бир паллали ўсимликлар**

#### **28. 592.72      Икки паллали ўсимликлар**

## **28. 6               Зоология**

Умумий зоологияга оид адабиёт 28.688 индекси остида йиғилади.

Ҳайвонларнинг айрим тизимли гуруҳлари ва турлари -28.69 нинг тегишли бўлимларидан қаралсин.

#### **51.245 Айрим корхона ва муассасаларда меҳнат гигиенаси**

Саноат корхоналарида, транспортда, қурилиш ишида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, алоқа корхоналарида ва шу кабиларда меҳнат гигиенаси.

- Транспорт гигиенаси 51.22 дан қаралсин.
- Озиқ-овқат саноатида гигиена 51.23 дан қаралсин.

#### **51.26 Радиацион гигиена**

Аҳоли яшайдиган жойларни ионлаштирувчи нурланишдан ҳимоя қилиш. Ишлаб чиқаришда ионлаштирувчи нурланишдан ҳимоя қилиш. Ионлаштирувчи нурланишларнинг манбалари билан иш олиб боришда меҳнат гигиенаси, касб нур касаллиги профилактикаси.

Космик нурлардан ҳимоя қилиш.

- Радиоактив моддаларнинг токсикологияси 52.84 дан қаралсин.

### **51.28 Болалар ва ўсмирлар гигиенаси**

Санитария назорати. Болалар ва ўсмирлар муассасалари гигиенаси. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний камол топишини гигиеник назорат қилиш ва баҳолаш, шахсий гигиена болалар ўртасида соғломлаштириш тадбирлари, болалар ва ўсмирларнинг овқатланиши, таълим-тарбия иши ҳамда таълим-меҳнат жараёнининг гигиенаси, болалар ва ўсмирлар кун режимининг гигиенаси, илк ёшликдаги, мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болалар гигиенаси, мактаб гигиенаси.

- Болаларнинг жисмоний камол топиши 57.31 дан қаралсин.
- Янги туғилган болалар гигиенаси 57.32 дан қаралсин.
- Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбиялаш 74.200.55 дан қаралсин.

### **51.9 Эпидемиология**

Эпидемик жараён: инфекция манбалари ва тарқалиш йўллари. Юқумли ва паразитар касалликлар билан касалланиш ва уларни ўрганиш усуллари. Эпидемияга қарши тадбирлар: карантин, дезинфекция, дератизация, олдини олиш эмлашлар. Айрим юқумли ва паразитар касалликларнинг эпидемиологияси.

- Айрим юқумли касалликларни даволаш 55.14 дан қаралсин.
- Айрим паразитар касалликларни даволаш 55.17 дан қаралсин.

### **52 Умумий патология. Медицина вирусологияси, микробиологияси ва паразитологияси.**

#### **Фармакология. Фармация. Токсикология**

### **52.5 Умумий паталогия**

Паталогик анатомия. Паталогик физиология: касаллик тўғрисида таълимот, паталогияда ирсиятнинг роли (медицина генетикаси), касалликнинг оқибати, органлар ва тўқималардан бир қисмини кесиб олиб бошқа жойга улаш (трансплантация), соғайиш, ўлим, организмнинг жонлантирилиши: организмнинг реактивлари-аллергия, иммунитет, антитела, антигенлар: организмнинг тўсиқ (химоя) функциялари-мосланиш

синдроми (стресс); организмда паталогик жараёнлар-ялликланиш, термарегуляциянинг бузилиши, иситма, шок, модда ва энергия алмашинувининг бузилиши ва ҳоказо. Ёш патологияси, гериатрия.

Айрим касалликларнинг паталогик анатомияси ва паталогик физиологияси, ёш гуруҳларининг айрим касалликлари 54.1-57.3 индекслари ва уларнинг бўлимчаларидан қаралсин.

- Геронтология 28.703 дан қаралсин.
- Клиник ўлим 53.4 дан қаралсин.
- Клиник реанимация: 53.5 дан қаралсин.
- Ирсий касалликлар 54.1 дан қаралсин.

## **52.54 Иммунопатология**

Медицина иммунопатологиясига оид барча адабиётлар 52.54 индекси остидан йиғилади.

Иммунахимия: антигигиена, антитела. Организмнинг химоя функцияси. Иммуностет паталогия тизими: иммунодефицит ва иммунодепрессия ҳолати, аутоиммун ҳолат. Иммунопрофилактика ва иммунотерапия: иммуностимуляция, иммунокоррекция ва иммунодепрессия.

Иммунопатология, иммунопрофилактика ва иммунотеропеяли баъзи касалликлар тури мос бўлимчаларда йиғилади. Масалан: СПИД иммунотерапияси 55.148 дан қаралсин.

- Иммунитет назарияси, келиб чиқиши ва эволюцияси 28.074 дан қаралсин.
- Иммунодиагностика 53.4 дан қаралсин.

## **52.6 Медицина вирусологияси, микробиологияси ва паразитологияси**

Вакцина, сиворотка(зардоб) ва фаглар.

Вакцина, сиворотка (зардоб) ва фаглар профилактик қўлланиш ҳамда айрим юкумли ва паразитар касалликларнинг эпидемиологияси 51.9 дан қаралсин.

- Вакцина сиворотка (зардоб) ва фагларни даволаш мақсадида қўлланиш 53.53 дан қаралсин.

## **52.63 Медицина вирусологияси**

Патогенетик вируслар, оспа вируси. Одамда иммунодефицит (ВИЧ) ва ҳоказо.

- Вирусли касалликларни даволаш ва профиликтикаси 55.14 бўлимнинг бўлимчаларидан қаралсин

#### **52.64 Медицина микробиологияси**

Патоген микроорганизмлари: вируслар, бактериялар ва шу кабилар.

#### **52.67 Медицина паразитологияси**

Паразит куртлар, медицина гельмитологияси. Каналар ва хашоротлар касаллик тарқатувчилар сифатида, медицина арахноэнтотомологияси.

- Айрим паразитар касалликлар 55.17 дан қаралсин.

#### **52.8 Фармокология, Фармация, Токсикология**

##### **52.81 Фармокология**

Дори моддаларининг организмга таъсири (фармакодинамика), фармакогенетика. Организмнинг дори моддалардан таъсирланиши: аллергия таъсирланиш, ўрганиб қолиш ва қоказо. Фармакокинетика. Дори моддалар, воситалар ва репаратлар, уларнинг таркиби хоссалари, уларни тадқиқ қилиш ва даволаш мақсадида қўлланиш.

Айрим дори моддалар, воситалар ва препаратларини баъзи касалликларда қўлланиш 54.1-573 индекслари остидан ва уларнинг бўлимчаларидан қаралсин.

- Дори моддаларнинг қўшимча таъсири 53.52 дан қаралсин.

##### **52.81я2 Фармакотерапия ва рецептура маълумотномалари**

Медицинанинг айрим соҳалари мутахассислари учун фармакотерапия ва рецептура маълумотномалари 54.1-57.3 индекслари остидан ва уларнинг бўлимчаларидан қаралсин.

##### **52.82 Фармация**

Фармакогнозия: ўсимликлар ва ҳайвонлардан ҳосил қилинадиган дори хом ашё. Дориларни дорихонада тайёрлаш. Рецепттура.

- Дорилар ва препаратларни заводда тайёрлаш 35.66 дан қаралсин.
- Дори ўсимликлар, уларни йиғиш, қуриштириш 42.143 дан қаралсин.
- Ўсимликлар ва ҳайвонлардан ҳосил қилинадиган айрим дори моддалар, воситалар ва препаратлар 52.81 дан қаралсин.

## **52.84 Токсикология**

Заҳарли моддалар ва уларнинг организмга таъсири.

- Касб токсикологияси 51.244 дан қаралсин.
- Айрим заҳарлар билан даволаш 52.81 дан қаралсин.
- Заҳарланишлар 54.194 дан қаралсин.
- Суд токсикологияси 58 дан қаралсин.

## **53/57 Клиник медицина**

### **А с о с и й б ў л и н и ш л а р :**

- 53.4** Умумий диагностика
- 53.5** Умумий терапия
- 53.6** Медицина радиологияси ва рентгенологияси
- 54.1** Ички касалликлар
- 54.5** Хирургия
- 55.1** Юқумли ва паразитар касалликлар
- 55.4** Фтизиатрия
- 55.5** Ревматология
- 55.6** Онкология
- 55.8** Венерология Дерматология
- 56.1** Невропатология. Нейрохирургия. Психиатрия
- 56.6** Стаматология
- 56.7** Офтальмология
- 56.8** Оториноларингология
- 56.9** Урология
- 57.0** Медицина сексологияси
- 57.1** Гинекология
- 57.3** Педиатрия

## **53 Умумий клиник медицина**

### **53.4 Умумий диагностика**

Организмнинг умумий патологик ҳолати ва таъсирланишнинг симптоматологияси (семиотикаси): иситма ҳолати, йўтал, шиш, беҳушлиқ, клиник ўлим ва ҳоказо. Беморларни текшириш схемалари. Касаллик тарихини юритиш. Касалликларни текшириш усуллари: клиник: клиник лаборатория, бактериологик ва ҳоказо.

Айрим касалликларнинг симптоматологияси ва диагностикаси 54.1-57.3 индекслари остидан ва уларнинг бўлимчаларидан қаралсин.



### **53.5 Умумий терапия**

Кечиктириб бўлмайдиган терапия: биринчи ёрдам, клиник реанимация. Беморларга қараш ва терапевтик техника.

Айрим касалликлар терапияси 54.1-57.3 индекслари остида ва уларнинг бўлимчаларидан қаралсин.

### **53.51 Диетотерапия. Шифобахш овқатлар**

Диетотерапиянинг айрим турлари: сут, пархез, узум билан даволаш. Асал билан даволаш ва ҳоказо. Диетотерапиянинг айрим усуллари: иссиқ овқатсиз тамадди қилиш, оч туриб пархез қилиш, кучли овқат ва ҳоказо. Сунъий овқат.

Диетотерапия ва айрим касалликларни даволаш вақтидаги шифобахш овқатлар 54.1-57.3 индекслари остидан ва уларнинг бўлимчаларидан қаралсин.

- Шифобахш ва пархез овқатлар 36.996 дан қаралсин.
- Шифобахш овқатларнинг ташкил этилиши 51(5 ўзб)2 дан қаралсин.
- Қимиз билан даволаш 53.54 дан қаралсин.

### **53.52 Дори терапияси**

Дори бериш усуллари. Дори моддаларнинг ножўя таъсири. Химмотерапия. Фитотерапия.

- Дори билан ёрдам беришнинг ташкил этилиши 51.1(5ўзб)2 дан қаралсин.
- Айрим дориларнинг даволаш учун қўлланилиши 52.81 дан қаралсин.
- Органотерапия 53.53 дан қаралсин.
- Доридан пайдо бўладиган касаллик 54.19 дан қаралсин.

### **53.53 Даволанишнинг биологик усуллари**

Қўзғатувчи терапия. Органотерапия: гормонотерапия, апитерапия. Серотерапия, сиворотка ва вакцина билан даволаш. Тўқима терапияси. Гомотерапия ва қон билан даволаш: қон қуйиш, иликни кўчириб ўтказиш ва ҳоказо.

- Илон заҳари, меъда шираси ва бошқа органопрепаратлар билан даволаш 52.81 дан қаралсин.
- Асал билан даволаш 53.51 дан қаралсин.
- Банкалар ва горчишниклар 53.54 дан қаралсин.

### **53.54 Физиотерапия ва курортология**

Шифобахш физкультура, уқалаш, банкалар қўйиш ва ҳоказо. Электротерапия. Нур билан даволаш. Сув билан даволаш. Бальнеотерапия. Шифобахш балчиқ билан даволаш. Климатотерапия. Қимиз билан даволаш. Курортотерапия. Курортсанаторий даволаниш. Курортография. Курортлар билан санаторийлар.

- Курорт-санаторий ишининг ташкил этилиши 51.1(5ўзб)2 дан қаралсин.

- Электр билан ухлатиш 53.58 дан қаралсин.

**53.55 Овоз терапияси. Хромотерапия. хид билан даволаш**

**53.57 Психотерапия. Мехнат терапияси**

Таъсир этиш билан даволаш, медицинада гипноз, аутотренинг ва ҳоказо.

**53.58 Даволашнинг бошқа усуллари**

Ухлатиб даволашнинг терапияси, шок терапияси, новакаин блокадаси билан даволаш, игна санчиш, куйдириш (дори билан) ва ҳоказо.

**53.584 Рефлексотерапия**

Мануал рефлексотерапия, нинатерапия (акупунктура), нинапунктура (куйдириш), нуқтали уқалаш, акупрессура, аквапунктура, криопунктура ва ҳоказо.

**53.59 Даволашнинг айрим тизимлари. Халқ медицинаси**

Хитой, Ҳиндистон медицинаси, тибет медицинаси, гомеопатия ва ҳоказо.

**53.591 Халқ табобати. Халқларнинг миллий табибшунослиги ва медицинаси, дамламалар, силаш-уқалаш, игна билан даволаш**

**53.6 Медицина радиологияси ва рентгенологияси**

Диагностик ва терапевтик ионлашган нурланишлар: рентгеноскопия, рентгенография, радиоактив изотоплар, рентгенотерапия ва радиотерапия. Ионлаштирувчи нурланишлардан захарланиш ва уларнинг профилактикаси: нур касаллиги ва ҳоказо.

Медицина радиобиологиясига оид умумий характердаги адабиёт ҳам 53.6 индекси остида йиғилади.

Айрим касалликларнинг рентгенотерапияси ва радиотерапияси, айрим касалликлар вақтида айрим тизимлар ва органларни рентгенологик тадқиқ қилиш, айрим

касалликлар диагностикаси ва терапиясида радиоактив изотоплар 54.1-57.3 индекслари остидан ва уларнинг бўлимчаларидан қаралсин.

- Ионлаштирувчи нурлардан, нурланишдан ҳимоя 51.26 дан қаралсин.

#### **54.1 Ички касалликлар**

Аллергик, ирсий, хромосом, коллавин, касб касалликлари.

- Зардоб ва дорилардан юзага келадиган касалликлар 54.19 дан қаралсин.
- Касбий заҳарланишлар 54.194 дан қаралсин.
- Буйрак касалликлари 57.9 дан қаралсин.

#### **54.10 Қон айланиш ва лимфа айланиш тизимларининг касалликлари. Кардиология ва ангиология**

Гиперония ва гипотония касалликлари, юрак-томир неврозлари, юрак-томир фаолиятидаги етишмовчилик ва бошқалар.

- Юрак-томир тизимининг ревматизми 55.5 дан қаралсин.

#### **54.101 Юрак касалликлари**

Юрак иллоти (порок), эндокард ва юрак клапанлари касалликлари, миокард инфаркти, стенокардия ва бошқа касалликлар.

#### **54.102 Қон томирлари касалликлари**

Томир дистониялари, артериялари, ўпка томирлари ва веналарнинг касалликлари ва ҳоказо.

- Томир неврозлари 56.12 дан қаралсин.

#### **54.103 Лимфатик томирлар касалликлари. Клиник лимфология**

- Лимфатик тугунларнинг касалликлари 54.11 дан қаралсин.

#### **54.11 Қон ҳосил қилиш тизимлари ва қон касалликлари. Клиник гематология**

Лейкозлар (лейкемиялар), геморогик диатезлар, гемофилия, септик ангина, анемия ва шу кабилар. Илик касалликлари. Лимфатик тугунларнинг касаллик-лари. Талок касалликлари.

- Қон қуйиш ва донорлик 51.1(5 ўзб)2 дан қаралсин.
- Қон қуйиш ва иликни кўчириб ўтказиш 53.53 дан қаралсин.

**54.12 Нафас олиш йўллариининг касалликлари (пульмонология). Бронх, ўпка, плевра касалликлари**

- Ўпка томирлари касалликлари 54.102 дан қаралсин.
- Ўпка, бронх ва плевра сили 55.4 дан қаралсин.
- Юқори нафас олиш йўллариининг касалликларининг касалликлари 56.8 дан қаралсин.

**54.13 Овқат хазм қилиш тизими касалликлари. Гастроэнтерология. Жигар, ўт пуфак касалликлари. Гепатология**

Қизилўнғач, ўт пуфаги, ўт йўллари, меъда ости беши касалликлари ва бошқалар.

- Эпидемик гепатит (ботқин касаллиги) 55.141 дан қаралсин.
- Оғиз бўшлиқи касалликлари 56.6 дан қаралсин.

**54.132 Ошқазон ва ўн икки бармоқ ичак касалликлари**

Ахилия, гастритлар, яра касалликлари ва ҳоказо

**54.133 Ичак касалликлари**

Энтеритлар, колитлар ва бошқалар.

- Аппендицит (кўричак) 54.57 дан қаралсин.
- Ичак гельминтозлари 55.17 дан қаралсин.

**54.15 Эндокрин тизими касаллиги. Эндокринология.**

**Модда алмашинуви касалликлари**

Ички секреция безлари касалликлари: қалқонсимон без касалликлари, қанд касали ва ҳоказо. Модда алмашиниш касалликлари: ёғ босиб кетиш, ориқлаб кетиш, элементар дистрофия (шишиниш касаллиги), авитаминозлар, подагра ва бошқалар.

- Рахит 57.33 дан қаралсин.

**54.17 Умуртқа билан кўкрак нафаси оралиғи касалликлари. Диафрагма касалликлари**

**54.18 Таянч - ҳаракатлантирувчи тизим касалликлари**

Суяк, бўғин ва мускул касалликларига оид умумий характердаги адабиётлар.

- Айрим суяклар ва бўғинларнинг касалликлари 54.57 дан қаралсин.
- Таянч-ҳаракатлантирувчи тизими турли бўлимларининг суяклари ва бўғинларининг касалликлари ҳамда уларни ортопедик йўл билан даволаш 54.58 дан қаралсин.
- Суяк-бўғин сили 55.4 дан қаралсин.

#### **54.19 Бошқа ички касалликлар**

Зардоб, дори, баландлик (тоғ), кессон касалликлари ва бошқа касалликлар. Юрак-томир ва таянч- ҳаракатлантирувчи тизимлар, ревматизм.

- Юракнинг ревматик касалликлари 54.101 дан қаралсин.
- Нерв тизимининг ревматизми 56.12 дан қаралсин.

#### **54.194 Захарланиш**

Анорганик моддалар: симоб кўрғошин ва шу кабилар билан захарланиш: органик моддалар: углеводлар, спирт ва шу кабилар билан захарланиш, радиоактив моддалар, жанговар захарловчи моддалар (ЖЗМ) билан захарланиш оқибатидаги касалликлар ва хоказолар.

#### **54.5 Хирургия**

Кечиктириб бўлмайдиган хирургия. Ассептика ва анти-септика. Анестезиология: умумий оғриқсизлантириш (наркоз), маҳаллий оғриқсизлантириш (анестезия), новакаин блокадаси ва ҳоказо. Деомургин (боғлаш ҳақидаги таълимот). Операция даври. Умумий хирургик патология: хирургик инфекция, юмшоқ тўқималар, томирлар, лимфатик тўқималар, суяклар (остесмислар) яллиғланиши, қон оқиши, жонсизланиш, трофик яра, оқма яра.

- Новакаин блокадаси билан даволаш 53.58 дан қаралсин.
- Шикастланиш 54.58 дан қаралсин.
- Шишлар 55.6 дан қаралсин.

#### **54.54 Оператив хирургия. Топографик анатомия**

Хирургик чоклар, электрохирургия. Операцияларнинг турлари: кесиш, ёриш ва ҳоказо. Тиклаш (пластик) хирургияси: тери пластикаси, мускул пластикаси, суяк пластикаси, томирлар пластикаси ва ҳоказо

#### **54.57 Айрим соқалар, тизимлар ва органларнинг хирургияси**

- Нейрохирургия 56.13 дан қаралсин.
- Тишларни даволашнинг касалликлари 56.6 дан қаралсин.
- Кўзларнинг хирургик касалликлар 56.7 дан қаралсин.
- Қулоқ, бурун, томоқнинг хирургик касалликлари 56.8 дан қаралсин.
- Бўйракнинг хирургик касалликлари 56.9 дан қаралсин.

#### **54.58 Травматология ва ортопедия**

Шикастланишнинг организмга таъсири: шикастланиш шоки ва колапс. Механик зарарланиш: жароқат, уриб олиш, тойиш

(суяк ҳақида), синиш ва бошқалар, термик шикастланиш: куйиш, совуқ урдириш ва ҳоказолар: химиявий шикастланиш. Электр шикастланишлари ва бошқалар. Баданнинг айрим жойларининг шикастланиши. Ортопедия ва протез қилиш.

- Ишлаб чиқариш травматизми профилактикаси 51.244 дан қаралсин.
- Марказий нерв тизимининг зарарланиши 56.13 дан қаралсин.
- Ички органларнинг зарарланиши 54.57 дан қаралсин.
- Тишларни ва жақ-юзни протез қилиш 56.6 дан қаралсин.
- Кўзларнинг зарарланиши ва кўзларни протез қилиш 56.7 дан қаралсин.

### **55.1 Юқумли ва паразитар касалликлар**

#### **55.14 Юқумли касалликлар**

- Сил касаллиги 55.4 дан қаралсин.
- Болаларнинг юқумли касалликлари 57.33 дан қаралсин.

#### **55.141 Ичак инфекциялари**

Ич терлама касали, ичбуруқ, вабо касалликлари, эпидемик гепатит (Боткин касаллиги), полиомелит ва ҳоказо.

#### **55.142 Нафас олиш йўллари (ҳаво-томчи) инфекциялари**

Вирус инфекциялари, дифтерия кўк йўтал, қизамиқ, қизилча касаллиги (скарлатина) , ўткир нафас олиш йўллари касаллиги (респиратор) касалликлари, грипп, чечак касали ва бошқалар.

- Ангина 56.8 дан қаралсин.

#### **55.144 Қон (трансмиссив) инфекциялари**

Тепкили терлама, безгак ва ҳаказо.

#### **55.146 Зоонозлар. Ташқи қопламлар инфекциялари**

Сарамас, оқшол, қутуриш, бруцеллез, тлляремия, ўлат ва бошқалар. Стрептокок ва стафилакок инфекциялари.

#### **55.148 Спид (БИИ-инфекцияси)**

#### **55.17 Паразит касалликлар**

Микозлар, протозой касалликлари, гельминтозлар ва бошқалар.

Ичак гельминтозларига оид адабиётлар 55.17 индекси остида йиғилади.

Айрим тизимлар ва органларнинг паразитар касалликлари 54.1-57.3 индекслари ва уларнинг бўлимчаларидан қаралсин.

- Безгак 55.144 дан қаралсин.

#### **55.4 Фтизиатрия**

Ўпка, бронх ва плевра сили, силнинг ўпкадан ташқари шакллари: сут безлари, юрак-томир тизимлари, суяк-бўғим сили ва бошқалар.

- Болаларда сил касаллиги 55.33 дан қаралсин.

#### **55.5 Ревматология**

Ревматологиянинг юрак қон-томир ва таянч двигетал тизими. Боғланувчи маларнинг диффузли касаллиги (коллагенозлар), артритлар ва артрозлар.

- Юрак пороги 54.101 дан қаралсин.

#### **55.6 Онкология**

Зиёнсиз ва ёмон сифатли шишлар: рак, саркома ва бошқалар; айрим жойлар, тизимлар ва органларнинг шиши.

#### **55.8 Венерология. Дерматология**

Таносил ва тери касалликлари

#### **55.81 Венерология**

#### **55.83 Дерматология**

- Косметика ва косметик воситалар 51.204.1 дан қаралсин.

#### **56.1 Невропатология. Нейрохирургия. Психиатрия**

#### **56.12 Невропатология**

Уйқунинг бузилиши, фалаж, менингит, энцефаломиедит, энцефалит, инсульт, эпилепсия, вегстатив неврозлар, мигрень ва шу кабилар.

- Вегитатив – эндокрин касалликлари 54.15 дан қаралсин.
- Полиомиелит 55.141 дан қаралсин.

#### **56.13 Нейрохирургия**

Нейрохирургик патология. Асаб тизимларининг шикастланиши.

Руҳий касалликларни хирургик йўл билан даволаш.

#### **56.14 Психиатрия**

Асаб бузилиши ва касалликлари. Наркология. Суд психатрияси.

- Тиббиёт психологияси 88.4 дан қаралсин.

#### **56.6 Стоматология**

Тиш, оғиз бўшлиғи ва жақ-юз касалликлари. Хирургик ва ортопедик стоматология.

#### **56.7 Офтальмология**

Кўришнинг бузилиши: узоқни яхши кўролмаслик, узоқни кўриш ва бошқалар: кўзойнақлар, уларни танлаш. Кўз касалликлари. Офтальмохирургия ва ясама кўз қўйиш.

#### **56.8 Оториноларингология**

Юқори нафас олиш йўллари: бурун, томоқ, бодомсимон безлар, бўғиз, трахея ва шу кабиларнинг касалликлари, қулоқ касаллиги. Нутқ ва овознинг бузилиши, операциядан кейин нутқнинг тикланиши. Хирургик оториноларингология.

#### **56.9 Урология**

Оператив урология. Урологик патология: таносил тизими касалликлари. Сийдиктоши касаллиги. Эркакларда жинсий касалликлар: эндрология: климатик давр, фарзандсизлик ва бошқалар.

#### **57.0 Медицина сексологияси**

Жинсий алоқа гигиенаси, никоҳ гигиенаси ва бошқалар.

#### **57.01 Жинсий ҳаёт физиологияси (сексология ахлоқи)**

#### **57.05 Сексопатология**

- Эркаклар жинсий фаолиятининг бузилиши 56.9 дан қаралсин.
- Аёллар жинсий фаолиятининг бузилиши 57.12 дан қаралсин.

#### **57.1 Гинекология**

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш 51.1(5 ўзб) 4 дан қаралсин.

#### **57.12 Хотин-қизлар организмнинг физиологик ва патофизиологик хусусиятлари.**

Фарзандсизлик, климатик давр ва бошқалар

#### **57.14 Хотин-қизлар гигиенаси**

Хотин-қизларнинг жисмоний тарбияси 75.1. дан қаралсин

#### **57.15 Хотин-қизлар касалликлари**

#### **57.16 Акушерлик**

#### **57.3 Педиатрия**

- Болаликни муҳофаза қилиш 51.1(5ўзб)4 дан қаралсин.
- Болалар ва ўсмирлар гигиенаси 51.28 дан қаралсин.

#### **57.13 Болалар ёшининг анатомик-физиологик хусусиятлари**

Болаларнинг жисмоний камол топиши, акселерация, чақалоқлар, чала туғилган болалар.

- Болаларда руҳий ривожланиши 88.8 дан қаралсин.



## **57.32 Чақалоқларни овқатлантириш ва уларни парвариш қилиш**

### **57.33 Болалар касалликлари**

Болалар касалликларига оид ҳамма адабиёт 57.33 индекси остида йиғилади.

Зарур бўлганда айрим касалликларга оид адабиёт алифбо тартибида номма-ном жойлаштирилади.

Болаларнинг айрим касалликларига доир адабиёт такрорий равишда 54.1-57.1 индекслари ва уларнинг бўлимчаларида акс эттирилиши мумкин.

### **58 Медицинанинг амалий соҳалари**

Суд медицинаси: суд-медицина экспертизаси, суд травматологияси, суд токсикологияси. Арктика ва антарктика медицинаси. Тропик медицина. Авиация ва космик медицина.

Умуман ҳарбий медицинага оид умумий характердаги адабиёт ҳам 58 индекси остида йиғилади.

Ҳарбий медицинанинг махсус соҳалари 54.1-56.9 индекслари остидан ва уларнинг бўлимчаларидан қаралсин.

- Суд психиатрияси 56.14 дан қаралсин.
- Спорт медицинаси 75.0 дан қаралсин.

## **6/8 ИЖТИМОЙ ВА ГУМАНИТАР ФАНЛАР**

*А с о с и й б ў л и н и ш л а р:*

60	Умуман ижтимоий фанлар
60.5	Социология
60.6	Статистика
60.7	Демография
63	Тарих. Тарих фанлари
65	Иқтисод. Иқтисодий фанлар
66	Сиёсат. Сиёсий фанлар
67	Давлат ва ҳуқуқ. Юридик фанлар
68	Ҳарбий фан. Ҳарбий иш
70/79	Маданият. Фан. Маориф
80/84	Филология фанлари. Бадиий адабиёт
85	Санъат
86	Дин
87	Фалсафа
88	Психология

## **6/8 ИЖТИМОЙ ВА ГУМАНИТАР ФАНЛАР**

### **60 Умуман ижтимоий фанлар**

Бир ёки бир неча ижтимоий фанларни ўз ичига олувчи адабиёт. Жамиятшуносликка оид адабиёт.

#### **60.5 Социология**

Социология фан сифатида. Социологик тақдиротнинг усуллари. Социология тарихи. Жамият социологияси: жамиятнинг ривожланиш омиллари (биологик, географик ва бошқ.) Ижтимоий истиқболни белгилаш. Айрим ижтимоий тизимларнинг тарихи: капитализмгача бўлган жамият, капитализм-ижтимоий тизим сифатида, ривожланаётган мамлакатлар жамияти ижтимоий тизим сифатида, ўтиш даври жамияти (пост-социалистик жамият ва бошқ.).

Бир-бирига яқин социологик фанлар жадвалнинг тегишли бўлимларидан қаралсин, масалан: Социал экология 20.1 дан қаралсин; Социал статистика 60.6 дан қаралсин; Социал психология 88.5 дан қаралсин;

- Ижтимоий фалсафа 87.6 дан қаралсин.

#### **60.54 Гуруҳлар социологияси**

Социал гуруҳлар назарияси, социоморфология социал синфлар, табақалар. Социал-демографик гуруҳлар: ёши ва жинси жиҳатидан (болалар, ёшлар, нафақахўрлар, қариялар, аёллар, эркаклар мигрантлар, эмигрантлар, иммигрантлар, қочоқлар ва бошқ.). Этник жамоалар. Этно социология. Ҳудудий бирлик, омма, шаҳар, қишлоқ, вилоят, мамлакат. Кичик аҳоли гуруҳлари назарияси, жамоалар. Ташкилотлар; ассоциациялар, ижтимоий, маъмурий, марказий ва маҳаллий.

#### **60.55 Шахс социологияси**

Шахс ва жамият. Турли социал тизимларда шахснинг ўрни.

#### **60.56 Ижтимоий ҳаёт соҳасининг социологияси**

Сиёсат социологияси, сиёсий социология (давлат социологияси, раҳбарият социологияси), Ҳуқуқ социологияси. Иқтисодиёт социологияси, иқтисодий социология, (саноат социологияси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш социологияси, алоқа, қурилиш, транспорт, хизмат кўрсатиш, маданий социал муҳит, ноишлаб чиқариш соҳалар иқтисодий социологияси). Меҳнат социологияси, касблар, машғулотлар. Ишдан ташқари вақт социологияси, дам олиш социологияси, турмуш ва истеъмол

социологияси. Оила, никоқ, қариндошчилик социологияси, маънавий ҳаёт социологияси: илм-фан, таълим-тарбия, санъат, дин, тил социологияси, ахлоқ-одоб, матбуот, радиоэшиттириш, телевидение социологияси. Ижтимоий фикр (демоскопия) социологияси. Экология социологияси.

#### **60.59 Худудий социология**

Худудий намунавий бўлинишлар жадвали асосида бўлимчаларга бўлинади.

Худудий кўламда ёзилган муаммоли-мавзули адабиёт. Худудий намунавий бўлиниш ёрдамида ёритилади. Масалан: Грузия мустақил Республикасида маънавий ҳаёт социологияси 60.59 (5 Гру) индексини олади.

#### **60.6 Статистика**

Статистиканинг назарияси, тарихи, ташкил этилиши.

60.6 индекс остида, социал статистика ҳақидаги адабиётлар тўпланади.

Айрим тармоқ статистикалари ва статистик манбалар жадвалнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Масалан: иқтисодий статистика 65.051 дан демографик статистика 60.7 дан, халқ маорифи статистикаси 74.04 дан қаралсин.

- Математик статистика 22.72 дан қаралсин.

#### **60.7 Демография**

Аҳоли назарияси, аҳоли статистикасининг услубиёти ва ташкил этилиши: аҳолини рўйхатга олиш (умумдавлат, шаҳар, маҳаллий ва бошқа хил рўйхатга олиш); аҳолини жорий рўйхатга олиш: аҳолининг сони ва жойлашиши, таркиби (социал, жинс, ёш, миллий таркиби, аҳолининг табиий ҳаракати (туғилиш, никоҳлар, ажралишлар, ўлим), аҳолининг механик ҳаракати (миграция) ички миграция, иммиграция, эмиграция. Истиқболли ҳисоблар ва аҳоли сонининг ўсишини белгилаш, Ўзбекистон, чет мамлакатлар ва жаҳон аҳолиси тўғрисида умумий характердаги статистик маълумотлар ва адабиёт.

Аҳолининг синфий таркиби миграцияси ва сиёсий эмиграциясига оид тарихий ва публицистик адабиёт 63.3 нинг тегишли бўлимчаларида йиғилади.

## 63 Тарих. Тарих фанлари

А с о с и й б ў л и н и ш л а р:

- 63.2 Манбашунослик. Ёрдамчи (махсус) тарихий фанлари.
- 63.3 Тарих
- 63.4 Археология
- 63.5 Этнография

### 63 Тарих. Тарих фанлари

Тарих фанининг назарий-методологик асослари. Тарих фанининг тарихи (историо графия). Тарихчилар. Олимлар, ёзувчилар, давлат ва жамоат-сиёсат арбобларининг тарихга оид қарашлари.

Айрим мавзу ва давлатларнинг историографияси 63.3 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

### 63.2 Манбашунослик. Ёрдамчи (махсус) тарих фанлари

Умуман манбашунослик, ёзма манбаларнинг манбашунослиги, археография, генеалогия, геральдика ва эмблематика, дипломатика, тарихий география, тарихий метрология, нумизматика, полеография, панирология, сфрагистика, хронология, эпиграфика, фалеристика.

- Айрим ёзма манбаларни ўрганишга оид манбалар 63.3 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.
- Тарихий этнография 63.5 дан қаралсин.
- Филателия 76.106 дан қаралсин.
- Архившунослик 79.3 дан қаралсин.
- Ономастика 81 дан қаралсин.

### 63.3 Тарих.

Бу бўлим бутун дунё ёки бир неча мамлакатнинг, умуман хорижий мамлакатларнинг тарихига оид адабиётларни тўплаш учун мўлжалланган.

Ҳудудлар ва аҳоли, социал-иқтисодий тузум, хўжалик тарихи, сиёсий кураш, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат, маданият, турмушга зид адабиёт ҳамда давлат ва жамоат ва сиёсат арбобларига доир адабиёт 63.3 нинг бўлимчаларида йиғилади.

Фан ва техниканинг, адабиёт ва санъатнинг айрим соҳалари тарихи классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

Масалан: Медицина ва соғлиқни сақлаш тарихи 5 г дан қаралсин: китоб тарихи 76.11 дан қаралсин.

Айрим мамлакатлар тарихи ҳудудий намунавий бўлинишлари (ҲНБ) орқали замонавий сиёсий чегаралар МНБ ёрдамида ёритилади.

### **Айрим мамлакатлар ва жаҳон тарихи ҳақидаги материалларни кўрсатиш учун**

#### **Махсус намунавий бўлинишлар :**

- 2 Социал-иқтисодий тузум. Хўжалик тарихи
- 28 Аҳоли қатлами. Социал гуруҳлар
- 3 Сиёсий тузум. Давлат раҳбарлари ва бошқарув.
- 36 Миллий муносабат. Миллий сиёсат. Масжидларнинг сиёсий аҳамияти
- 4 Сиёсий кураш. Сиёсий жазолаш. Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар
- 6 Халқаро муносабатлар. Ташқи сиёсат
- 7 Маданият. Мафкура. Турмуш
- 8 Ижтимоий-сиёсий ва давлат арбоблари
- 8 индекс остида шахсларнинг таржимаи ҳоли, замондошларнинг далиллари ва шахснинг асарлар тўплами ва танланган асарлари йиғилади.

Шахсларнинг фамилиялари алифбо бўйича жойлашади.

#### **63.3 (0) Жаҳон тарихи**

Турли қитъалардаги барча мамлакатлар ёки бир неча мамлакатнинг, умуман чет мамлакатларнинг тарихига оид адабиёт, халқлар ўртасидаги тарихий алоқалар тўғрисидаги, айрим халқларнинг жаҳон тарихига қўшган ҳиссаси ҳақидаги айрим мамлакатларда рўй бераётган воқеаларнинг халқаро аҳамияти тўғрисидаги адабиёт 63.3(0) индекси ва унинг бўлимчаларида йиғилади.

- Айрим мамлакатлар тарихи 63.3(2), 63.3(4/8) ва Ўзбекистон тарихи 63.3(5Ўзб) нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

#### **63.3 (0) 2 Ибтидоий жамият**

Айрим мамлакатлар ҳудудида ибтидоий жамият тарихи 63.3(2) ва 63.3(4/8) нинг, Ўзбекистонда ҳудудий ибтидоий жамият 63.3(5Ўзб)2 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

### **63.3 (0)3 Қадимги дунё**

Қадимги Шарқда ва умуман антик дунёда ҳамда айрим мамлакатларда қулдорлик жамиятининг тарихи.

### **63.3 (0)31 Қадимги Шарқ**

Қадимги Миср, Осиё, Шумер, Аккад, Вавилония, Урарту ва бошқа.

- Қадимги Ҳиндистон ва қадимги Хитой тарихи 63.3(5) нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.
- Ўзбекистон ҳудудида қулдорлик давлатларининг тарихи 63.1(5Ўзб)2 дан қаралсин.

### **63.3 (0) 32 Антик дунё**

Қадимги Греция, македониялик Искандар империяси, қадимги Рим, Италия ва бошқа.

Закавказьенинг энг қадимги халқлари, қулдорлик давлатлари:

Шимолий Мидия, Кавказ Албанияси, Шарқий Европа ва жанубий даштларнинг аҳолиси: Киммерилар, Таврлар, Скифлар ва бошқа. Шимолий ва Шарқий қора Денгиз бўйларида қулдорлик жамияти (эрамизгача VII аср-эрамизгача IV аср).

- Македониялик Искандарнинг Марказий Осиёга хужуми 63.3(5)411 қаралсин.

### **63.3 (0) 4 Ўрта асрлар (V аср - 1640 йил)**

Илк ўрта аср давлатларининг вужудга келиши. Франк давлатлари (V-IX асрлар). Норманлар (VII-XI асрлар). Византия (IV аср -1453 й.) Кеч ўрта асрлар давлатлари.

### **63.3 (0)4.1 Макка ва Мадина шаҳарлари мавқеининг ўсиши**

Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ҳаётининг фаолияти, хаж сафари (622 йил). Ислом дини мавқеининг оша бориши. Муҳаммад Алайҳиссаломнинг вафоти.

- Ислом таълимотини ўрганиш масалалари 86.378(5) бўлимнинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

### **63.3 (0) 5 Янги тарих (1640-1917)**

#### **63.3 (0) 51 1640-1789 йиллар даври**

#### **63.3 (0) 52 1789-1870 йиллар даври**

#### **63.3 (0) 53 1871-1917 йиллар даври**

#### **63.3 (0) 6 Энг янги тарих (1918 дан ...**

Октябрь тўнтаришининг тарихий аҳамияти ҳақидаги адабиётлар шу бўлимда тўпланади.

- 1985 йилнинг апрел ойидан кейинги даврдаги ретроспектив адабиётлар 63 нинг тегишли бўлимида ёритилиб, 1985 йилдан бошлаб жаҳондаги иқтисодий ва сиёсий ахвол қўшимча равишда 65 ва 66 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

**63.3 (0) 61 1918-1939 йиллар даври**

**63.3 (0) 62 Иккинчи жаҳон уруши даври (1939-1945 йиллар)**

**63.3 (0) 63 1945-XX асрнинг 80-йиллар ўрталари даври**

**63.3 (0) 64 80- йиллар ўрталари даври**

**63.3 (0=...) Турли мамлакатларда тарқоқ ҳолда яшайдиган айрим халқларнинг тарихи**

63.3(0=...) индекси остида диаспоралар ҳақида умумий мазмундаги адабиётлар тўпланади.

Айрим халқлар ва диаспораларнинг тарихи этник белгилар ёрдамида 63.3(0=...) бўлинмаларида ёритилади. М-н: (0=Циг) Циганлар тарихи. Диаспораларнинг айрим мамлакатдаги тарихи ҳақидаги адабиётлар шу мамлакатнинг тарихидан қаралсин. Масалан: Чеченларнинг Россиядаги тарихи 63.3(2Рос=Чич).

**63.3(5Ўзб) Ўзбекистон тарихи**

Ўзбекистон тарихи фанининг предмети. Ўзбекистон Республикасининг географик ўрни, табиий шароити, иқлими, аҳҳлиси.

**63.3(5Ўзб)лб Тарихий музейлар. Тарихий ёдгорликлар, уларни қимоя қилиш**

Айрим тарихий воқеалар билан боғлиқ бўлган тарихий ёдгорлик жойлари ва музейлари 63.3 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

**63.3(5Ўзб)1 Мамлакатимизнинг турли даврларда турли номлар билан аталиб келиниши**

Ватанимизнинг Миср, Рим, Ҳиндистон, Хитой, Эрон каби қадимги йирик мамлакатлар қаторида оламга машҳурлиги.

**63.3(5Ўзб)II Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг мақсади, вазифалари ва аҳамияти.**

Унинг маънавий қадриятларимизга ҳурмат ва миллий ифтихорликни шакллантиришдаги ўрни.

**63.3(5Ўзб) 2 Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий жамоа тузуми**

Ибтидоий жамиятнинг даврлари. Палеолит (қадимги тош) даври. Оловнинг кашф этилиши. Ўрта палеолит даври одамла-

рининг манзилгоҳлари: Тешиктош, Обираҳмат, Қутурбулок.. Сўнги палеолит даври одамлари яшаган манзилгоҳлар: Самарканд, Хўжа Гўр, Қорақамлар. Қабилаларнинг ташкил топиши.

### **63.3(5Ўзб)21 Мезолит даври (ўрта тош). Болта қуролининг ихтиро этилиши**

Мезолит даври одамларининг диний қарашлари. Зароостризм. Зараутсой, Бухоро, Паркент, Тошкент тоғ тизмаларидан топилган археологик топилмаларнинг тарихий-илмий аҳамияти.

### **63.3(5Ўзб) 22 Неолит (янги тош) даври**

Калтаминор маданияти ва унинг босқичлари. Марказий Фарғона неолит ёдгорликлари. Тош қуролларининг такомиллашуви. Ишлаб чиқаришга асосланган хунармандчилик ва заргарликнинг ривожланиши. Деҳқончилик ва чорвачиликка асосланган янги турдаги маданиятнинг ривожланиши. Энеолит (мис-тош) даври. Кетмон ихтиро этилиши. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти марказларининг пайдо бўлиши.

### **63.3(5Ўзб) 23 Бронза даври, унинг ёдгорликлари**

Чуст манзилгоҳи ва Далварзин тепаларидан топилган ёдгорликлар: топилган идишлар, мисдан ясалган зеб-зийнат буюмлари, меҳнат қуроллари. Шақарларнинг пайдо бўлиши, ўтроқ деҳқончиликнинг бошланиши. Пилла ва пахтачиликнинг етиштириши бошланиши. Ишлаб чиқариш қуролларининг такомиллашуви.

### **63.3(5Ўзб) 24 Темир асри. Хусусий мулкнинг шаклланиши**

Жамиятда одамлар ўртасида тенгсизлик ва синфларнинг келиб чиқиши. Марказий Осиё цивилизацияси ривожланишида темирнинг аҳамияти. Темир даври одамларининг диний қарашлари. Зардуштийликнинг вужудга келиши. “Авесто”-китоби. “Авесто”-Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишнинг муҳим манбаи. Марказий Осиё халқларининг ёзув маданияти.

- “Авесто” – Зардуштийлик китоби сифатида 86.24(5) дан қаралсин.
- “Авесто” фалсафий фикрлари 87.3(5) дан қаралсин.

### **63.3(5Ўзб) 3 Милоддан аввалги VI-IV асрларда Марказий Осиёда яшаган қадимги элатлар, уларнинг этник таркиби**

Сўғдиёна, Бактрия, Хоразм давлат тузилмаларининг вужудга келиши. Бу халқларнинг машғулоти: деҳқончилик,



чорвачилик, кулолчилик, заргарлик ва кемасозлик. Сунъий суғориш иншоотлари қурилиши.

**63.3(5Ўзб) 31 Эрон ахамонийларининг (мил.ав.IV асрда) Марказий Осиёга хужуми**

Сўғдиёна, Бактрия ва Хоразмнинг босиб олиниши. Хоразмликларнинг ахамонийлар таъсиридан озод бўлиши ва давлат тузилиши.

**63.3(5Ўзб) 311 Юнон-македон қўшинларининг Искандар Зулқарнайн бошчилигидаги Марказий Осиёга юриши**

Искандарнинг маҳаллий халқ ва руҳонийларни ўзига оғдириб олиш мақсадида кўрган тадбирлари. Спитамен қўзғолони. Шарқ ва Ғарб маданиятининг учрашуви ва ўзаро таъсири. Искандарнинг Ҳиндистонга юриши ва ўлими. У тузган империянинг парчаланиши.

**63.3(5Ўзб) 312 Сўғдиёна ва Бактрия салавкийлар хукмронлиги остида**

Парфия, Юнон-Бактрия давлатларининг ташкил топиши, уларнинг географик чегаралари. Юнон-Бактрия давлатининг кучсизланиши ва емирилиши.

**63.3(5Ўзб) 313 Буюк Ипак йўлининг дунё халқлари ўртасида тинчлик, қўшничилик, дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти.**

**63.3(5Ўзб) 314 Кушон подшоҳлиги (VI –IV) асрларда ташкил топиши. Фарғона ва Хоразмнинг бўйсундирилиши**

Кушон давлати- кучли империя. Осиёча ишлаб чиқариш усули. Суғорма деққончиликнинг ривожланиши. Пахтачилик. Шаҳарлар қурилиши. Тижорат ишларининг ўсиши. Буюк Ипак йўлининг аҳамияти. Хитой ва Рим билан маданий ва савдо алоқалари.

**63.3(5Ўзб)314.1 Кушон давлатида маданий ҳаёт. Оташпарастилик.**

Ибодатхоналар, ҳайкалтарошлик. Бактрия, Оромий, Хоразм, Сўғд ёзувлари. Хоразмнинг Кушон подшоҳлигидан ажралиб чиқиши. Кушон давлатининг инқирози.

**63.3(5Ўзб) 4 Ўрта аср даври (V-VII асрлар). Эфталитлар**

Уларнинг этник таркиби. Эфталитлар даврида маданият, диний эътиқодлар. Наврўз маросими.

### **63.3(5Ўзб) 43 Турк ҳоқонлигининг вужудга келиши**

Ҳоқонлик аҳолисининг этник таркиби. Туркий тилнинг ривожланиши. Турк ҳоқонлигининг икки қисмга бўлиниши. Сўғд, Тоҳаристон, Хоразм ҳокимларининг ўзаро муносабатлари.

### **63.3(5Ўзб) 44 Араблар босқини, ислом динининг ёйилиши (VII-VIII)**

Араб қабилаларининг Муҳаммад алайҳиссалом томонидан яқка худолик ғоясига кўра Ислом дини асосида ягона давлатга бирлаштирилиши. Ислом динининг ёйилиши. Қуръони карим.

- Қуръони карим таълимоти 86.381(5) дан қаралсин.

### **63.3(5Ўзб) 44.1 Араб тилининг расмий давлат тилига айлантирилиши, масжидлар қурилиши**

Шариат қонунлари ва ахлоқ-одоб. Ҳадислар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти.

### **63.3(5Ўзб) 44.3 Халифалик давлат бошқаруви ва унда Ислом мафкурасининг ўрни**

Халифалар Абу Бакр, Умар, Усмон ва Ҳазрат Али. Араб халифалигидаги ички сулолавий кураш. Муқанна кўзғолони. Кўзғолоннинг Кеш, Самарқанд, Насаф ва Бухорога ёйилиши. Араб халифалигининг заифлашуви.

### **63.3(5Ўзб) 44.5 IX аср бошларида Мовароуннахрнинг сиёсий аҳволи**

Мустақиллик учун кураш. Сомонийлар давлатининг ташкил топиши. Бухоронинг исломнинг нуфузли марказига айланиши.

### **63.3(5Ўзб) 44.6 Ғазнавийлар давлатига асос солиниши**

Маҳмуд Ғазнавий даври (998-1030)да Ғазнавийларнинг кучайиши. Маҳмуд Ғазнавий моҳир давлат арбоби, буюк лашкарбоши ва маърифатпарвар ҳукмдор. Ғазнавийлар давлатининг инқирози.

### **63.3(5Ўзб) 45 Ўзбек халқининг шаклланиши**

X асрда ўзбекларнинг халқ сифатида шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари ва омиллари. “Ўзбек, сарт”. IX-XII асрларда Мовароуннахр ва Хоразмда “Байт ул-ҳикма” (Шарқ фанлар Академияси)нинг вужудга келиши.

**63.3(5Ўзб) 452 Марказий Осиёлик буюк фан арбоблари ва мутафаккирларнинг жаҳон фанига қўшган салмоқли ҳиссалари\***

Ал-Хоразмий (Ал-Жабр), Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий каби буюк алломаларнинг қолдирган мероси, тарихий аҳамияти.

**63.3(5Ўзб) 453 Ибн Сино – табиб ва файласуф олим. Абу Райхон -қомусий олим. Уларнинг жаҳон фани ривожига қўшган ҳиссалари**

Буюк олимларнинг жаҳон фани ривожига қўшган ҳиссаси тарихий аҳамияти ҳақидаги адабиётлар. 63.3 тарихнинг тегишли даврларида кўрсатилади. Уларнинг маълум фан соҳалари бўйича асарлари айнан ўша соҳада кўрсатилади. Масалан: Ибн Сино – медицина соҳасидаги асарлари “5г Ибн Сино” индекси остида ёритилади. Ибн Синонинг фалсафий асарлари 87.3(5Ўзб) бўлимида кўрсатилади.

**63.3(5Ўзб) 454 Буюк олимларнинг маънавий мероси**

Абу Абдуллоқ Хоразмий-ўлкашунослик, минерология асосчилари Абулқосим Фирдавсий, унинг “Шоҳнома” асари – Эрон ва Турон тарихини ўрганишда бебаҳо мерос.

Маҳмуд Қошғарий-тилшунос олим. Унинг “Девону луғотит турк” асарининг туркий қавмлар этнографияси, тарихи, географияси, этногенезиясини ўрганишдаги аҳамияти.

Йирик файласуфлар- Абу Абдулло Рудакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Имом Аҳмад ан-Насоний, Собир Термизий ва бошқа шу даврнинг йирик алломалари ва уларнинг тарихдаги ўрни ҳақидаги асарлари шу индекс остида кўрсатилади.

Сўфийлик таълимотининг моҳияти, мазмуни ва вужудга келиш шарт-шароитлари. Комил инсонни тарбиялаш муаммоси ва унга тасаввуфий ёндашув. Ғиждувоний - Нақшбандия оқими асосчиси. Аҳмад Яссавий тариқати. Бу таълимотларнинг тарихий аҳамияти.\*

---

\* Марказий Осиёлик буюк фан арбоблари ва мутафаккирларининг жаҳон фанига қўшган салмоқли ҳиссалари ҳақидаги тарихий аҳамиятга эга бўлган адабиёт 63.3(5Ўзб)452нинг тегишли бўлимчаларида ёритилган. Шу мутафаккирларнинг айрим фан соҳасига қўшган ҳиссалари ўша соҳанинг бўлимларида ва энциклопедист кўпқиррали олимлар ҳақидаги асарлар 72.3 да кўрсатилган.

**63.3(5Ўзб) 455 Сўфийлик таълимоти – тасаввуф**

**63.3(5Ўзб) 456 Мовароуннаҳрда меъморчилик, санъат ва мусиқа**

IX-XII асрларда Марказий Осиёда ноёб меъморчилик ёдгорликлари. Исмоил Сомоний, Араб ота, Минораи Калон мақбаралари, ҳунармадчиликнинг, кулолчиликнинг санъат даражасига кўтарилган намуналари. Заргарлик, ҳаттотлик ва ноширлик-китобат санъати. Хоразм, Бухоро, Шошмақом йўллари. Халқ кўшиқлари. Достончилик.

- Халқ кўшиқлари, достонларни ўрганиш 82.3 (5 Ўзб) дан қаралсин.

**63.3(5Ўзб) 46 Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш**

Чингизхон (Темучин)нинг мўғулларни бирлаштириб кучли давлат тузиши. “Ясо” қонунлари. Мўғулларнинг юртимизга бостириб кириши.

**63.3(5Ўзб) 461 Мўғулларга қарши мамлакатнинг мудофааси**

Хўжанддаги жанглар. Темур Маликнинг жасорати. Бухоро ва Самарқанднинг босиб олиниши. Термизнинг забт этилиши. Чигатой улусининг парокандаликка учраши.

**63.3(5Ўзб) 47 Темур ва темурийлар ҳокимияти(XIV-XV асрлар)**

Туғлик Темурнинг ўлкамизга юриши ва забт этиши. Амир Темур ҳокимиятининг ўрнатилиши. Самарқанд–Темур давлатининг пойтахти. Мамлакатни бирлаштиришда Амир Темурнинг тутган ўрни.

**63.3(5Ўзб) 471 Темурнинг ҳарбий юришлари**

Темурнинг Ҳиндистонга юриши. Темур империясининг чегаралари. Темур—буюк давлат арбоби, машҳур саркарда. Темур тузуклари ва уларнинг аҳамияти.

**63.3(5Ўзб) 472 Амир Темур вафотидан кейин тожу тахт учун ички курашлар**

Империянинг парчаланиши. Шохруҳ империясининг ўрнатилиши.

**63.3(5Ўзб) 473 Улуғбек ҳукмронлиги**

Хоразм ва Фарғонанинг бўйсундирилиши. Улуғбек даврида маданият, илм-фан ва адабиёт равнақи. Улуғбек Академияси. Ҳозизода Румий. Миниатюра санъати. Камолиддин Бехзод мактаби.

Улуғбек, Румий, Бехзоднинг олим сифатидаги фаолияти тегишли фан соҳа бўлимларидан қаралсин. Масалан: Улуғбекнинг астрономия бўйича илмий кашфиётлари 22.6 Астрономия бўлимида ёритилади.

**63.3(5Ўзб) 474 Улуғбекка қарши мухолиф кучлар**

Темурийлар ўртасидаги ички курашларнинг авж олиши. Улуғбекнинг ўлдирилиши. Мовароуннаҳрда Абдусаид ва унинг ўғилларининг Хуросонда ҳукмронлиги.

**63.3(5Ўзб) 475 Ҳусайин Байқаронинг ҳукмронлиги**

Байқаро давлатининг 1469-1506 юксалиш ва заиф томонлари.

**63.3(5Ўзб)476 Алишер Навоийнинг сиёсий ва адабий фаолияти**

Алишер Навоий – буюк давлат арбоби ва маданият хомийси. Адабий муҳит. Лутфий, Саккокий, А. Жомий. Турк-ўзбек тилининг такомиллашуви.

• Шунингдек, қаралсин “81.2 Ўзб” Ўзбек тилшунослиги ва 83.3(5Ўзб). Ўзбек адабиёти, 66.11(5). Марказий Осиёда уйғониш даври.

**63.3(5Ўзб) 478 Темурийлар давлатининг емирилиши**

Дашти кипчоқ чўлларида Абулхайрхон бошчилигида кўчманчи ўзбеклар давлатининг ташкил топиши. Муҳаммад Шайбонийхон даврида бу давлат ҳудудларининг янада кенгайиши. Шайбонийларнинг темурийлар, хусусан, Муҳаммад Бобур билан олиб борган уруши.

**63.3(5Ўзб) 48 Муҳаммад Бобур – буюк давлат арбоби, атоқли саркарда ва улуғ шоир**

Бобур асос солган Бобурийлар салтанати ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни.

• Бобурнинг адабий мероси 83.3(5 Ўзб)2 Ўзбек адабиёти бўлимидан қаралсин.

**63.3(5Ўзб) 481 Муҳаммад Шайбонийхон–давлат арбоби, маърифатпарвар, ҳукмдор ва шоир**

Шайбонийлар сулоласи ҳукмдорлиги даврида Марказий Осиёда марказлашган кучли давлатнинг вужудга келиши. Фан ва маданиятнинг ривожланиши. “Алпомиш” – туркий халқлар оғзаки ижодининг дурдонаси."Шайбонийлар сулоласи ҳукмдорлиги даврида Марказий Осиёда марказлашган кучли давлат-

нинг вужудга келиши. Фан ва маданиятнинг ривожланиши.  
“Алпомиш” – туркий халқлар оғзаки ижодининг дурдонаси.”

- “Алпомиш”ни фольклор мероси сифатида ўрганиш учун адабиётлар 82.(5Ўзб). Ўзбек фольклори бўлимидан қаралсин.

**63.3(5Ўзб) 482 Ўзбек халқи этник таркибининг Марказий Осиёда янада кенгайиши. (XI-XIX асрлар) .**

**63.3(5Ўзб) 483 Бухоро мавқеининг ошиб бориши. Бухоро хонлигининг ташкил топиши**

Маданий ҳаёт, адабий ҳаёт. Бедил, Бухорийнинг асарлари.

**63.3(5Ўзб) 484 Хива хонлигининг ташкил топиши**

Бухоро ва Хива хонликлари ўртасидаги тўқнашувлар. Хиванинг Россия билан алоқалари.

**63.3(5Ўзб) 485 Қўқон хонлигининг ташкил топиши**

Қўқон хонлигининг Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, қашқар ва Россия билан муносабатлари.

**63.3(5Ўзб) 487 Қорақалпоқлар тўғрисида маълумотлар**

XV-XVII асрларда қорақалпоқларнинг Сирдарё ва Жайхун дарёсининг этакларида жойлашуви. қорақалпоқларнинг Россия ҳамда Қўқон, Бухоро ва хиваликлар билан ўзаро муносабатлари.

**63.3(5Ўзб) 488 Марказий Осиё хонликларида маданий ҳаёт**

Таълимнинг йўналиши: қуйи мактаб, далаилхона, қорихона, отинойи мактаблари, ўрта мадраса ва олий мадраса. Фан ва маданият. Бобораҳим Машраб, Гулханий, Увайсий, Нодира, Маҳзуна, Амирий ва бошқа фан, маданият ва адабиёт намоёндаларининг ижодий фаолияти. Меъморчилик ва санъат.

- Шунингдек, қаралсин 74.24 Умумтаълим мактабининг тегишли бўлимларида.

- Адабиёт намоёндаларининг ижоди- қаралсин 83.3(5Ўзб).

**63.3(5Ўзб) 5 Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi. (1864-1917)**

Марказий Осиё масаласида Англия билан Россия ўртасида рақобат. Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши. Кауфманнинг Бухорога юриши. Бухоро амирлигининг Россия вассалига айлантирилиши. 1873 йилда Хива хонлигининг Россия вассалига айлантирилиши.

Қўқон хонлигининг босиб олинishi. Фарғона вилоятининг тузилиши

### **63.3(5Ўзб) 511 Россиянинг туркманларга қарши юришлари**

Эрон ва Афғонистон ҳукуматлари билан чегараларнинг белгилаб олиниши.

### **63.3(5Ўзб) 52 Чоризмнинг ўлкамиздаги мустамлакачилик сиёсати**

1886 йилги Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом. Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши. Рус аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати. Пахтачиликнинг ҳукмрон тармоққа айланиши.

### **63.3(5Ўзб) 521 Чоризмнинг маориф ва маданият соҳасидаги сиёсати**

Мадрасалар. Адабиёт, фан, санъат, ижтимоий-фалсафий фанлар.

Буюк мутафаккирлар-А.Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Бердах, Аваз Ўтарларнинг демократик ҳаракатда тутган ўрни.

### **63.3(5Ўзб) 522 Жадидчиликнинг юзага келиши. Унинг моҳияти.**

Беҳбудий, М.Абдурашидхонов, А.Авлоний, Фитрат, Чўлпон. Янги усул мактабларининг очилиши. Рус-тузем мактаблари. Миллий театрнинг пайдо бўлиши. Социал-демократик ғояларнинг тарқалиши. Шовинизм ва руслаштиришнинг кучайиши. Тошкентда 1912 йилги сапёрлар қўзғолони.

- Адабиёт ва санъатдаги фаолияти 83.3(5Ўзб).614 ва 85.334(5Ўзб) дан қаралсин.
- Адибларнинг адабий мероси 83.3(5Ўзб)дан қаралсин.
- Жадидчиларнинг диний қарашлари 86.386(5Ўзб)дан қаралсин.
- Жадидчиларнинг фалсафий ғоялари 87.377(5Ўзб)дан қаралсин.

### **63.3(5Ўзб)53 Россияда 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилобининг ўлкамизга таъсири**

Мусулмон меҳнаткашлар шўроси. Жадидларнинг мустамлакачиликка қарши кураши. Социал-демократик ва марксистик ҳаракатларининг Туркистон халқларига таъсири.

### **63.3(5Ўзб)531 Жадид хайрия жамиятларининг ташкил топиши “Кўмак”, “Дорилужизи”, “Турон” хайрия жамиятларининг маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, демократик ҳаракат**

эканлиги. Унинг миллий тафаккурни шакллантириш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тутган ўрни.

**63.3(5Ўзб)6 Энг янги тарих. Октябрь тўнтарилиши ва Туркистонда Шўролар ҳокимиятининг ўрнатилиши (1917-1920 йиллар)**

Октябрь тўнтарилиши ва Тошкент ҳамда ўлканинг бошқа шаҳарларида шўролар ҳокимиятининг ўрнатилиши. Октябрь тўнтарилишининг тарихий аҳамияти 63.3(0)дан қаралсин. Россия муваққат ҳукумати – Туркистон қўмитасининг ташкил топиши. Демократик, озодлик ва эрк учун кураш байроғи остида олиб борилган миллий, маҳаллий зиёлилар ҳаракатига жаҳидларнинг раҳбарлиги. “Шўрои Исломия”, “Шўрои уламо”, “Мусулмон ишчи депутатлари Советлари”, “Ислом меҳнаткашлари иттифоқи” ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти.

**63.3(5Ўзб) 61 Бутун Россия мусулмонлари қурултойи**

Туркистон АССРнинг эълон қилиниши. Тошкент халқ дорилфунунининг ташкил қилиниши ва унинг кадрлар тайёрлашдаги ўрни.

**63.3(5Ўзб) 611 Ҳарбий коммунизм сиёсати, уни амалга оширишда йўл қўйилган хатолар, Тошкентда, Фарғонада исёнчилик ҳаракатлари**

**63.3(5Ўзб) 612 Хива хонлигининг афдарилиши**

Хоразм халқ Шўролар жумҳуриятининг тузилиши. Бухоро амирлигида ижтимоий-сиёсий аҳвол.

**63.3(5Ўзб) 613 Ёш бухороликлар ташкилоти**

Фрунзе қўмондонлигидаги Қизил Армиянинг Бухорога хужуми ва амир Саид Олимхон ҳокимиятининг афдариб ташланиши. Амирлик бойлигининг Москвага жўнатилиши. Озодлик ҳаракатининг бошланиши.

**63.3(5Ўзб) 614 1920-30-йилларда Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва маданий аҳволи: ютуқлар ва нуқсонлар**

Ўлкамизда янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш масалалари. 20-30-йиллардаги ер-сув ислоҳоти. Қўшчи уюшмаси.

**63.3(5Ўзб) 615 Ўзбекистон ССРнинг СССР таркибига кириши. Марказий Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши**



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил топиши. Миллий давлат чегараланишининг нуқсонлари. А.Икромов, Й.Охунбобоев, Ф.Хўжаев, А.Рахимбобоев.

- Шунингдек, қаралсин: сиёсий партиялар фаолияти-66.52(5Ўзб).

### **63.3(5Ўзб) 616-2 Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати**

Янги саноат тармоқлари ва саноат шаҳарларининг вужудга келиши. Саноат тараққиётидаги ютуқлар ва нуқсонлар. Аграр сиёсат. 1925-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислохоти, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати, унинг оқибатлари. Фарғона каналининг қурилиши.

### **63.3(5Ўзб) 616-4. Маъмурий буйруқбозлик тизимининг қарор топиши**

Якка ҳокимиятчиликнинг кучайиши. Сталинча давлат сиёсатининг амалга оширилиши. Сиёсий қатағонлик, унинг оғир оқибатлари. Ўзбек зиёлиларининг қувғин қилиниши. Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, Усмон Носир ва сиёсий арбоблардан А.Икромов, Ф.Хўжаев ва бошқаларнинг тақдири.

### **63.3(5Ўзб) 616-7 Маданий ҳаёт. Халқ маорифи**

Илм-фаннинг ўсиши. Тошкентда Туркистон давлат университети ва бошқа олий ўқув юртларининг очилиши. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ташкил этилиши.

Миллий зиёлиларининг шаклланиши. “хужум” ҳаракати. Аёлларнинг паранжи ташлаши. Эски ва янги алифбо масалалари. Саводсизликни тугатиш.

### **63.3(5Ўзб) 616-8 Адабиёт ва санъатнинг ривожланиши**

Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, Ҳамза.

### **63.3(5Ўзб) 62 Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939-1945 йиллар)**

Иккинчи жаҳон урушининг келиб чиқиш сабаблари. Германиянинг СССРга бостириб кириши. Умумий ҳарбий сафарбарлик. Миллий Ҳарбий қўшилмаларнинг тузилиши.

### **63.3(5Ўзб) 622-2 Уруш йилларида Ўзбекистон саноатининг урушга қарши сафарбар этилиши**

Фронт орқасини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг фидо-корона меҳнати. Ўзбекистоннинг Совет Армияси учун қурол аслахонасига айланиши. Мудофаа фондининг тузилиши.

**63.3(5Ўзб) 622-4 Уруш даврида крим татарлари, Месхети турклари ва бошқа ўз Ватанидан бадарға қилинган халқларни Ўзбекистонга жойлаштириш сиёсати**

Ўзбекистонда крим- татар, чечен, месхети турк, қорачойларга Ўзбек халқининг кўрсатган меҳрибонлиги.

**63.3(5Ўзб) 622-7 Уруш йилларида марказий шаҳарлардан олимлар, ёзувчилар ва санъат ходимларининг кўчириб келтирилиши**

СССР олимларининг Ўзбекистон олимлари билан ҳамкорлиги. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ташкил топиши. Т.Н.Қори-Ниёзий – ЎзФА биринчи президенти. Янги илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларнинг очилиши.

**63.3(5Ўзб)622.79 Ўзбекистон жангчиларининг кўрсатган жасорати**

Генерал И.Петров, С.Рахимов, Ф.Норхўжаев, К.Турдиев, С.Абдуллаев, Б.Бобоев, М.Топилдиев. Моҳир мерган Зебо Ғаниева ва бошқалар.

**63.3(5Ўзб) 623 Урушнинг тамом бўлиши**

Ўзбекистонликларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси. Урушнинг яқунлари ва сабоқлари.

**63.3(5Ўзб)625 Иккинчи жаҳон уруши давридан то СССРнинг тарқалгунча бўлган йиллари(1945-1991 йй.)**

**63.3(5Ўзб)63 Ўзбекистон Республикасининг СССР хўжалигини тиклаш жараёнига қўшган ҳиссаси**

Янги тарих ва энг янги тарих даврида сиёсий қарашларнинг йўналишлари: консерватизм, либерализм, социализм, анархизм, социал-демократизм, шу йўналишларнинг ҳар хил шакллари: неоконсерватизм, неолиберализм, утопик социализм, марксистик социализм, миллий социализм, большевизм, троцкизм.

Миллатчиликнинг ҳар хил назариялари ҳақидаги адабиётлар панамериканизм, панисломизм ва бошқалар.

**66.11 Сиёсий қарашларнинг ривожланиш босқичлари.**

**66.11 (5 Ўзб) Ўрта Осиё уйғониш даврида сиёсий қарашлар.**

Уйғониш даврининг сиёсий қарашлари ва сиёсий таълимотларда ижтимоий даврининг сиёсий қарашлари ва сиёсий давлатни бошқариш маҳорати тўғрисидаги фикрларнинг ривожланиши. Абу Носир Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар.

- Шунингдек 63.3(5Ўзб)452, 63.3(5Ўзб)453 индекслари остидан қаралсин.

**66.11.3(5 Ўзб) Амир Темурнинг фаолияти ва сиёсий қарашлари ва.**

Шунингдек, Темур ва темурийлар ҳокимияти 63.3(5Ўзб)47 дан қаралсин.

**66.11. 4(4) Европа уйғониш даври мутафаккирларининг сиёсий қарашлари.**

Ҳаёлий социалистлар, капитализмнинг шаклланиш даврида Ж.Ж.Руссо, Ф.М.Вольтер ва АҚШнинг “асосчи-отахонлари”-нинг сиёсий ғоялари. Гегельчилар мактабининг сиёсий фалсафаси.

Шунингдек 87.382 индекси остида қаралсин.

**66.11.6(5 Ўзб) Ўрта Осиё мутафаккирлари Аҳмад Дониш, Махтумқули, Аваз Ўтар ўғли ва бошқаларнинг сиёсий фикрлари.**

**66.11.7 (5 Ўзб) Жадидчиликнинг сиёсий моҳияти ва тарихий аҳамияти.**

**66.2 Сиёсат ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни**

Жамият сиёсий ҳаётининг кўп қирралилиги. Сиёсатнинг моҳияти. Унинг тор ва кенг маъноси, тузилиши. Адолатли ва адолатсиз сиёсатни бир вақтда кўриб чиқадиган адабиёт 66.2 бўлимларида йиғилади.

Ички ва ташқи сиёсат. Ички сиёсатнинг мақсади ва вазифалари. Тинчлик сиёсати.

- Халқаро муносабатлар. Ташқи сиёсат 66.21 5Ўзб) дан қаралсин.
- Миллий муносабатлар. Миллий сиёсат 66.34 (5Ўзб) дан қаралсин.
- Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар 66.54 дан қаралсин.

**66.21(5 Ўзб) Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик шароитида ички ва ташқи сиёсати.**

Миллий мафқуранинг моҳияти ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатининг асосий хусусиятлари.

**66.3 Жамиятнинг сиёсий тизими**

Ҳокимият ва бошқарувни амалга ошириш .

Ижтимоий ихтилофлар ва зиддиятларнинг ҳал қилиниши. Ташкилотлар ва ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилиши.



Сиёсий тизим, сиёсатни, ҳокимиятни ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар, ҳаракатлар, ташкилотлар тизими.

### **66.33 Сиёсий тизимнинг асосий вазифалари.**

Жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш. Сиёсий ҳаётнинг зарур даражасига расмий сиёсий ва ҳуқуқий меъёрлар билан эришиш. Сиёсий тизимнинг таркибий қисмлари, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий томонлари. Сиёсий тизимнинг асосий вазифалари.

### **66.34 (5 Ўзб) Ўзбекистон мустақиллиги шароитида сиёсий аҳвол.**

Аҳоли ижтимоий ва миллий таркиби, демографик ва экологик хусусиятларнинг, аҳоли саводхонлик даражаси ва маънавий ҳаётининг, халқаро аҳвол акс этган адабиётлар 66.34(5Ўзб) индекси остида йиғилади.

- Шунингдек, қаралсин 63.3(5Ўзб)641.
- Маънавият ва мафкура 71.35 дан қаралсин
- Демография 60.7 дан қаралсин.
- Экология 28.081 дан қаралсин.
- Социал экология 60.55 дан қаралсин.

### **66.4 Сиёсий ҳокимият ва давлат**

Сиёсий ҳокимият- муайян халқнинг, синфнинг, гуруҳнинг сиёсатда ўз иродасини амалга ошириши. Давлат ҳокимияти ва бошқа сиёсий ташкилотлардан иборатлиги. Кишилар устидан сиёсий ҳукмронлик. Давлат ташкилоти тизими, маъмурий ваколатга эга бўлган муассаса ва идоралар фаолияти.

### **66.41 Сиёсий ҳокимият–ҳокимиятнинг энг муҳим ва мураккаб муассасаси.**

### **66.42 Ҳокимиятнинг ишлаб чиқариш ва тақсимотдаги роли.**

Мулкчилик ва тақсимот муносабатларининг сиёсий ҳокимиятга таъсири. Иқтисодий ҳаётнинг сиёсий омиллари. Туб ислохотлар шароитида сиёсат ва иқтисоднинг ўзаро муносабати. Айрим иқтисодий масалалар 65 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

### **66.43 Жамият сиёсий тузилмасида давлатнинг ўрни.**

Давлатнинг моҳияти, белгилари ва шакллари. Давлатнинг келиб чиқиши ва жамият ҳаётидаги ўрни, вазифалари.

#### **66.44 Давлат ва фуқаролар жамияти**

Ҳуқуқий давлат ва уни шакллантириш йўллари. Унитар давлат. Федерация ва конфедерация. Федератив давлат тизимини ташкил қилишнинг халқаро тажрибаси.

#### **66.44(5 Ўзб) Ўзбекистон давлатининг ташкилий тузилиши**

Давлат аппарати ва уни ташкил қилиш тамойиллари. қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд органларининг моҳияти ва асосий вазифалари.

#### **66.441.(5 Ўзб) Ўзбекистон Республикаси давлатчилигининг демократик асосда ривожланиши**

Республика Конституциясида ва Президент асарларида давлатни демократик асосда ривожлантириш муаммолари. Давлат ташкилотлари фаолиятида бюрократизмни бартараф қилиш зарурияти.

#### **66.5 Сиёсий партиялар.Ижтимоий ташкилотлар ва ҳаракатлар.**

Сиёсий партия тушунчаси. Турли мамлакатларда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли, ҳуқуқий ҳолатлари.

#### **66.51 Партия ташкилоти ва унинг тузилиши.**

Партия тузилмаларининг турлари: буржуа, демократик, коммунистик, социалистик, фашистик, авторитар партиялар. Бир партияли ва кўп партияли сиёсий тузилмалар.

- Шунингдек қаралсин 63.3(2)6 СССР тарихи (1917-)

#### **66.52(5 Ўзб) Ўзбекистон Республикасида сиёсий ҳаракатлар, сиёсий партиялар.**

Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партияларнинг ҳаракат дастурлари ва уларнинг сиёсий тизимда тутган ўрни. Ўзбекистон Конституциясида сиёсий партия фаолиятининг ҳуқуқий ҳолатлари.

- Шунингдек қаралсин: 63.3(5Ўзб)615 Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши.
- Республика Конституцияси ва ҳуқуқи 67.400.1 (5Ўзб) дан қаралсин.

#### **66.54 Ижтимоий ташкилотлар ва ҳаракатлар. Уларнинг сиёсатлашуви.**

Ижтимоий ташкилотларнинг турлари ва вазифалари. Формал ва ноформал ташкилотлар. Аҳолини турли қатламлари

манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшмалар. Ижтимоий ташкилотларнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва роли.

#### **66.54(5 Ўзб) Ўзбекистоннинг ижтимоий ташкилотлари ва ҳаракатлари.**

Формал ва ноформал ташкилотлар ва ҳаракатлар. “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази. “Соғлом авлод учун”, “Маҳалла”, “Экосан”, “Камолат”, “Нуроний”, “Олтин мерос”, “Умид” ва бошқа жамғармаларнинг фаолиятлари.

#### **66.541 Турли мамлакатларда касаба уюшмалари. Уларнинг ривожланиши, хусусиятлари ва ҳозирги шароитдаги фаолияти.**

#### **66.542 Касаба уюшмалари тарихи.**

Касаба уюшмалари фаолиятининг барча ёки бир жиҳатини ёритувчи турлича хронологик қамровли адабиёт, съезд, конференция, пленумларнинг материаллари ва улар ҳақидаги адабиёт 66.542 индекси сотида йиғилади.

#### **66.544 Касаба уюшмаларнинг ишлаб-чиқариш ва оммавий ишлари.**

Иш ҳақи соҳасида касаба уюшмаларнинг олиб бораётган иши.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлашда касаба уюшмаларининг хизмати. Кадрлар малакасини оширишда, меҳнатни меъёрлаш ишида касаба уюшмаларнинг иштироқи.

#### **66.546(5 Ўзб) Ўзбекистон Республикасида расмий ва норасмий ижтимоий ташкилотлар ва ҳаракатлар. Хотин-қизлар ташкилотлари.**

Уларнинг социал таянчи, сиёсий -ҳуқуқий ҳолати, ғоявий йўналиши.

Ижодий уюшмалар, спорт ташкилотлари ва бошқалар. Ривожланиш ҳолати, мақсади.

#### **66.6 Сиёсий маданият**

Сиёсий маданият таърифи. Сиёсий маданият ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва сиёсий тизимнинг таркибий қисмидир. Сиёсий маданиятнинг миллий ва синфий боғлиқлиги ҳақидаги адабиёт 66.6 индекси остида йиғилади.

#### **66.61 Сиёсий онг, сиёсий фикрлаш ва сиёсий хулқ-атвор. Мафкура.**

Сиёсий маданият ва ижтимоий онг. Консерватив ва демократик сиёсий фикрлаш. Сиёсий маданиятнинг турлари. Демократик, авторитар, тотолитар сиёсий маданият.

- Маънавий хулқ-атвор 87.7 дан қаралсин.
- Мафкура-сиёсий маданият ўзаги сифатида 71.35 дан қаралсин.

**66.62 Талаба-ёшларнинг сиёсий маданияти ва унинг хусусиятлари.**

**66.63(5 Ўзб) Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида аҳоли сиёсий маданиятининг хусусиятлари ва ривожланиш муаммолари. i**

**66.7 Социал сиёсат.Иқтисодий сиёсат.**

Жамиятнинг ижтимоий синфий тузилиши. Сиёсатнинг субъектлари: халқ, синф, ижтимоий қатлам ва ижтимоий гуруҳ. Жамият ва гуруҳ.

**66.71 Ижтимоий-синфий ўзгаришлар ва уларнинг синфий моҳияти**

Ижтимоий-синфий сиёсатнинг ривожланиши.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, демократик ривожланиш йўллари ни излаш. Сиёсий тўкнашишларни бартараф қилиш ва инкироздан чиқиш йўллари ҳақидаги адабиётлар.

**66.72 Ижтимоий сиёсатнинг тамойиллари.**

Ижтимоий сиёсатнинг йўналишлари ва вазифалари. Халқ номидан, халқ учун ва халқ орқали бошқариш, унинг моҳияти, ижтимоий ва сиёсий аҳамияти. Ижтимоий синфлар, аҳоли қатламлари ва гуруҳларининг аҳволи ҳақидаги адабиёт.

- Гуруҳлар социологияси 60.54 дан қаралсин

**66.72(5 Ўзб) Ижтимоий- сиёсий муаммолар**

Жамият ривожининг барча қатламларининг инкирозли жараёнлари ҳақидаги адабиётлар: яшаш муаммолари; аҳолининг яшаш даражаси; ижтимоий кафилликни йўқотиш; муҳтожлик, ишсизлик, маданий савиянинг пастлиги; аҳолининг маънавий қашшоқлиги: коррупция, террорчилик, жиноятчилик, мафияларнинг таъсири, наркомания, турли экстеримистик ҳаракатлар.

**66.72(5 Ўзб) 3 Ўзбекистон Республикасида ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари ва хусусиятлари.**

**66.741 Шахс сиёсат субъекти сифатида**

Шахс ҳаётининг сиёсий мазмуни. Шахснинг давлатга, ҳокимиятга муносабати. Шахснинг фаолиятида миллатга, синфга мансублигининг акс этиши. Сиёсий талаб ва манфаатларни англаш. Сиёсий фаолият ва ҳаракат имкониятлари.

- Шахс социологияси 60.55 дан қаралсин.

#### **66.742(5 Ўзб) Буюк сиёсий арбоблар**

Давлат, жамоат-сиёсий ва партия арбоблари ҳақидаги адабиёт. Фамилиялар алифбо бўйича жойлаштирилади.

#### **66.743 (5 Ўзб) Ходимлар сиёсати**

Ходимлар сиёсатининг асосий хусусиятлари. Давлатнинг ходимлар сиёсатида демократик принциплари. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш жараёнида ходимлар сиёсатининг асосий хусусиятлари ва йўналишлари.

#### **66.8 Миллий сиёсат. Миллий муносабатлар.**

Миллий муносабатларни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш муаммолари. Давлатнинг кўп миллатлилиги, мустақиллиги ва ҳамкорлиги.

#### **66.83(5 Ўзб) Ўзбекистонда миллий сиёсатнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари**

Турли миллат вакилларининг тенглиги ва ҳамкорлиги. Бозор иқтисоди шароитида миллий масала ва миллий сиёсатнинг асосий хусусиятлари. Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг тутган ўрни, унинг давлат, иқтисодий, ижтимоий, муҳофаза, ахборот, экологик хавфсизлиги.

#### **66. 9 Давлат. Ички ва ташқи сиёсат**

Ташқи сиёсатнинг мақсади, вазифалари. Халқаро кескинликни юмшатиш учун олиб бориладиган ишлар. Ядро энергиясидан, космик фазодан, денгиз ва океанлардан тинчлик мақсадида фойдаланиш муаммолари.

#### **66. 92 Давлатлараро сиёсий муносабатлар**

Давлатлараро адолатли ва тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатиш. Ҳарбий-сиёсий мажоролар. Урушлар ва уларни сиёсий йўл билан бартараф этиш. Тинчликни ҳимоя қилиш ташкилотлари.

#### **66. 94(4/8) Айрим чет мамлакатларнинг сиёсати ва сиёсий ахволи.**

Худудий намунавий бўлиниш жадваллари асосида бўлимчаларга бўлинади.

**66.94 Ички сиёсат. Ички муносабат.**

**66.94 (0) Умуман ички сиёсат ва ички аҳвол**

Жаҳоннинг турли сиёсий тузумдаги мамлакатлари ички сиёсати ҳақидаги адабиёт.

**66.94(0)'6 Ривожланган мамлакатларнинг ички сиёсати ва ички аҳволи.**

**66.94(0)'7 Ривожланаётган мамлакатларнинг ички сиёсати ва ички аҳволи.**

**66.94(0)'8 Социалистик мамлакатларнинг ички сиёсати ва ички аҳволи.**

**66.94(5Ўзб) Ўзбекистон Республикасининг ички сиёсатининг асосий хусусиятлари. Ўзбекистонда сиёсат ва сиёсий аҳвол.**

Республикада сиёсий тузумни такомиллаштириш, демократлаштириш. Республикада сиёсий ҳаётни, иқтисодий-сиёсий муносабатни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари.

**66.94(5Ўзб)2 Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлари**

Ташқи сиёсатнинг ривожланиш ғоялари, миллий-давлат манфаатларининг ҳимоя қилиш асослари: Ҳуқуқий барқарорлик, давлат мустақиллиги, миллий хавфсизлик ва бошқалар. Ўзбекистоннинг халқаро хавфсизлик битимлардаги ўрни.

**67 Ҳуқуқ. Юридик фанлар**

**А с о с и й б ў л и н и ш л а р :**

**67. 0 Ҳуқуқнинг умумий назарияси**

**67. 3 Ҳуқуқ тарихи**

**67. 4 Ҳуқуқ соҳалари**

**67. 5 Юриспруденцияга тааллуқли бўлган билимлар соҳаси**

**67. 7 Юстиция ташкилотлари**

**67 Ҳуқуқ. Юридик фанлар**

Ҳуқуқ ҳақидаги умумий мазмунга эга бўлган тўлиқ адабиётлар Ҳуқуқшунослик ва айрим мамлакатларнинг худуди, Худудий-намунавий бўлинишлар жадвали бўйича бўлинади.

## **67. 0** **Ҳуқуқнинг умумий назарияси**

Ҳуқуқ предмети назарияси ва услуги, ҳуқуқнинг моҳияти, келиб чиқиши, белгилари, бажарадиган вазифаси, ҳуқуқнинг асосий категориялари (тушунчалари): ҳуқуқнинг манбалари, меъёрлари, тизимлари ва бошқа. Ҳуқуқ тизимининг типологияси, ҳуқуқий билимлар тарихи.

67.0 индекси остида Давлат ва ҳуқуқ назариясига бағишланган адабиётлар тўпланади.

Юридик фанларнинг назарий соҳавий (махсус) масалаларига бағишланган адабиётлар ҳуқуқнинг тегишли соҳавий бўлимларида тўпланади.

- Давлат назариясига қаралсин. 66.0.
- Сиёсий билимлар тарихига қаралсин. 66.1
- Ҳуқуқ социологиясига қаралсин. 60.56.

## **67. 3** **Ҳуқуқ тарихи**

Ҳуқуқнинг умумлашган тарихи. Айрим мамлакатларнинг тўлиқ ва даврлар бўйича ҳуқуқи.

## **67. 4** **Ҳуқуқ тармоқлари**

### **А с о с и й б ў л и м л а р :**

- 67. 400** Конституцион (давлат) ҳуқуқ
- 67. 401** Маъмурий ҳуқуқ
- 67. 402** Молиявий ҳуқуқ
- 67. 404** Фуқаролар ва савдо ҳуқуқи. Оилавий ҳуқуқ.
- 67. 405** Меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи.
- 67. 406** Кооператив ҳуқуқ
- 67. 407** Ер (аграр) ҳуқуқи. Тоғ ҳуқуқи. Сув ҳуқуқи. Ўрмон ҳуқуқи.
- 67. 408** Жинсий ҳуқуқ .
- 67. 409** Ахлоқ-тузатиш ҳуқуқи. (пелитенциария)
- 67. 4010** Фуқаро-процессуал ҳуқуқи. (Фуқаро процесси)
- 67. 4011** Жиний процессуал ҳуқуқ. (Жиний процесс)
- 67. 4012** Халқаро ҳуқуқ
- 67. 400** Конституцион (давлат) ҳуқуқи

Конституцион Ҳуқуқнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қурилишининг тамойиллари. Давлат бошқарувининг шакллари: Республика, монархия. Давлат қурилишининг шакллари:

Унитар давлат, федерация, конфедерация, Ҳуқуқий автономия. Давлат рамзлари: байроқ, герб, гимн, тил, пойтахт ва бошқалар.

Мустақиллик тушунчаси: давлат мустақиллиги. Мустақиллик ва миллатларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаши. Миллатларни ҳимоя қилиш.

#### **67. 400. 1 Конституция**

Конституция асосий қонун сифатида. Конституцияни тайёрлаш, тўлдириш, қайтадан кўриб чиқиш. Конституцияни назорат қилиш. Конституцияни назорат қилиш ташкилотлари. Конституцион судлар ва бошқалар. Конституциявий аҳамиятга молик бўлган бошқа мазмундаги адабиётлар: Конституциявий қонун шартномаси. Конституцион қонун (федерал конституцион қонун ва бошқалар). Айрим мусулмон мамлакатлари манбаларида чоп этилган қуръон, сунний, миллий хартин адабиётлари ҳам 67.400.1 индекси остида йиғилади.

#### **67. 400. 5 Сайлов ҳуқуқи**

Сайлов тизими. Референдум. Умумий, тенг сайлов ҳуқуқи. Сайловлар: сайлов тўғрисидаги қонун, яширин овоз бериш, сайлов шarti, сайловчиларни ҳисобга олиш ва рўйхатга киритиш, сайлов ташкилотлари, округлар ва участкалар (депутатликка номзодларни тарғиб қиладиган масъул ходим, сайлов комиссияси), сайловчилар овози (сайлов бюллетени) сайлов тизими. Референдум ва унинг шакллари. Консультатив, ҳал қилувчи, конституцион ва бошқалар.

- Суд томонидан сайлов ҳуқуқидан махрум қилиш 67.408 дан қаралсин.

#### **67. 400. 6 Давлат ташкилотларининг тизими**

Давлат ҳокимияти (ҳокимиятнинг турли масалалари билан шуғулланувчи ҳуқуқий тармоқлари: қонун чиқарувчи, бажарувчи, суд). Ҳокимиятнинг бўлиниш томоийллари, томонларнинг қарама-қаршилик тизими. Давлат бошлиғи: Монарх, Президент (Давлат бошлиғининг ваколатлари ва жавобгарлиги) қонун чиқарувчи ҳокимият. Парламент (Миллий мажлис, Сейм, Давлат Думаси ва бошқалар). Қонун чиқарувчи ташкилотларнинг федерация субъекти. Автоном тузилиш. Парламент аъзо-сининг ҳуқуқий мавқеи (депутат), унинг ҳуқуқий мажбуриятлари, депутат дахлсизлиги, депутатга сўровлар, депутат мандатининг ман этилиши ва сайловчилар томонидан чақириб



олиниши. Парламент тузилиши ва палатанинг ички бўлимлари (Бюро, доимий комиссиялар, партия фракциялари, раис (спикер) ва бошқалар). Парламентнинг қонун чиқарувчи ишларини ташкил этиш (навбатдаги ва ғавқулотда сессиялар, қўшма мажлислар (қонунчилик ташаббуси, қонун лойиҳасини таҳлил қилиш (ўқиш), қонун қабул қилиш, ижроия ҳокимиятини парламентда назорат қилиш). Парламент назорати, эшитиши депутатларнинг парламентдан талаблари: маъқуллаш, ишонч ва ишончсизлик ва бошқалар.

- ҳокимиятнинг ижро этувчи ташкилотлари 667.401 бўлимининг тегишли бўлинмаларидан қаралсин.

- Суд ташкилотлари 67.7 индексининг тегишли бўлинмаларидан қаралсин.

Шахснинг ҳуқуқий мақоми фуқаролик (бирламчи, икки ламчи фуқаролик, фуқаросизлик), фуқароликни қабул қилиш ва йўқотиш. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, хусусий эркинлиги. Ғавқулодда ҳолат шароитида фуқароларнинг ҳуқуқи. Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси: шахсни суд ва маъмурият томонидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи. Фуқароларнинг асосий мажбуриятлари.

## **67. 401 Маъмурий ҳуқуқ**

Давлат ташкилотларининг бошқариш тизими: ҳукумат; федерал вазирликлар ва бошқарув ташкилотлари (давлат қўмиталари, федерал хизматлар, департаментлар, бош бошқармалар, ваколатхоналар ва бошқалар). Хўжалик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий асослар. Ижро этувчи ташкилотларнинг субъект федерацияси. Маҳаллий бошқарма ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш. Губернатор, префект, ҳоким ва бошқалар. Давлат ва муниципал хизматчилар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Ижро этувчи ҳокимликларни қонун тартиблари билан таъминлаш. Давлат назорати, умумий назорат, маъмурий назорат ва бошқалар. Хўжалик ташкилотларини ижтимоий-маданий соҳада ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

- Президент Маҳкамаси қошидаги ишчи гуруҳлар: ваколатхоналар, ёрдамчи институтлар, хавфсизлик кенгашлари ва бошқалар 67.401 индекси остида тўпланеди. Давлат мукофотлари, орден ва медаллар, уларнинг статуслари, мукофотлаш тўғ-

рисадаги буйруқлар ва мажлис характеридаги адабиётлар ҳам шу бўлимда ёритилади.

Ижро этувчи бошқармаларнинг аниқ, амалий фаолияти, хўжалик фаолияти, ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги адабиётлар классификациянинг тегишли бўлимларидан қаралсин.

Орден ва медаллар билан мукофатланган шахслар ва уларнинг фаолиятлари тўғрисидаги адабиётлар классификациянинг тегишли бўлимларида тўпланadi.

- Орден ва медалларнинг тарихини очиб берувчи адабиётлар 63.2 бўлимидан қаралсин.
- Меҳнатда юқори натижаларга эришганлар, меҳнат аълочилари мукофотлари 67.405 индексидан қаралсин.
- Ҳарбий орден ва медаллар 68.49 (5Ўзб) бўлимидан қаралсин.

#### **67. 401. 21      Маъмурий сиёсий давлат бошқаруви**

Қуролли кучларни бошқариш ташқи ишлар соҳасида, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш (божхона хизмати ва бошқалар). 67.401.21 индекси остида тўлиқ ҳарбий ҳудуд ҳақидаги адабиётлар йиғилади.

#### **67. 401. 212      Давлат хавфсизлиги доирасида бошқариш**

Бошқариш ташкилотлари. Давлат хавфсизлиги қўмитаси, Федерал хавфсизлик ваколатхонаси; чегара қўшинлари ташкилотини бошқариш; ташқи разведка ва контрразведка ташкилоти ходимлари; разведкачилар, чегарачилар ва бошқалар

67.401.212 индекси остида чегара қўшинлари тўғрисидаги умумий характерга эга бўлган адабиётлар йиғилади.

#### **67. 401. 213      Ички ишлар бошқармаси**

Ички ишлар ташкилотлари тизими: Вазирликлар, Бошқармалар; Интерпол миллий Бюроси; Темир йўл, сув ва ҳаво транспорти бошқармаси. Ички хизмат, ички қўшин. Ички ишлар бошқармасининг алоҳида масалалари бўйича шуғулланувчи бўлими. (Ёнғиндан сақлашни ташкил этиш ва бошқалар. Кўнгилли ўт ўчириш.)

Полиция, милиция: Криминал милиция, жамоат хавфсизлиги милицияси (маҳаллий, шунингдек милиция): навбатчилик қилиш, участка нозири, патруль-пост хизмати (шу жумладан ОМОН), Давлат автомобил назорати, хусусий кўриқлаш. Ички ишлар ташкилотларида хизмат. Унвон, амал, махсус кийим, қуролни олиб юриш ва ишлатиш қоидаси. Хизматчиларнинг

ҳудуди, мажбуриятлари ва бошқалар. Паспорт тизими, йўл қўйиладиган тизим. (Митинг ўтказиш қондаси, ўқ отиш қуролини сотиб олиш ва уни сақлаш қондаси. Шахсий изқувари ва муҳофаза фаолияти ҳақидаги адабиётлар халқ посбонлари кўнгилли жамоат тартибини сақлаш посбонлари ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш ҳақидаги адабиётлар 67.401.213 индекси остида йиғилади.

## **67. 402**

### **Молиявий Ҳуқуқ**

Бюджет ҳудуди. Давлат даромадини тартибга солиш ҳудуди. Солиқ тўлаши керак бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг даромади, солиқ тўланмайдиган даромадлар, имтиёзли солиқ.. Солиқ хиллари. Давлат муассаса ва ташкилотларининг тўловлари; Давлат мулкидан олинмайдиган фойдалар; Давлат хизмати орқали келадиган фойдалар; Кооператив корхона ва жамоат ташкилотларининг тўловлари. Хусусий ва қўшма корхоналарнинг тўловлари, аҳоли солиқлари, маҳаллий солиқлар ва уларни йиғиш. Тўлов солиқ йиғиш қондаси ва тўлов қоғозлари солиқ йиғиш хизматчиларининг фаолияти ва солиқ полицияси. Давлат солиғи ва тўловлар, давлат божи, солиқ ҳуқуқи ҳақидаги адабиётлар.

Давлат харажатларини ва бюджет молиясини бошқариш ҳуқуқи. Қарз бериш ҳуқуқини бошқариш, ҳисоб ва пул муомаласи, валюта қонуншунослигининг асослари.

- Банк ҳуқуқи: 67.404.2. дан қаралсин.

## **67. 404**

### **Фуқаро ва савдо ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи**

Фуқаро, савдо, тадбиркорлик ва оила ҳуқуқи ҳақидаги тўлиқ адабиётлар.

Фуқаролик қонуншунослиги асослари, фуқаролик кодекси.

Фуқаролик ҳуқуқ субъекти. Жисмоний шахс (фуқаролик) ва юридик шахс (корхона ва ташкилотлар, хўжалик ширкатлари ва жамоатчилик, ишлаб чиқариш ширкатлари, нотижорат ташкилотлар, тадбиркорлар бирлашмалари, монополия ва бошқалар) ва уларнинг ишга лаёқатлилиги, лаёқатсизлиги (синиш) фуқаролар ҳуқуқи объекти: ҳаракатланувчи ва кўчмас мулк, пул қимматбаҳо қоғозлар, ҳаёт, солиқ, шараф, кадр-қиммат, тадбиркор обрўси, хизмат ва тижорат сири.

Фуқаролар ҳуқуқи ҳимояси: истеъмолчилар ҳуқуқи, бизнесни ҳуқуқий ҳимоялаш, монополияга қарши қонунчилик

ва бошқалар. Хўжаликка (иқтисодий) ҳуқуқ характериға оид бўлган умумий мазмундаги адабиётлар 67.404 индекси остида йиғилади.

#### **67. 404. 1                    Мулк ҳуқуқи**

Мол-мулк ҳуқуқи. Мулкый ҳуқуқ. Мулк ҳуқуқи ҳақида умумий тушунчалар. ҳаракатланувчи ва кўчмас мулк ҳуқуқи. 67.401.1 индекси остида хусусийлаштириш, мусодара қилиш ҳуқуқи ҳақидаги адабиётлар тўпланади

#### **67. 404. 2                    Мажбурий ҳуқуқ.**

Мажбуриятлар ҳақида умумий тушунча. Шартнома мажбурияти, шартнома, шартнома ҳуқуқи.

Шартноманинг турли шакллари: сотиб олиш ва сотиш; алмаштириш; совға; даромад; ижара; бинони ижараға олиш (уй-жой ҳуқуқи); беғараз ёрдам; илмий-текшириш тажриба – конструктив ва технологик ишларни бажариш қоидаси: хизмат кўрсатиш (топшириқ, комиссия, сақлаш ва бошқалар); юбориш шартномаси, транспорт ҳуқуқи; темир йўл, денгиз, ҳаво, қувур орқали ва бошқалар; Зайём шартномаси ва қарз, Банк ҳуқуқи; Суғурта шартномаси, Суғурта ҳуқуқи.

Шартномасиз мажбуриятлар: зарар ўрнини тўлдириш, асосиз бойиш.

- Ижтимоий суғурта ҳуқуқи 67.405 индексига қаралсин.

Маънавий мулк ҳуқуқи, жавобгарлик, қоидабузарлик ва уни ҳимоялаш ҳуқуқи ҳақидаги адабиётлар тўпланади.

Муаллифлик ҳуқуқи. Патент ҳуқуқи ва кашфиётчилик ҳуқуқи. Мақсулотларға бериладиган белги ҳуқуқи, хизмат кўрсатиш белгиси ва мақсулотларнинг келиб чиқиши.

Ахборот ҳуқуқи бўйича адабиётлар 67.404.2 индекси остида тўпланади.

#### **67. 404. 4                    Оила ҳуқуқи**

Никоҳни қайд қилиш ва бекор қилиш. Эр ва хотиннинг мажбурий ҳуқуқлари, никоқ шартномаси, эр-хотиннинг мол-мулк муносабатлари. Ота-она ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Оталикни қайд этиш, болани ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва бошқалар. Оила аъзоларининг нафақа тўлаш мажбуриятлари. Етим-есирлар ва васийлик. Чет эл фуқароларининг оилавий ҳуқуқшунослиги ва фуқароликни олмаган шахслар.

- Суд орқали ота-оналикдан маҳрум этиш ҳуқуқи 67.408 индексидан қаралсин.

#### **67. 404. 5 Мерос ҳуқуқи**

Мерос тушунчаси. Васиятнома бўйича меросхўрлик қонуни. Меросхўрликни қабул қилиш ва ундан воз кечиш. Меросхўрликни тасдиқлаш ҳуқуқи.

#### **67. 405 Меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи.**

Корхоналарнинг ҳуқуқий хизмати. Меҳнат ҳақидаги қонунлар устидан назорат. Меҳнат ҳақида қонуншунослик асослари, меҳнат ҳақида қонунлар мажмуи, қонун ва белгиланган меъёр ҳақида акт, меҳнат муносабатларини тартибга келтирмоқ ва ижтимоий таъминот муносабатлари. Касаба кўмитаси ҳуқуқи. Меҳнат жамоасининг ҳуқуқий аҳволи. Жамоа шартномаси; Меҳнат шартномаси; Меҳнатга бериладиган маошни тартибга солиш (иш ҳақи), меҳнат муҳофазаси ва Давлат касаба кўмитаси меҳнат қонуншунослигини назорат қилиш ва бошқалар. Меҳнат интизоми ҳуқуқи ва меҳнат тортишуви, меҳнат тортишуви тартиби. Шунингдек, алоҳида жойларда хизмат қилувчи ҳар хил тоифадаги ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини тартибга солиш ҳуқуқи

Ижтимоий таъминотни тартибга солиш ҳуқуқи. Меҳнат стажи, нафақа ва давлат суғурта тартиби ҳамда ижтимоий таъминот тартиби. Ногиронларнинг ҳуқуқини тартибга солиб туриш.

Меҳнат таъминоти муаммоси, бандлик муаммоси, ишсизликнинг ҳуқуқий аҳволи ва бошқалар.

- Ижтимоий таъминотни бошқариш 67.401 индексидан қаралсин.

- Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги 67.401 индексидан қаралсин.

- Фуқаро ва меҳнат ишлари бўйича суд амалиёти 67.410 индексидан қаралсин.

- Чет элликларнинг меҳнатга ҳуқуқий муносабатлари 67.412.2 индексидан қаралсин.

#### **67. 406 Кооператив ҳуқуқи**

Кооператив фаолиятнинг мақсади ва тамойиллари. Кооперативни ташкил қилиш. Жамоат кооператорлари ва кооперативга аъзолик. Кооператив ташкилотлар ва уларнинг жамиятлари.

Кооператив турлари: ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш.

Жамоа хўжалиги ҳуқуқи ҳақидаги адабиётлар 67.406 индексидан қаралсин.

**67. 407 Ер (аграр) ҳуқуқи. Тоғ ҳуқуқи. Ўрмон ҳуқуқи. Сув ҳуқуқи.**

Ер мулки ҳуқуқи, табиий фойдали қазилмалар, ўрмон, сув миллийлаштириш, аграр ислоҳотлар, мулкчилик шакллари. (Давлат хусусий, ўз-ўзини бошқариш ва бошқалар) ерга эга бўлиш ҳуқуқи; ердан фойдаланиш ва табиатдан фойдаланишнинг бошқа хиллари. қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий тарғиботи, аҳоли яшайдиган ерлар, махсус белгиланган ерлар. Ер қурилиши ва ер қурилиш жараёни, табиатдан ва ердан фойдаланиш учун баҳслашув қондаси. Табиатни ҳимоя қилиш ҳуқуқи. Экологик ҳуқуқ.

67.407 индекси остида экология ҳуқуқига оид адабиётлар йиғилади.

**67. 408 Жиноий ҳуқуқ**

Жиноий ҳуқуқ асослари. Жиноят кодекси (ЖК). Ҳарбий жиноят. Жиноий билимлар: жиноий тушунчалар, жиноят субъекти, айб тушунчаси ва унинг шакллари, жиноят объекти; жамоат хавфсизлигининг шарт-шароитлари; қасддан жиноят қилишнинг ривожланиш босқичи, жиноий аралашиниш. Жиноий жавобгарлик, жазолаш асослари ва жазолашдан озод қилиш, жазолаш мақсади, жазолаш тизими ва шакллари. Умумий жазолаш тамойиллари: жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи шарт-шароитлар ва бошқалар. Амнистия, авф этиш, судланиш. Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги. Жиноятнинг турли кўринишлари. Шахсга қарши жиноят: шахснинг ҳаётига, соғлиғига, мансабига, озодлигига, обрўсига қарши жиноят, конституция ютуқларига қарши жиноят ва инсон, фуқаро озодлиги. Оилага ва вояга етмаганларга қарши жиноят; иқтисодий соҳада жиноят (мулкка қарши жиноят; қонунсиз тадбиркорлик). Ноқонуний кредит олиш, солиқ тўлашдан бош тортиш, тижорат порахўрлик ва бошқалар.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноят (терроризм, гаровга олинганлар, бандитизм, транспорт воситаларини олиб қочиш, оммавий тартибсизликлар. Безорилик, қароқчилик ва бошқалар. Аҳоли соғлиғига қарши жиноят ва жамият ахлоқи, наркотик моддаларни қонунсиз тайёрлаш ва харид

қилиш ҳамда муомалага киритиш, фоҳишалikka жалб қилиш, парнографик маҳсулотларни тарқатиш ва бошқалар. Экологик жиноят; транспорт ҳаракати хавфсизлиги ва ундан фойдаланиш, ахборот соҳасида жиноят. ЭҲМнинг дастурига зарарли бўлган моддаларни яратиш, тарқатиш, фойдаланиш. Компьютер ахборотини ғайриқонунийлиги ва бошқалар. Давлат ҳокимиятига қарши жиноят. (Давлат хоинлиги, шпionaж, қуролли исён, давлат сирини эълон қилиш ва бошқалар). Адолатга қарши жиноят; тартибни бошқаришга қарши жиноят ҳокимият вакилига зўравонлик ва ҳақоратлаш фуқароларни ҳарбий ва муқобил хизматидан бош тортиш, ўзбошимчалик). Ҳарбий хизматга қарши жиноят. (Буйруқни бажармаслик, хизмат жойи ва бўлимини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ва бошқалар). Инсоният хавфсизлиги ва тинчлигига қарши жиноят. (Босқинчилик урушини режалаштириш, тайёрланиш, бошқариш ва йўл очиш, геноцид (қарши), ёллаш ва бошқалар).

- Криминология 67.51 индексидан қаралсин.

#### **67. 409 Ахлоқ-тузатиш ҳуқуқи**

Ахлоқ тузатиш қонуншунослиги асослари. Ахлоқ тузатиш кодекси (А.Т.К). Жазо ижроси ва ахлоқ тузатишга таъсири, пенитенцлар тизими; қамокшунослик; ҳукм жойини бошқариш; ҳукм жойи; ахлоқ-тузатиш муассасаларининг турлари. Ахлоқ тузатиш колониялари, қамокхоналар, концентрацион лагерлар, озодликдан маҳрум қилиш юзасидан психик даволаш муассасаларидан фойдаланиш ва бошқалар. Ахлоқ тузатиш муассасаларининг ходимлари. Озодликдан маҳрум этилганларнинг кун тартиби, маҳбусларни назорат қилиш шароити, маҳбусларнинг ҳуқуқий шароитлари. Ахлоқ тузатиш муассасаларидан озод қилиш, озод қилинганларга ёрдам (Меҳнат ва маиший хизматга жойлаш, патранат).

- Озодликка чиққан шахсларни маъмурият томонидан кузатилиши 67.401.213 индексидан қаралсин.
- Ички қўшин, ички хизмат 67.401.213 индексидан қаралсин.
- Суд-психик экспертиза 67.5 индексидан қаралсин.

#### **67. 410 Фуқаро-процессуал ҳуқуқи (фуқаролик процесси).**

Фуқаролик суд ишларини кўриш асослари, фуқаро-процессуал кодекси (Ф.П.К.) фуқаролик бўйича суд қилиш ишлари; судланиш; даъво; исботлаш; процессуал акт ва суднинг

таъсири; суднинг қарори; суд томонидан хусусий аниқлик киритиш ва бошқалар. Процессуал акт ва томонларнинг ҳаракатлари: томонларнинг ярашуви, томонларнинг шикоят ва аризалари; фуқаролик ишининг бориши; даъво қилмоқ ва иш қўзғатмоқ, суд муҳокамаси, суд қарорини чиқариш, суд қарорини қайтадан кўриш, қарорнинг қонуний кучга кирмаслиги: норозилик шикояти. Норозилик. Фуқаролик иши айрим соҳаларининг ўзига хослиги: никоҳни бекор қилиш ва бошқалар. Ноториат, нотариал ҳаракат. Ҳакамлар суди. Жамоат суди. Ўртоқлик суди. Бетараф суд. Суд шаъни ва бошқалар.

Фуқаролик бўйича алоҳида ишларни кўриш ҳақидаги адабиётлар 67.410 индекси остидан қаралсин. Чет эл фуқароларининг процессуал кодексга муносабатлари 67.412.2 индексидан қаралсин.

### **67. 411 Жиний-процессуал ҳуқуқ (Жиний процесс)**

Судда жиний ишларни кўриш асослари. Жиний процесс кодекси (ЖПК).

Жиний ишлар бўйича одил суд; кўрилишига тегишли; исбот; меъёрдан юқори; жиний процесснинг босқичи; жиний ишнинг қўзғатилиши ва жиний қидирув, дастлабки тергов, судга ошириш, суд муҳокамаси, ҳукм ўқилиши. Ҳуқуқий кафиллик.

Алоҳида жиний ишларга бағишланган адабиётлар 67.411 индекси остидан қаралсин.

### **67. 412 Халқаро ҳуқуқ**

#### **67. 412. 1 Халқаро оммавий ҳуқуқ**

Давлатнинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг воситаси сифатида. Давлатнинг асосий ҳуқуқи ва мажбуриятлари: давлатнинг мустақиллиги. Давлатнинг тенг ҳуқуқлиги, давлатнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги ва бошқалар. Халқаро ҳаво ҳуқуқи. Мустақиллик, миллатларнинг ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқи. Аҳолини халқаро ҳуқуқ масалалари: фуқаролик, майда миллатларни ҳимоя қилиш (миллатларнинг ирқий камситилишини тасдиқлаш ва бошқа белгилари генацидни таъқиқлаш). Инсон, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва бошқалар. Халқаро ҳуқуқда ҳудудий масалалар. Пиёда ва сув ҳудуди, халқаро денгиз, ҳаво ва космик ҳуқуқ. Халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларнинг қарор матнлари ва бошқалар. Халқаро



ташкilotларнинг умумсиёсий анжуманда ўтказадиган ҳуқуқий материалларининг акти ва уларнинг фаолияти. Халқаро ҳуқуқда тинчликни таъминлаш масалалари. Уруш ва халқаро ҳуқуқ.. Ҳарбий жиноятчилар томонидан ўтказиладиган жараёнлар ва бошқалар. Дипломатия тарихи, дипломатик мемуарлар 63.3 нинг тегишли бўлимларидан қаралсин. Халқаро сиёсий ташкilotларнинг аниқ фаолияти: конгресслар, мажлислар, халқаро умумсиёсий хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар, халқаро ташкilotлар, халқаро жараёнлар 63.3 ва 66.4-66.5 нинг тегишли бўлинмаларидан қаралсин.

### **67. 412. 2 Халқаро хусусий ҳуқуқ**

Мулкчилик ҳуқуқи. Чет давлатлар мулкчининг даҳлсизлиги, чет эл мулкни давлат ихтиёрига ўтказиш, чет эл инвестицияси. Мажбурий ҳуқуқ ва ҳуқуқнинг айрим шакллари: ташқи иқтисодий келишув, халқаро юк ташиш суғурта ва бошқалар.

Муаллифлик ҳуқуқи: халқаро маданий ҳамкорлик ва халқаро муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш. Чет элларда Ватандош муаллифларнинг асарларидан фойдаланиш ҳамда ҳимоялаш ҳуқуқи ва бошқалар. Патент ҳуқуқи, нашриётчилик ҳуқуқи, халқаро илмий-техник ҳамкорлик, чет эл кашфиётчилиги, патенти ва бошқалар. Халқаро лицензия, фирма маҳсулоти белгисига бериладиган ҳуқуқ ва ноҳалол рақобатга қарши кураш. Саноат намуналари ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Чет элликлар билан никоҳдан ўтиш ва никоҳни бекор қилиш, эр-хотинларнинг шахсий ва мулкий муносабатлари, никоҳ шартномаси, алимент тўлаш мажбурияти, асраб олиш, васийлик ва бошқалар.

Мехнат ҳуқуқи муносабатлари ва ижтимоий таъминлаш. Мерос ҳуқуқи. Халқаро фуқаролар процесси, нотариал ҳаракат, ташқи савдо соҳасидаги судлар.

**67. 5 Юриспруденцияга оид бўлган билим соҳалари. Суд экспертизаси. Суд-тиббий, суд-психик, суд-бухгалтер экспертизаси ва бошқалар. Юридик ҳисобот.**

- Криминал экспертиза 67.52 индексидан қаралсин.
- Юридик психология 88.4 индексидан қаралсин.

### **67. 51 Криминология**

Жиноятчиликни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни ўрганиш: жиноят ижтимоий ҳодиса сифатида, жиноят олами ва

уюшган жиноятчилик. Алкоголизм ва жиноятчилик, урушнинг жиноятчилиikka таъсири.

Аҳолининг айрим қисмлари жинояти: аёллар жинояти, вояга етмаганлар жинояти, жиний ҳудудлар ва бошқалар. Жиноятчининг шахсини аниқлаш: ашаддий жиноятчи, профес-сионал жиноятчи ва бошқалар. Жабрланувчи шахсини ўрганиш (виктималогия). Жиноятчиликни огоҳлантириш ва унга қарши кураш.

### **67.52 Криминалистика**

Криминалистик тадқиқот. Табиий-илмий, илмий-техник воситалар. Криминалистик экспертиза. Жиноятни очишда криминалистик техника. Суд фотографияси-трасалогия, голографиянинг қўлланилиши, суд балмистикаси, ҳужжатлар тадқиқоти, шахсларнинг ташқи кўринишига қараб аниқлаш (“сўз орқали портретни аниқлаш”), криминологик кибернетика.

Жиноятни очишда криминалистик тактика: содир бўлган жойни текшириш, тергов эксперименти ва бошқалар. Айрим жиноятчиликни очиш услуги музей ва кўрғазмаларда, лаборатория ва кабинетларда криминалистикага бағишланган адабиётлар 67.52 индекси остида йиғилади.

### **67.7 Адлия ташкилотлари**

Суд, прокуратура, адвокатура ва тергов органларининг ўзаро муносабати. Прокурорлик назорати. Судларда нотиклик санъати, суд нутқлари ҳақидаги умумий характерга эга бўлган адабиётлар 67.7 индекси остида йиғилади.

## **68 Ҳарбий фан. Ҳарбий иш**

### **А с о с и й б ў л и н и ш л а р :**

#### **68.4 Умуман қуролли кучлар**

**68.5/7 Қуролли кучлар, қўшин ва хизматнинг айрим турлари**

**68.9 Ҳарбий техника. Ҳарбий-техникавий ва ҳарбий-махсус фанлар.**

### **68 Ҳарбий фан. Ҳарбий иш**

Ҳарбий фаннинг умумий назарияси ва ҳарбий доктриналар: ҳарбий санъат назарияси, умуман қуролли кучларнинг ва қуруқликдаги қўшинларнинг стратегияси, оператив санъати, тактикаси. Ҳарбий-тарихий фан, ҳарбий санъат тарихи, ҳарбий география. Ҳарбий статистика ва ҳақозо. Айрим уруш ва

жанглари тарихи, айрим урушлар қатнашчиларининг таржимаи ҳоллари 63.3 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Қуролли кучлар тарихи 68.4-68.5/7 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин. Қуролли кучларнинг айрим турлари ва қўшин турларидан(умуман қуруқликдаги қўшинлардан ташқари) стратегик мақсадларда фойдаланиш. Уларнинг оператив санъати ва тактикаси 68.5/7 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

#### **68. 4 Умуман қуролли кучлар**

Қуролли кучларнинг тарихи, тузилиши, ташкил этилиши ва жанговор тайёргарлигига оид адабиётлар 68.4 индекси ва унинг бўлимчалари остида йиғилади.

Умуман қуролли кучларнинг ва умуман қуруқликдаги қўшин-ларнинг ҳарбий тактикаси, қурол-яроқлари ва техника таъминоти 68.9 дан қаралсин.

#### **68. 47 Умуман ривожланаётган мамлакатларнинг қуролли кучлари**

Айрим ривожланаётган мамлакатларнинг қуролли кучлари 68.49(4/8)нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

#### **68. 48 Умуман капиталистик мамлакатларнинг қуролли кучлари.**

Умуман капиталистик мамлакатларнинг қуролли кучлари ва агрессив ҳарбий блокларнинг қуролли кучлари.

Айрим капиталистик мамлакатларнинг қуролли кучлари 68.49(4/8) нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

#### **68.49 Айрим мамлакатларнинг қуролли кучлари**

#### **68.49 (5Ўзб) Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари.**

Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари тарихи, қуролли кучларнинг қурилиши, ҳарбий маъмурият ва ҳарбий қонун асослари; Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун имтиёзлар, пенсиялар ҳамда нафақалар ва ҳоказо.

#### **68. 49 (5Ўзб) Ҳарбий хизмат**

Ҳарбий қасамёд, умумқўшин Низомлари, ҳарбий интизом.

Умумқўшин Низомлари асосида тайёргарлик 68.49(5Ўзб)3 дан қаралсин.

#### **68. 49 (5Ўзб)2 Ўзбекистон қуролли кучларининг шахсий таркиби. Хизматни ўташ**

Шахсий таркиб; маршаллар, генераллар. Офицерлар, сержантлар, солдатлар ва шу кабиларнинг маънавий қиёфаси,

маънавий-жанговар фазилатлари, хизматни ўташ тартиби, ҳуқуқлари, умумий хизмат ва мансаб вазифалари. Ҳарбий унвонлар, кийим формалари ва унвон белгилари, ҳарбий орденлар, медаллар ва бошқа мукофотлар.

Айрим уруш қахрамонлари ва қатнашчиларининг таржимаи ҳоллари, аниқ қўшинлардаги саркардалар, 63.3(5Ўзб) 622нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

### **68.49 (5 Ўзб)3 Қуролли кучларда таълим ва тарбия**

Умуман жанговар тайёргарлик, қуролли кучларнинг шахсий таркибига таълим ва тарбия бериш назарияси (Ҳарбий педагогика, шахсий таркибга таълим ва тарбия беришда ҳарбий ва ҳарбий-инженерлик психологиясининг роли)га оид адабиёт ҳамда жанговар ва сиёсий тайёргарлик, қуролли кучлар шахсий таркибига таълим ва тарбия беришга доир умумий характердаги адабиёт, умуман қуролли кучлар, қуруқликдаги, қўшинлар, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини, қуролли кучлар барча турлари ва ҳарбий ўқув юртларидаги хизматлар, офицер ходимларнинг тайёргарлигини ташкил этишни шакл ва усулларига оид умумий характердаги адабиёт 68.49(5Ўзб) индекси остида йиғилади.

Қуролли кучлар айрим турлари ва қўшин турлари жанговар тайёргарлиги 68.5/7 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

### **68.49 (5 Ўзб)9 Фуқаролар ўртасида ҳарбий иш**

Ҳарбий комиссариатлар, ҳарбий-илмий жамиятлар, уруш ветеранлари ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг мудофаа-оммавий ишлари. Ҳарбий-техник билимларнинг тарғиб қилиниши. Ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларнинг бошланғич ҳарбий тайёргарлиги, ўқувчи ёшлар ўртасида мудофаа-оммавий ишлар.

Аҳолига ҳарбий билим бериш юзасидан ёрдам тариқасида нашр этилган ҳарбий ишнинг айрим масалаларига оид адабиёт 68 нинг тегишли бўлимчаларида йиғилади. Масалан, ҳарбий техника ракета техникаси (қуроли) 68.50 дан қаралсин.

Аҳолини фуқаролик мудофаасига тайёрлаш 68.69 дан қаралсин.

**68.49 (5 Ўзб) Айрим чет эл мамлакатларининг қуролли кучлари.**

Территориал типовой бўлинишларнинг жадвали бўйича бўлимчаларига бўлинади.

### **68.5/7 Қуролли кучлар, қўшин турлари ва хизматнинг айрим турлари.**

Қуролли кучлар ёки қўшин турларида ушбу турнинг техникаси билан бевосита боғлиқ. Ҳарбий хизматни ўташ тарихи, ташкил этилиши, хусусиятлари, жанговар тайёргарлик, стратегик фойдаланиш, оператив санъати, оператив тактика, Ҳарбий техника, қурол-яроқ ва Ҳарбий техника фанлари тўғрисидаги адабиёт 68.5/7 нинг бўлимчаларида йиғилади. Ҳарбий сиёсий иш, сафар тайёргарлиги ва жисмоний тайёргарлик, умумий Ҳарбий Низомлар юзасидан тайёргарлик, қуролли кучлар қўшин турлари ва хизматларининг айрим турлари Ҳарбий ўқув юртлари 68.4 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

Низомлар юзасидан тайёргарлик, қуролли кучлар қўшин турлари ва хизматларининг айрим турлари Ҳарбий ўқув юртлари 68.4 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

### **68.50 Ракета қўшинлари. Ҳарбий ракета техникаси (қурилиши)**

Умуман ракета қўшинлари стратегик, ҳарбий вазифаларни бажарувчи ракета қўшинлари, оператив-тактик вазифаларни бажарувчи ракета қисмлари; қуруқликдаги қўшинларнинг ракета қисмлари ва реактив артиллерияси.

- Зенит ракета қўшинлари 68.64 дан қаралсин.
- қирғоқ мудофааси ракета қисмлари ва реактив артиллерияси 68.66 дан қаралсин.

### **68.51 Қуруқликдаги қўшинлар**

Умуман қуруқликдаги қўшинлар. Уларнинг тарихи ва ташкил этилиши. Химик қўшинлар, химиявий хизмат. Ҳарбий химиявий иш. Ҳарбий йўлларнинг хизмати, юкларни ташиш, темир йўл қўшинлари. Автомобил қўшинлари, автотрактор хизмати ва бошқалар.

- Умуман қуруқликдаги қўшинлардан стратегик фойдаланиш, оператив санъат ва умуман тактика 68 дан қаралсин.

Умуман қуруқликдаги қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги 68.4 дан қаралсин.

Умуман қуруқликдаги ракета қўшинлари (қисмлари) 68.50 дан қаралсин.

қурукликдаги қўшинларнинг ҳаво хужумидан мудофаа қўшинлари 68.64 дан қаралсин.

Умуман техника ва қурукликдаги қўшинларни техника билан таъминлаш 68.9 дан қаралсин

**68.512 Пиёда аскарлар. Отиш қуроли. Отиш иши.**

- Денгиз пиёда аскарлари 68.66 дан қаралсин.

**68.513 Танк (бронетанк) қўшинлари. Бронетанк техникаси. Танк қуроллари.**

**68.514 Артиллерия**

Умуман артиллерия, артиллериянинг махсус турлари, зенит, тоғ, отлик артиллерия ва бошқалар.

- Ракета артиллерияси ва реактив артиллерия 68.50 дан қаралсин.

- қирғоқ артиллерияси 68.66 дан қаралсин.

**68.515 Ҳаво десанти қўшинлари**

**68.516 Инженерлик қўшинлари. Радиотехника қўшинлари. Ҳарбий алоқа воситалари ва радиотехника қўшинлари.**

**68.64 Ҳаво хужумидан мудофаа (ХХМ) қўшинлари.**

Мамлакат ҳаво хужумидан мудофаа қўшинлари ва қурукликдаги қўшинлар ХХМ қўшинларининг айрим турлари ҳамда махсус қисмлари ва бўлинмалари, зенит, ракета қўшинлари ва бошқалар. ХХМ қўшинлари техникаси.

Умуман қурукликдаги қўшинлардан ташқари қуролли кучлар қўшин турлари ва хизмат айрим турларининг ХХМси қуролли кучлар, қўшин турлари ва хизматларининг тегишли турларидан қаралсин. ХХМ қўшинлари фойдаланадиган техника воситалари ва қуролларининг айрим турлари 68.5/7 нинг тегишли бўлинмаларидан қаралсин.

- Зенит артиллерияси 68.514 дан қаралсин.
- Қирувчи авиация 68.65 дан қаралсин.

**68.65 Ҳарбий-ҳаво кучлари (ХХК)**

Умуман ҳарбий ҳаво кучлари авиациянинг айрим турлари; қирувчи, бомбардимончи авиация ва ҳоказо. Махсус ва ёрдамчи вазифаларни бажарувчи авиация техникаси ва қуроллари, ҳавода сузадиган ҳарбий воситалар.

- ХХКнинг ер юзасидаги ракета қўшилмалари 68.50 дан қаралсин

- Ҳарбий денгиз флоти авиацияси 68.66 дан қаралсин.

#### **68.66 Ҳарбий-денгиз флоти (ҲДФ).**

Умуман ҳарбий денгиз флоти, ҲДФ кучларининг айрим турлари: сувости ва сув усти кучлари, авиация, денгиз пиёда аскарлари ва қисмлари. Ҳарбий денгиз техникаси ва қуроли. ҲДФнинг ракета қуроли. ҲДФда қўлланиладиган отиш қуроли. Низомлар юзасидан тайёргарлик, қуроли кучлар қўшин турлари ва хизматларининг айрим турлари. Ҳарбий ўқув юртлари 68.4 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

#### **68.68 Чегара қўшинлари ва ички қўшинлар.**

- Авиация ва чегара қисмларига оид адабиёт ҳам 68.68 индекси остида йиғилади.

#### **68.69 Фуқаро муҳофаази (ФМ).**

ФМнинг ташкил этилиши. ФМ масаласи юзасидан муассасалар, хизматлар, бўлинмалар, аҳолининг тайёргарлиги, ФМнинг моддий-техника таъминоти хизматлари. ФМнинг медицина хизмати ва ҳоказо. ФМ нинг техника воситалари. Аҳоли ва объектларни қирғин қуролидан ҳимоя қилиш. Маҳаллий ҳаво хужумидан муҳофаа (МХХМ) масалаларига оид адабиётлар ҳам 68.69 индекси остида йиғилади.

#### **68.7 Ҳарбий иқтисод. Мамлакат ичкараси ва қуроли кучларни таъминлаш.**

Мамлакат ичкараси ва умуман қуроли кучларни, қуроли кучларнинг айрим турлари ва қўшин турларининг таъминоти (моддий, медицина, ветеринария), мамлакат ичкарасини техника билан таъминлаш воситалари, қўшинларнинг муҳофаа қурилиши.

#### **68.9 Ҳарбий техника. Ҳарбий-техник ва ҳарбий махсус фанлар.**

Умуман қуроли кучларнинг ва умуман қуроликдаги қўшинларнинг ҳарбий техникаси, қуроли-яроғлари, техника билан таъминланиши. Умумқўшин аҳамиятига эга бўлган ҳарбий техниканинг айрим турлари, қуроли-яроғлар ва ҳарбий техник ҳамда ҳарбий махсус фанлар. Умуман, ҳарбий ишда портловчи моддалар, ядро қуроли ва ўқ-дорилар, моторлаштириш ва механизациялаш. Ҳарбий радиоэлектроника, ҳарбий бошқарувнинг техник воситалари, ҳарбий ишда геодезия, ҳарбий топография, ҳарбий ишда фотография, ҳарбий геология, ҳарбий

метрология ҳамда бошқа ҳарбий-техника ва ҳарбий-махсус фанлар, ҳарбий ишда физика, химия ва бошқа ҳарбий фанларнинг қўлланишига оид адабиётлар ҳам 68.69 индекси остида йиғилади. Умуман қуролли кучларнинг ва умуман қуруқликдаги қўшинларнинг ҳарбий техникаси, қурол-яроғлари, техника билан таъминланиши. Умумқўшин аҳамиятига эга бўлган ҳарбий техниканинг айрим турлари, қурол-яроғлар ва ҳарбий техника ҳамда ҳарбий махсус фанлар. Умуман ҳарбий ишда портловчи моддалар, ядро қуроли ва ўқ-дорилар, моторлаштириш ва механизациялаш. Ҳарбий радиоэлектроника, ҳарбий бошқарувнинг техник воситалари, ҳарбий ишда геодезия, ҳарбий топография, ҳарбий ишда фотография, ҳарбий геология, ҳарбий метрология ҳамда бошқа ҳарбий-техника ва ҳарбий-махсус фанлар, ҳарбий ишда физика, химия ва бошқа ноҳарбий фанларнинг қўлланишига оид адабиётлар ҳам 68.69 индекси остида йиғилади.

**70/79**

**МАДАНИЯТ. ФАН. МАОРИФ**

**А с о с и й б ў л и н и ш л а р**

- 70**     **Маданият. Фан. Маориф.**
- 71**     **Маданият. Маданиятшунослик.**
- 72**     **Фан. Фаншунослик.**
- 73**     **Илмий-ахборот фаолияти. Информатика.**
- 74**     **Маориф. Педагогика фани.**
- 75**     **Физкультура ва спорт.**
- 76**     **Оммавий ахборот ва тарғибот воситалари. Китоб иши. Китобшунослик.**
- 77**     **Маданий-маърифий соҳада социал-маданий фаолият.**
- 78**     **Кутубхоначилик иши. Кутубхонашунослик. Библиография.**
- 79**     **Табиат, тарих ва маданият ёдгорликларини муқофазакилиш. Музей иши. Архив иши.**
- 70/79**     **Маданият. Фан. Маориф.**
- 70**     **Маданият. Фан. Маориф.**  
Умумий характердаги адабиёт
- 71**     **Маданият. Маданиятшунослик.**  
Умуман маданиятга оид адабиёт.



Маданиятнинг айрим тизимларига (санъат, одоб-ахлоқ, дин) ва айрим фан соҳаларида илмий изланишлар классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

#### **71.0 Маданиятшунослик назарияси.**

Фундаментал маданиятшунослик. Маданиятнинг фалсафий асослари. Маданиятнинг келиб чиқиши: табиий муҳит, жамият, шахс, фаолият (меҳнат, ижод, бўш вақт, ўйин) маданиятнинг шаклланиш омиллари сифатида. Маданий жараёнларнинг вазифалари.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузилишининг маънавий маданияти.

Маънавий маданиятнинг айрим соҳалари ва моддий маданиятнинг айрим тоифалари: диний, ахлоқ-одоб, эстетик қадриятлари классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Ўйиннинг маданий-маърифий фаолиятда услубий ва ташкилий масалалари 77.056 дан қаралсин.
- Ўйин психологияси 88.5 дан қаралсин.

#### **71.04 Маданиятнинг тузилиши, морфологияси.**

Маънавий ва моддий маданият: маданий муассасаларни, маданий қадриятларни, маданий одобни сақлаш ва асраш, маданий алоқаларни ташкил қилиш шакллари.

#### **71.05 Маданият типологияси.**

Маданиятнинг яхлитлиги ва кўп томонламалилиги: маданиятда умуминсоний, миллий, синфий ва яқка шахслик муносабатлар; ҳудудий, диний, тарихий маданиятлар типлари, тафовутлари, маданиятнинг ижтимоий типологияси, умуминсоний, турли халқлар маданияти, миллий, шаҳар, қишлоқ ва бошқа маданиятлар; маданиятнинг даражалари: элитар, юқори, оммавий, маргинал (чет эл маданияти, авангард ва бошқа маданият типлари).

- Маълум тарихий даврлардаги маданиятнинг тарихий типлари 63.3 ва 63.4 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

#### **71.1 Тарихий маданиятшунослик. Маданиятшунослик таълимининг тарихи.**

Маданиятнинг натуралистик концепцияси. Маданиятнинг марксистик концепцияси. Фрейдистик, экзистенциалистик маданиятлар концепцияси.

## **71.2 Маданият тараққиётида ворислик. Маданий мерос тушунчаси**

“Тарихий ворислик” тушунчаси. Маданий мерос. Мерос - биздан олдинги даврларда аجدодларимиз яратган маънавий, маданий бойликларнинг йиғиндиси, ҳозирги авлоднинг шу бойликларга бўлган муносабати. Умуминсоний маданий мерос. Жаҳон маданияти дурдоналари.

### **71.21(5Ўзб) Антик маданият. А.Македонский ва Ўрта Осиёда маданиятнинг ёйилиши**

Бақтрия, Хоразм, Сўғд маънавий маданияти. IX-X асрларда Ўрта Осиё маданиятининг юксак даражага кўтарилиши. Ўрта Осиё Шарқнинг илмий тафаккур маркази сифатида.

- А.Македонскийнинг тарихий аҳамияти 63.3(5Ўзб)411 дан қаралсин.

### **71.23(5Ўзб) Темурийлар даврида Ўрта Осиё маданиятининг равнақи**

Мовароуннаҳр маданиятининг гуллаб-яшнаши. Буюк Темур давлатининг марказлашуви. Самарқанд -ер юзининг сайқали. Улуғбекнинг астрономик расадхонаси – маданиятнинг бебаҳо меъморий обидасидир. А.Навоий – ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси. Ўзбек тасвирий санъати, айниқса миниатюра санъатининг равнақ топишида Камолиддин Бехзоднинг роли. Султон Али Машҳадийнинг тарихий асарлари.

Буюк Темур, Улуғбек, Навоий, Бехзод, Машҳадийларнинг ижоди ҳақидаги адабиётлар тегишли соҳа бўлимларидан қаралсин. Масалан: “Навоий тарихий шахс сифатида”га оид адабиётлар 63.3(5Ўзб)476 бўлимида, адабий мероси 83.3(5Ўзб)7 нинг тегишли бўлимчаларида ёритилади.

### **71. 26 Маданиятда умуминсонийлик ва миллийликнинг уйғунлиги, унинг байналминал хусусияти.**

Маданият ва этнос, мамлакатлар ва халқлар. Этногенез муаммолари. Этник умумийлик ва миллий маданият. Миллий онг ва миллий маданият.

Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзига хослиги, уларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиш муаммолари. Европа-центризм ва Осиё–центризм назарияларининг танқиди. Жаҳон маданий алоқалари ягона тарихий жараён сифатида. Марказий

Осиё халқларининг Чор Россияси томонидан забт этилиши. Марказий Осиёда Европа маданиятининг кенг тарқалиши.

- Айрим этносларнинг маданияти 63.5 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

**71. 3(5Ўзб) Ўзбекистоннинг истиқлол даврида маданий меросга янгича муносабат**

Маданият ва миллий мафкура масалалари. Миллий ўзликни англаш ва миллий истиқлол. Маданий меросни ўрганиш имкониятлари. Шарқона маданий меросни тиклаш, асраб авайлаш ва келажак авлодга етказишнинг вазифалари.

**71. 33 (5Ўзб) Мустақил Ўзбекистонда миллий маданият: дин, ахлоқ, фан, адабиёт, санъатнинг маънавий маданиятга таъсири. Маънавият ва мафкура диалектикасининг замонавий асослари ҳамда йўналишлари.**

**71. 35 Сиёсий маданият. Маданият. Маънавият ва мафкура**

Ўқиш социологиясига оид адабиётлар ҳам 78.303 индекси остида йиғилади.

- Тез ўқиш техникаси 74.202.5 индекси остидан қаралсин.

- Адабиётларни тарғиб қилиш 78.38 дан қаралсин.
- Болалар ва ўсмирлар ўқиши ҳамда китобхонлар кизиқишларини ўрганиш 78.39 дан қаралсин.
- ўқиш психологияси 88.4 дан қаралсин.

### **78.32 Кутубхоначилик иши услубиёти**

Умумий характердаги адабиёт. Кутубхоначилик иши технологияси.

Оммавий кутубхоналарда кутубхоначилик иши техникаси минимуми, Марказлаштирилган кутубхоналар тизимининг иш техникаси ва шу каби бошқа амалий раҳбарлик ҳамда йўриқнома услубий нашрлар ҳам 78.32 индекси остида йиғилади.

Кутубхоначилик ишининг айрим турлари ва жараёнларининг услубиёти тегишли турлар ва жараёнлар индекси остида қаралсин.

### **78.33 Кутубхоначилик иши тарихи**

Кутубхоначилик иши тарихи ва кутубхонашунослик тарихини ўз ичига олувчи адабиёт ҳам 78.33 индекси остида йиғилади.

### **78.34 Кутубхоначилик ишини ташкил этиш**

Кутубхоначилик иши соҳасида халқаро алоқалар ва ҳамкорлик. Халқаро жамиятлар ва бирлашмалар: ИФЛА (Кутубхоначилик уюшмаларининг халқаро федерацияси – КУХФ) ва бошқалар.

- Кутубхоначилик ишининг иқтисоди 65.497 дан қаралсин.

### **78.34(5Ўзб) Ўзбекистонда кутубхоначилик ишини ташкил қилиш**

Кутубхона тармоқлари. Марказлаштирилган кутубхона тармоқлари. Кутубхоналарнинг турлари: универсал, махсус, оммавий, шахсий, хусусий ва бошқалар. Айрим кутубхоналар. Мавжуд автоматлаштирилган ва механизациялаштирилган кутубхона тармоқлари ҳақидаги умумий характердаги адабиёт.

Ўзбекистонда кутубхоначилик иши соҳасидаги ислохот.2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарори. Янгидан ташкил топган ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари. Уларнинг фаолияти, вазифалари, ўзига хос



хусусиятлари. Ахборот, кутубхоначилик иши, библиография ва нашриётчилик ишига оид стандартлар тизими.

**78.34(5Ўзб)707 Кутубхона ишининг намунавий ташкил этилиши.**

Кутубхонанинг туридан ёки аниқ кутубхонадан қатъий назар кутубхона фаолиятини намунавий ташкил этиш: раҳбарлик қилиш ва бошқариш, тузилиши, рўйхатдаги ходимлар, ички тартиб қоидалари, иқтисодий масалаларни кўриб чиқадиган адабиёт. Ўзбекистонда кутубхоналарнинг давлат бошқарувчи, услубий раҳбарлик, Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш, унинг фаолияти. Жойлардаги ҳудудий бошқармалар ва уларнинг фаолияти. Республика ахборот-кутубхона маркази.

**78.34(3) Чет мамлакатларда кутубхоначилик ишининг ташкил этилиши .**

**78.342 Кутубхоналарнинг илмий услубий фаолияти**

Кутубхоналарга услубий раҳбарлик қилиш ва услубий ёрдам бериш. Кутубхоналар илмий-услубий фаолиятининг асоси сифатида илғор кутубхоначилик тажрибасини аниқлаш, ўрганиш, умумлаштириш ва жорий этиш. Илмий-услубий иш шакллари ва услублари: услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, кутубхона ходимларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш ва бошқалар. Ахборот-кутубхона марказлари ҳудуддаги ахборот-ресурс марказлари ва бошқа турдаги кутубхоналар учун услубий марказ сифатида. Мансублигига кўра услубий марказлар, А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатда ахборот-кутубхона фаолиятининг бош услубий маркази сифатида.

Кутубхоначилик иши айрим йўналишлари ва жараёнлари соҳасида илмий-услубий фаолият, кутубхоначилик иши айрим йўналишлари ва жараёнларига оид услубий қўлланмалар 78.3 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

**78.348 Кутубхона бинолари ва ускуналари. Кутубхоналарни компьютер технологияси ва техник воситалар билан таъминлаш.**

Кутубхоналар ишини автоматлаштириш тарихи, ҳозирги аҳволи. Автоматлаштириш учун қўлланиладиган дастурлар. ИРБИС тизими. Мамлакатимизда яратилаётган автоматлаш-

тиришга оид дастурлар. Мамлакатимиз ахборот-кутубхона фаолиятида автоматлаштириш тажрибалари.

Кутубхонада айрим жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш 78.3 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Кутубхона биноларининг архитектураси ва қурилиши 38.712 дан қаралсин.

### **78.36.Кутубхона фондларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш**

Кутубхона фондларини бутлаш. Кутубхона фондларини ташкил қилиш: фондларни депозитар тарзда сақлаш тизими, ҳисобга олиш ва текшириш, фондларни кутубхона йўли билан ишлаш, кутубхона фондларини жойлаштириш ва сақлаш, китоб сақланадиган бинонинг ишини ташкил этиш.

Автоматлаштирилган тарзда кутубхона фонддини тўлдириш. Кутубхона фонддини тўлдириш ва қайта ишлов беришда, ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқаришда, фонд ҳаракатини юритишда автоматлаштирилган ишчи ўринлари.

Кутубхона фондлари ва каталогларини ўз ичига олувчи адабиёт ҳам 78.36 индекси остида йиғилади.

- Китоб сақланадиган бинога нисбатан қўйилган умумий талаблар, китоб сақланадиган биноларнинг хиллари 78.348 дан қаралсин.

- Китобхонларга хизмат кўрсатиш чоғида фондлардан фойдаланиш. Кутубхона фондларини очиб қўйишни ташкил этиш 78.38 дан қаралсин.

### **78. 37 Каталоглаштириш. Кутубхона каталоглари.**

#### **Электрон каталог.**

Марказлаштирилган каталоглаштириш, библиографик тавсифни марказлаштирган тарзда тузиш, босма каталог карточкаси ва бошқалар. Каталог ва картотеклар тизими. Алифбо каталоги. Кутубхона-библиографик классификация, матбуот асарларини системалаштириш, системали каталог, системали каталогка алифбо-предмет кўрсатгичи. Ўзбекистонда мустақил кутубхона-библиография классификациясининг яратилиши: оммавий кутубхоналар учун, болалар ва мактаб кутубхоналари учун. Матбуот асарларини предметлаштириш, предмет каталоги. Электрон каталог ва электрон картотекалар.

- Болалар кутубхоналарининг катологлари 78.39 дан қаралсин.

### **78.38 Аҳолига ахборот- кутубхона хизмати кўрсатиш**

Аҳоли ўртасида кутубхона рекламасини ташкил этиш, тарғиб қилиш, китобхонларни кутубхонага жалб қилиш. Китобхонларга табақалаштирилган тарзда хизмат кўрсатиш. Китобхонларга кутубхона йўли билан хизмат кўрсатишни ташкил этиш: кутубхона фондларини очиб қўйиш. Кутубхона абонементи, ўқув зали, кутубхонанинг ихтисослаштирилган бўлимлари, китобхонларга хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг стационар бўлмаган шакллари. Ахборот технологиялари бўлими ва унда китобхонларга ахборот хизмати кўрсатиш. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг янги шакллари: Интернет, электрон манзил, on-line режимида ишлаш ва ҳ.к. Китобхонларнинг айрим гуруҳларига кутубхона хизматини кўрсатиш.

- Болалар ва ўсмирларга кутубхона хизмати кўрсатиш 78.39 дан қаралсин.

- Библиографик хизмат кўрсатиш 78.5 дан қаралсин.

- Китоб ўқиш психологияси 88.44 дан қаралсин.

### **78.39 Кутубхонада болалар ва ўсмирлар билан ишлаш**

Болалар кутубхоналари ишининг барча турларига ва кутубхонанинг болалар билан ишлашига оид адабиёт.

- Болалар адабиёти 83.8 дан қаралсин.

- Болаларнинг ўқиш психологияси 88.844 дан қаралсин.

### **78.5 Библиогафия. Библиогафияшунослик**

Библиогафия назарияси. Библиогафия тарихи. Библиогафия услуби: библиографик қўлланмалар тузиш услуби (библиогафиялаш). Библиографик қидириш услуби ва унинг ташкил этилиши. Библиогафия ва библиографик қўлланмаларнинг асосий турлари. Библиографик хизмат кўрсатиш: маълумот-библиографик ва ахборот библиографик хизмат кўрсатиш. Ахборот-библиогафия хизматини автоматлаштириш. Библиографик хизмат шакллариининг электрон шакллари. Электрон библиографик ахборот ресурслари. Ўлкашунослик библиогафияси. Кутубхона-библиографик билимларни тарғиб қилиш ва бошқалар.

- Илмий-ахборот фаолияти 73 дан қаралсин.
- Болаларга библиографик хизмат кўрсатиш 78.39 дан қаралсин.
- Библиографик қўлланмалар 91 дан қаралсин.

## **79 Табиат, тарих маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш**

Табиат, тарих маданият ёдгорликларининг класификацияси, ҳисоби, уларни ўрганиш; ҳозирги замон талаблари асосида табиат, тарих, маданият ёдгорликларини қайта тиклаш, консервациялаш, мослаштириш ва улардан фойдаланиш. Табиат, тарих маданият ёдгорликларини муҳофаза қилишни ташкил этиш.

Табиат, тарих, маданият ёдгорликлари айрим турларини муҳофаза қилиш класификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш 85.101 дан қаралсин.

### **79.1 Музей иши. Музейшунослик**

Музейшуносликка оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Музей иши назарияси: музей иши ва жамият, музей ишининг ижтимоий муаммолари. Музей иши тарихи. Музей ишини ташкил қилиш. Музей ихтисослиги, турлари. Музей фондлари, уларни тўлдириш, ташкил қилиш, ишлов бериш. Музей буюмларини классификациялаш ва тавсифлаш. Музей фондларини сақлаш: музей фондларини сақлаш режими. Уй музейлари, уларнинг ишини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш.

Музей томошабини билан ишлаш. Экспозиция иши. Музей педагогикаси. Музей ихтисослиги ва хиллари.

Тармоқ музейлари классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Ўлкашунослик, ўлкашунослик музейлари 26.89 дан қаралсин.

### **79.17 Кўрғазмалар. Кўрғазма иши**

Умуман кўрғазмалар ва кўрғазма ишига оид адабиёт ҳамда универсал мавзули кўрғазмаларга доир адабиёт.

- Тармоқ кўрғазмалари классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

### **79.18 Коллекциялар. Коллекциялаш**

Коллекциялар ва коллекциялашга оид умумий характердаги адабиёт, шунингдек турли буюмларни ўз ичига олувчи коллекциялар тўғрисидаги адабиёт 79.18 индекси остида йиғилади.

Минераллар, танга-чақалар, санъат асарлари ва бошқа буюмларни тўплаб коллекция тузишга оид адабиёт классификациянинг тегишли бўлимчаларида йиғилади. Масалан: матбуот асарларини коллекциялаш 76.106 дан қаралсин.

### **79.3                    Архив иши. Архившунослик**

Архившуносликка оид меъёрий-ҳуқуқий қужжатлар. Архив иши назарияси, тарихи ва ташкил қилиш. Архив фондлари, уларни тўлдириш ва ташкил этиш, хужжатли материалларни техник жиҳатдан ишлаш (қимматбақо буюмларни тизимлаштириш, илмий экспертиза қилиш, тасвирлаш, ҳисобга олиш ва бошқалар), асраш. Архив ишида автоматлаштириш.

Тармоқ архивлари классификациянинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

**80/84                    Филология фанлари. Бадиий адабиёт**

**А с о с и й   б ў л и н и ш л а р**

**80                    Умуман филология фанлари**

**81                    Тилшунослик**

**82                    Фольклор. Фольклоршунослик**

**83                    Адабиётшунослик**

**84                    Бадиий адабиёт (асарлар)**

**80/84                    Филология фанлари. Бадиий адабиёт**

- Ёрдамчи тарих-филология фанлари 63.2 дан қаралсин.

**80                    Умуман филология фанлари**

Хусусий филология. Текстология

**81                    Тилшунослик**

Тилшунослик услубиёти: тилшунослик фани, тизими, вазифалари, тилшуносликнинг фалсафий масалалари, тилшунослик ва бошқа фанлар, тилшуносликда аниқ илмий услублар: типологик, статистик, математик, тарихий-қиёсий ва бошқа услублари. Тилшунослик тарихи. Умумий тилшунослик: тил алоқа воситаси сифатида, тил ва жамият, семиотиканинг лингвистик муаммолари, тил ва нутқ, тилнинг келиб чиқиши ва ривожланиши, фонетика, грамматика, лексикология (тилнинг луғат таркиби, ономастика ва бошқалар), лексикография, диалектология, стилистика, таржима ва башқалар. Ёзув, графика.

- Бадиий адабиёт стилистикаси, бадиий таржима 83 дан қаралсин.

### **81.1 Амалий тилшунослик**

Матнни автоматик ишлаш, тилшунослик тадқиқотларини автоматлаштириш муаммолари, ахборот қидирув тилларининг лингвистик масалалари, тилларни дастурлаш ва бошқалар.

- Махсус ўрта ва олий ўқув юртларида тилларни ўқитиш 81.3 дан қаралсин.
- Ахборот-қидирув тиллари (АқТ) 73 дан қаралсин.

### **81.2 Дунё тиллари. Хусусий тилшунослик**

Тиллар классификацияси. Тил сиёсати. Тил соҳасида Ўзбекистоннинг миллий сиёсати. Кўп тилли луғатлар. Айрим тиллар.

Айрим тилларга оид адабиёт тиллар номи алифбоси бўйича бўлимчаларга бўлинади. Ўзбек тили алифбодан ташқари биринчи ўринга қўйилади. Автоном республикалар, автоном вилоятлар кутубхоналарида она-тили алифбодан ташқари биринчи ўринга чиқарилади, сўнгра Ўзбек тили кўрсатилади. Индекс 81.2 га тил номининг бошланғич ҳарфларини қўшиш йўли билан тузилади. Тилларнинг номи 83 нинг бўлимчаларида қабул қилинган қисқартиришга ўхшатиб қисқартирилади.

## **МАХСУС НАМУНАВИЙ БЎЛИНИШЛАР**

**-03 Тил тарихи**

**-1 Фонетика**

**-2 Грамматика**

Сўзларнинг ташкил қилиниши, морфология, синтаксис, пунктуация

- Грамматик луғатлар –4 дан қаралсин.

**-3 Лексикология**

**-4 Лексикография. Луғатлар**

Грамматик, орфографик, изоҳли, синонимлар луғати, чет эл сўзлари ва ҳоказо. Икки тилли (параллел) луғатлар.

а) айрим тиллар тўғрисидаги адабиётни янада кўпроқ кенгайтирилган тарзда тизимлаш мақсадида МНБ қўлланилади.

б) икки тилли луғатлар ўрганиш учун фойдаланилаётган тилни акс эттирувчи бўлимчага киради. Масалан: инглиз-ўзбек ва ўзбек-инглиз луғатлари “81.2 Ингл-4 .Инглиз тили. Лексикология. Луғатлар” бўлимчасида жойлаштирилади.

Бир, икки ва кўп тилли терминологик луғатлар тегишли соҳада 92 умумий намунавий бўлиниш ёрдамида кўрсатилади.

**-5 Матн лингвистикаси. Стилистика. Нутқ маданияти**  
Айрим миллий адабиётлар стилистикаси 83.3 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

**-6 Диалектология**  
Лингвистик, географик ва ареал лингвистика. Худудий, социал, профессионал диалектлар, жаргонлар. Орго.

**-7 Таржима**

**-8 Ёзув. Графика**

Ёзув тарихи, орфография ва бошқалар.

**-9 Тилни ўқитиш ва ўрганиш услублари**

Тушда тилларни ўрганиш (гипнопедия); тилларни ўқитишнинг техникавий воситалари; тилнинг айрим жиҳатларини ўқитиш. Мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич мактаб учун ўқув қўлланмалар.

• Умум таълим мактабида ва ҳунар-техника ўқув юртларида тилни ўқитиш услублари 74.268.1

**81. 2 Ўзб. Ўзбек тили**

**81. 2 Ўзб-2 Ўзбек тили грамматикаси**

**81. 2Ўзб-4 Ўзбек тилининг изоҳли луғатлари**

**81.2Ўзб-5.Ўзбек тили стилистикаси.Ўзбек нутқ маданияти.**

**81. 2Ўзб-67 Ўзбек тили диалектологияси**

**81. 2Ўзб-7 Ўзбек тили таржималари**

**81. 2Ўзб-Я72 Ўзбек тили. Ўрта мактаблар учун ўзбек тилидан ўқув қўлланмалар**

Бирон тилни ўрганиш учун ўқув нашрлар кимга мўлжалланганлигидан қатъий назар “81 тилшунослик” бўлимини тегишли тили бўйича тўпланеди. Масалан: химия соқасидаги талабалар учун инглиз тили дарслиги 81.2 Ингл.-923

**81. 2Ўзб-Я723 Ўзбек тили. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун ўзбек тилидан ўқув қўлланмалар.**

**81. 2Ўз-93 Ўзбек тили. Хрестоматиялар.**

**81. 2Ўз -96 Бошқа халқлар учун ўзбек тилидан дарсликлар ва ўқув қўлланмалар.**

**81.2 Рус. Рус тили**

**81.2 Ингл. Инглиз тили**

**81.2 Нем. Немис тили**

**81.2 Фр. Француз тили**

## **81.8 Сунъий (халқаро, ёрдамчи) тиллар**

Эсперанто, волапюк ва хоказолар

## **81.9 Стенография**

## **82 Фольклор. Фольклоршунослик.**

Фольклорни тўплаш ва ўрганиш. Фольклоршунослик тарихи; фольклорчилар, фольклор назарияси, фольклорни тарғиб қилиш.

82-бўлимда халқ оғзаки ижодиёти нуманалари (эртақлар, афсона, балладалар, мифлар, мақоллар, латифалар, лофлар, аскиялар ва бошқалар) ва улар ҳақидаги тадқиқотлар, фольклор ва адабиётга яқин адибларнинг асарлари ва уларга бағишланган ишлар, халқ орасида кенг тарқалган ва келиб чиқиши жиҳатидан халқ кўшиқлари ва адабий кўшиқларни ўз ичига олган нота-сиз кўшиқ (ашула) тўпламлари; халқлар анъанасида сақланган ва фольклоршунослар томонидан ёзиб олинган қадимги дунё фольклор асарлари ва улар ҳақидаги тадқиқотлар.

Фольклор асарлари асосида адиблар томонидан ёзилган асарлар, қадимда ва ўрта асрларда ёзилган асарлар (“Девонул-луғотит турк”, “Қутадғу билик”, “Махобхорат” ва бошқалар) бадиий адабиётнинг бўлимларида акс эттирилади.

Муסיқа, шеърый матнлар таҳлили мавжуд бўлган ишлар ҳам фольклор, ҳам муסיқа бўлимида акс этади. Асосий индекс асарнинг мазмунига қараб белгиланади.

82-бўлимчаларида халқ оғзаки ижоди асарлари (матнлари)ни ажратиб кўрсатиш учун -6 намунавий бўлинишлардан фойдаланилади.

### **82.3(0) Жаҳон фольклори**

82.3(0) индекс остида мифлар ва мифшунослик ҳақидаги умумий асарлар, Қадимги дунё ва Византия мамлакатлари фольклор асарлари тўпланади.

Алоҳида халқлар фольклорини ажратиш учун этник намунавий бўлиниши (ЭНБ) ишлатилади.

### **82.3(5 Ўзб ) Ўзбек фольклори асарлари (Халқ оғзаки ижоди)**

## **83 Адабиётшунослик**

Адабиётшунослик услубшунослиги. Адабиётшунослик тарихи ва танқиди. Адабиёт назарияси: адабиёт ижтимоий онг шакли сифатида, адабиёт ва жамият, адабиётнинг ижтимоий муаммолари, адабиётда жамоатчилик фикри, ижтимоий тарихий жа-



раёнлар ҳамда маданият тизимидаги ўрни. Адабиётда анъана ва новаторлик, адабиётларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши адабий йўналишлар, бадий ва адабий услуб. Шеъринг асарларнинг турлари ва тузилиши ҳақидаги таълимот: ғоя, мавзу, сюжет, тил ва стилистика, шеър, жанрлар, турлар назарияси ва бошқалар. Бадий таржима муаммолари.

83-индекс остида адабий танқидчиларнинг танланган асарлари тўплами. Ёзувчиларнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, диний, эстетик ва бошқа қарашларга оид асарлари 83 бўлимдан ташқари жадвални мос келадиган бошқа бўлимларида қўшимча сифатида акс эттирилади. Масалан, З.М.Бобурнинг давлат арбоби сифатида сиёсий қарашлари ва тарихий аҳамияти 83.3(5Ўзб)+ 63.3(5Ўзб)452+66.11.(5Ўзб)

Ёзувчиларни бошқа бирор соҳага оид фаолиятлари ҳақидаги асарлар жадвалнинг тегишли бўлимларида акс эттирилади. (Масалан: Ҳамзанинг педагогик фаолияти, Гёте-табиатшунос ва хоказо).

•Бадий адабиёт асарлари 84-дан қаралсин.

### **83.3 Жаҳон ва айрим мамлакатлар адабиёти тарихи ва танқиди.**

Айрим ёзувчилар тўғрисида манбани ажратиб кўрсатиш учун 83.3 бўлимчаларида –8 намунавий бўлинишдан фойдаланилади. Масалан: 83.3(5Ўзб)-8 –Э. Воҳидов; 83.3(4Вел)-8 Диккенс Ч.

#### **83.3(0) Жаҳон адабиёти**

Турли қитъаларда барча ёки бир неча мамлакатлар адабиёти тўғрисидаги ишлар 83.3(0) индекси ва унинг бўлимчалари остида тўпланади.

Айрим мамлакатлар ёки айрим қитъалар адабиёти 83.3 (4/8)нинг бўлимчаларидан қаралсин.

#### **83.3(0)3 Қадимги дунё адабиёти. қадимий шарқ адабиёти. Антик адабиёт.**

Ҳозирги даврдаги мавжуд халқларнинг қадимий адабиёти, масалан: ҳинд, хитой адабиёти шу халқлар адабиётининг индекси остидан қаралсин.

#### **83.3(0)4 Ўрта асрлар ва уйғониш даври адабиёти (V—XVII асрлар)**

83.3(0)4 индекси остида Византия адабиёти тарихи ҳақидаги адабиёт тўпланади

**83.3(0)5 XVIII—XIX асрлар адабиёти.**

**83.3(0) 6 XX-аср адабиёти.**

**83.3(0)9 Тил белгиси жиҳатидан бирлашган адабиётлар**

Тилларнинг бир гуруҳига мансуб бўлган ёки бир тилдан фойдаланаётган, лекин турли мамлакатларда яшаётган турли халқларнинг адабиётини ўз ичига олган ишлар, шунингдек қадимги ва ўрта асрларда яшаган халқларнинг умумий адабий мероси бўлган ўша даврлардаги ёдгорликларига оид тадқиқотлар VII- XI асрларда қадимий эрон тилидаги адабиёт; IX-XV асрлардаги араб тилидаги адабиёт, форс адабиёти (Низомий Ганжавий, Хагоний Ширвоний) VIII-IX асрлар араб тилидаги тожик адабиёти, IX- XV асрлар тожик адабиёти (Рудакий, Фирдавсий, Умар Ҳайём, Саъдий, Ҳофиз ва бошқалар).

**83.3(5 Ўзб )л 6 Адабиёт музейлари ва унутилмас жойлар.  
Адабий ёдгорликларни муҳофаза қилиш.**

Айрим халқларнинг адабиёти билан боғланган ёки айрим ёзувчига бағишланган адабиёт музейлари ва унутилмас жойлар тегишли адабиётларнинг бўлимларидан қаралсин.

**83.3(5 Ўзб ) Ўзбек адабиёти**

**83.3(5 Ўзб ) 2 Ўзбек мумтоз адабиёти**

**83.3(5 Ўзб ) 3 Тазкирачилик**

**83.3(5 Ўзб ) 4 XX аср ўзбек адабиёти**

**83.3(5 Ўзб ) 5 Жадид маърифатчилиги даври ўзбек адабиёти.**

**83.3(5 Ўзб ) 6 Совет даври ўзбек адабиёти (адабиёт-шунослик,  
адабий танқид, адабиёт назарияси)**

**83.3(5 Ўзб ) 7 Истиклол даври ўзбек адабиёти**

**83.3(5 Рос ) Россия адабиёти**

Умумроссия адабиёти ҳақидаги нашрлар.

**83.3(2Рос=Рус) Рус адабиёти**

**83.3(2Рос=Рус)1 1917 йилгача даврдаги Рус адабиёти**

**83.3(2Рос=Рус)6 1917 йилдан - XX-асргача рус адабиёти**

**83.3(3) Умуман хорижий мамлакатлар адабиёти.**

**83.3(4/8) Хорижий мамлакатлар адабиёти**

Айрим чет мамлакатларни ажратиб кўрсатиш учун 83.3 (4/8) нинг тегишли бўлимларига ҳудудий намунавий бўлимлар жадвали бўйича тегишли ҳарфий белгилар қўшиш йўли билан

ифодаланади. Масалан, Грузин адабиёти 83.3(5Гру) дан; япон адабиёти 83.35 (Япо)дан қаралсин.

### **83.3(4) Европа адабиёти**

### **83.3(5) Осиё адабиёти**

Араб мамлакатларининг XIX-XX асрлар даври ичидаги адабиётлари йиқилади.

Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатлари ва умуман Шарқ мамлакатлари адабиётига оид ишлар қам 83.35 индекси остида йиқилади.

●XIX – асргача бўлган араб адабиёти 83.3(0)9 дан қаралсин.

### **83.3(531) Кавказ халқлари адабиёти**

Асарнинг маълум тилга мансублигини кўрсатиш лозим бўлса, худудий кўрсаткичга халқнинг қискартирилган номи ва тил белгиси билан ёзилади. Тилнинг шартли белгиси=. Масалан: Аджар адабиёти 83.3 (Гру=Адж). Алоҳида ажратиш мумкин. Доғистон халқлари (авар, дарғин, кўмик, лак, лезгин, табасаран, тат) адабиётларига.

Шимолий Кавказ (абазин, адигей, балкар, ингуш, кабардин, карачай, ногай, черкес, чечен) адабиётлари. 83.3(2Рос=Чеч).

### **83.3(6) Африка адабиёти**

Фақат XIX- асрлар давридаги араб мамлакатларининг адабиёти йиғилади.

Африка халқлари адабиёти йиғилади.

●XIX асргача бўлган араб адабиёти 83.3(0)9 дан қаралсин.

### **83.3(7) Америка адабиёти**

### **83.3(70) Лотин Америкаси адабиёти**

### **83.3(8) Австралия ва Океания адабиёти**

### **83.7 Нотиқлик санъати**

Сўзга чечанлик ва нотиқлик санъати маҳорати. Нутқнинг образлилиги ва жўшқинлиги, яхши овозга эга бўлиш, нотиқлик усуллари ва бошқалар. Нотиқлик санъати тарихи.

Сўзлаш санъати. Нутқ маданияти юқори бўлган тарғиботчилик ва ташвиқотчиликка оид адабиёт ҳам 83.7 индекси остида йиғилади.

Судда нотиқлик санъати 67.7 дан қаралсин.

### **83.8 Болалар адабиётшунослиги**

Болалар адабиёти назарияси, тарихи ва танқиди, айрим муаллифлар тўғрисида махсус нашр этилган адабиёт.

Асосан болалар ва ўсмирлар учун асарлар ёзадиган муаллифларга оид адабиёт ҳамда болалар адабиёти йўналишида асар ёзувчи бошқа муаллифлар ижодига бағишланган адабиётни 83.3 нинг тегишли бўлимларида акс эттириш ҳисобига 83.8 индекси остида йиғилади.

#### **84 Бадий адабиёт (асарлар)1**

Дунё адабиёти ва умуман айрим миллий адабиётлар доирасида ҳамда даврлар бўйича манбаларни аниқлаштириш учун махсус намунавий бўлинишлар :

-2 **Наср**

-3 **Назм**

-4 **Прозаик жанр**

-44 **Романлар, повестлар, хикоялар**

-445 **Фантастик романлар, повестлар, хикоялар**

-5 **Достон, мажмуа**

-54 **Хамса**

-6 **Драматик жанрлар**

Трагедия, драмалар, комедия

-7 **Сатира ва юморнинг шакллари ҳамда жанрлари: памфлетлар, фельетонлар, пародиялар, масаллар, аскиялар.**

-9 **Адабий ҳаваскорлик**

#### **84. (0) Дунё адабиёти (асарлар)**

84(0) бўлимларида 84(0)9 индексларидан ташқари турли китъалардаги барча мамлакатлар ёки бир неча мамлакат ёзувчилари асарларининг тўпламларигина системалаштирилади.

#### **84 (0) 3 Қадимги дунё адабиёти асарлари**

Қадимги Шарқ адабиёти. Антик адабиёт.

Ҳозирги даврда яшаётган халқларнинг қадимий адабиёти. Масалан: ҳинд, хитой, эрон ва бошқалар шу халқларнинг адабиёти индекси остида йиғилади

#### **84 (0) 4 V-XVII асрлар адабиёти асарлари**

#### **84 (0) 5 XVIII-XX аср боши адабиёти асарлари**

#### **84 (0) 6 XX- аср адабиёти асарлари**

#### **84 (0) 9 Тил белгиларига қараб бирлаштирилган адабий асарлар**

Тилларнинг бир гуруҳига мансуб бўлган ёки бир тилдан фойдаланаётган, лекин турли мамлакатларда яшаётган халқлар адибларининг асарлар тўплами шунингдек икки ёки бир неча халқларнинг умумий адабий мероси ҳисобланиб қадимий ва ўрта асрларда яратилган дурдона асарлар: қадимий форс, араб, тожик тиллардаги асарлар ушбу индекс остида йиғилади.

**84 (5Ўзб) Ўзбек адабиёти асарлари**

**84 (5Ўзб)2 Ўзбек мумтоз адабиёти асарлари**

**84 (5Ўзб)4. XX-аср ўзбек адабиёти асарлари. Жаҳид маърифатчилиги**

**84 (5Ўзб) 6 Совет даври ўзбек адабиёти асарлари**

**84 (5Ўзб) 7 Истиқлол даври ўзбек адабиёти асарлари**

**84 (2Рос) Россия адабиёти асарлари**

**84 (2Рос) 1 1917 йилгача бўлган рус адабиёти асарлари**

**84 (2Рос) 2 1917 йилдан XX-аср рус адабиёти асарлари**

**84 (4/8) Хорижий мамлакатлар адабиёти асарлари**

Айрим мамлакатларни ажратиб кўрсатиш учун 84(4/8) тегишли бўлимчаларига ҳудудий намунавий бўлинишлар жадвали бўйича тегишли ҳарфий белгиларни қўшиш йўли билан ифодаланади. Масалан: инглиз адабиёти асарлари 84.4 Ингл. дан қаралсин.

**84 (4) Европа адабиёти (асарлари)**

**84 (5) Осиё адабиёти (асарлари)**

XIX-XX асрлардаги араб мамлакатлари адабиёти асарлари ушбу индекс остида йиғилади.

84.(5) индекси остида умуман Шарқ мамлакатлари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари адиблари асарлари йиғилади.

• XIX-асргача бўлган араб адабиёти асарлари 84(0)9дан қаралсин.

**84 (6) Африка адабиёти (асарлари)**

XIX-XX асрлар давридаги араб мамлакатларининг адиблари асарлари тўпланади.

• XIX-асргача бўлган араб адабиёти асарлари 84(0)9 дан қаралсин.

**84. (7) Америка адабиёти (асарлари)**

**84 (70) Лотин Америкаси адабиёти**

**84(8) Австралия ва Океания адабиёти (асарлари)**

## 85

## Санъат

Умуман санъатни ёки санъатнинг бир неча турини ўз ичига оладиган адабиёт. Санъатнинг умумий тарихи.

Санъат турлари ва жанрлари тарихи 85.1 – 85.38 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

Санъатнинг айрим турлари бўлимчаларида санъат арбоблари ҳаёти ва ижодига оид адабиётни ажратиб кўрсатиш учун намунавий бўлинишдан фойдаланилади.

- Санъатнинг эстетик асоси 87.8 дан қаралсин.
- Санъатнинг ижодий ва тарбиявий руҳияти 88.4 дан қаралсин.

А с о с и й      б ў л и н и ш л а р:

- 85.1.      **Тасвирий санъат**
- 85.2.      **Архитектура**
- 85.3      **Безакли-амалий санъат**
- 85.4      **Муסיқа санъати**
- 85.5      **Театр**
- 85.6.      **Оммавий томошолар ва театрлаштирилган байрамлар**
- 85.7      **Цирк**
- 85.8      **Дор ўйини**
- 85.9      **Эстрада**
- 85.10      **Кино санъати**
- 85. 11      **Бадий ҳаваскорлик**
- 85.12      **Бадий фотография**
- 85.1      **Тасвирий санъат**

Тасвирий санъат, шунингдек тасвирий санъатнинг назарий ва амалий тарихи.

Тасвирий санъатнинг барча ёки бир неча турига оид адабиёт 85.1, 85.11, 85.12 индекслари остида йиғилади.

### **85.11 Санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш. Бадий музейлар, коллекциялар, тўпламлар**

Санъат ёдгорликларини муҳофаза қилишга, қимматбаҳо буюмлар коллекциясига оид умумий характердаги адабиёт: санъат музейлари ишининг ташкилий-услубий масалаларини ёритувчи адабиёт; турли хил санъат асарлари қўйилган музейлар (Третьяков галереяси, Эрмитаж, Амир Темур музейи, Санъат музейи, Ёшлар ижод уйи, ва бошқалар).

- Архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва архитектура музейлари 85.11 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Музейлар, кўргазмалар, коллекциялар, тасвирий санъат айрим турлари асосларининг тўпламлари 85.12 – 85.16 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

**85.12(3) Хорижий мамлакатлар тасвирий санъати**

**85.13(5Ўзб) Ўзбекистонда тасвирий санъат**

**85.14 Ранг-тасвир санъати**

Рассомлик назарияси: бадий ифодалаш воситалари ва усуллари – композиция, ранг, колорит, расмда соя ва ёруғлик тушаётган томонини муносиб ранг бериб кўрсатиш ва бошқалар. Рассомлик техникаси, рассомлик асарларини консервациялаш ва реставрациялаш: бўёқлар, материаллар ва асбоблар. Рассомликнинг умумий тарихи. Материали ва техникаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган рассомлик турлари: деворга нақш солиш, темпера, мой бўёқ билан чизилган расмлар, пастель, акварель, миниатюра ва бошқалар. Вазифаси бўйича монументал рассомлик, декоратив рассомлик, театр-рассомлик, кино-декоратив рассомлик: панорамалар, диаграмалар, махсус дастгоҳда чизиладиган расмлар,

Айрим рассомларнинг ижодида рассомлик турлари ва жанрлари 85.16(3)-85.16.1(5 Ўзб) индекслари остидан қаралсин.

- Декоратив – амалий рассомлик 85.16.3 дан қаралсин.

**85.14.1. Витраж**

**85.14.2. Мозаика**

**85.14.3 Миниатюра**

**85.14.4 Икона (бут,санамлар чизиш).**

Хорижий мамлакатларда бут,санамлар яшаш,чизиш.

**85.15(3) Хорижий мамлакатларда тасвирий санъат.**

**85.15(5Ўзб) Ўзбекистон тасвирий санъати.**

**85.16 Рассомлик**

Рассомлик назарияси,бадий ифодалаш воситалари ва усуллари-композиция,ранг,колорит,расмда соя ва ёруғлик тушаётган томонини

муносиб ранг бериб кўрсатиш ва бошқалар. Рассомлик техникаси,рассомлик асарларини консервациялаш ва реставрациялаш, бўёқлар, материаллар ва асбоблар. Рассомликнинг уму-

мий тарихи. Материали ва техникаси жихатидан бир-биридан фарқ қиладиган рассомлик турлари: деворга нақш солиш, темпера, мозаик витражлар, мойли бўёқ билан чизилган расмлар, пастель, акварель, миниатюра ва бошқалар. Вазифаси бўйича монументал рассомлик, декоратив рассомлик, театр-рассомлик, кино-декоратив рассомлиги, панорамалар, диаграммалар, махсус дастгоҳда чизиладиган расмлар.

### **85.16(3) Хорижий мамлакатларда рассомлик**

#### **85.16.1(5 Ўзб) Ўзбекистонда рассомлик**

Ўзбекистонда рассомлик тарихи, назарияси. Ўзбекистонлик машхур рассомларнинг ҳаёти ва фаолияти. Ўзбекистонлик рассомлар ва халқаро муносабатлар.

#### **85.16.2 Рассомчилик жанрлари**

Тарихий рассомчилик, портрет, ранг-тасвир, анималистик рассомчилик, графика ва ҳақозо

#### **85.16.3 Декоратив – амалий рассомлик**

#### **85.16.4 Графика**

Машқ расми, тасвирий савод асослари. Графика назарияси ва техникаси. Графика асарларини консервациялаш ва реставрациялаш. Графиканинг умумий тарихи. Графика турлари ва жанрлари: расм, гравюра, эстамп, карикатура, лубок, халқ чизган расмлар, плакат. Китоб графикаси: расм, китобни безатиш – нақш, лавҳалар, виньеткалар, муқова, муқова жилди. Амалий графика: саноат графикаси, хуснихат шрифтлари, китоб графикаси, экслибрислар (нишонлар) ва бошқалар.

● Айрим рассомлар ижодида графика турлари ва жанрлари 85.153(5 Ўзб) – 85.153(3) индекслари остида қаралсин.

- Чизмачилик 30.11 дан қаралсин.
- Мактабгача ёшдаги болаларга расм чизишни ўргатиш услуги 74.100.5 дан қаралсин.
- Умумий таълим мактабида расм чизишни ўқитиш усули 74.266.4 дан қаралсин.
- Пастель ва акварель суратлар 85.14 дан қаралсин.

#### **85.16.4(3) Хорижий мамлакатларда графика**

#### **85.16.5(5Ўзб) Ўзбекистонда графика**



## **85.2 Архитектура**

Архитектура тарихи, назарияси, архитектурада услублар.

Қурилиш турлари ва техникаси, архитектура ва қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотларнинг айрим турларини лойиҳалаш ва қуриш 38 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

### **85.2(3) Хорижий мамлакатлар архитектураси**

#### **85.2(5Ўзб) Ўзбекистонда архитектура**

Ўзбекистонда архитектура тарихи, назарияси, услублари, тарихий обидалар, уларнинг реставрацияси. Анъанавий миллий меъморчилик ва замонавий меъморчилик. Турар жойлар, жамоат бинолари, саноат бинолари, томошогоҳ иншоотлар, кўкаламзорлаштириш архитектураси.

#### **85.21 Шаҳарсозлик**

Шаҳарсозлик тарихи, келиб чиқиши, тарихий шаҳарлар қурилиши. Шаҳарлар, қишлоқ аҳоли турар жойларини лойиҳалаш ташкилотлари. Шаҳарларни ва туманларни лойиҳалаш. Аҳоли яшайдиган жойларни таъмирлаш. Шаҳарда истироҳат ва маданий боғлар қурилиши. Шаҳар транспорти ва йўллари. Саноат ҳудудларини лойиҳалаш. Шаҳар муҳандислик иншоотлари ва қувурлари. Шаҳарнинг кечки ва тунги ёритилиши.

Аҳоли яшайдиган пунктларнинг ҳудудини инженерлик жиҳатдан ускуналаш (сув билан таъминлаш, канализация, газ билан таъминлаш, электр тармоқлари ва бошқалар) 38 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Аҳоли яшайдиган жойларни ободонлаштириш ишлари 38.9 дан қаралсин.

#### **85.21.1 Кўкаламзорлар барпо этиш архитектураси (аҳоли яшайдиган жойларни кўкаламзорлаштириш)**

Шаҳарлар, туманлар, қишлоқ жойларни ободонлаштириш.

- Автомобил йўллари ҳудудини кўкаламзорлаштириш 39.311 дан қаралсин.

- Кўкаламзорлаштириш агротехникаси 42.37 дан қаралсин.

## **85.3 Безакли-амалий санъат**

Умуман безакли-амалий санъат масалаларига оид адабиётлар. Ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, тош ва суяк ўйма-

корлиги, наққошлик, кандакорлик, кулолчилик, керамика, пичокчилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гилам тўқиш ва кигиз босиш санъати, саватчилик ва бўйрачилик, биллур буюмлар яшаш, бадий чиннисозлик, уларнинг тарихи, шаклланиши, тараққиёти ва ҳозирги кундаги аҳамиятига оид адабиётлар. Чилғу асбобларини яшаш.

### **85.3(5Ўзб) Ўзбек халқ безакли-амалий санъати**

Ўзбекистонда безакли-амалий санъат тарихи, назарияси, услубиёти, турлари, уларни ишлаб чиқиш учун хом ашёлар. Сандиқсозлик, миниатюра, ўйинчоқ яшаш. Безакли-амалий санъат мактаблари: Бухоро, Хоразм, Қарши, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон мактаблари. Ўзбек халқ амалий санъатининг дунё санъатида тутган ўрни. Миллий чолғу асбобларини яшаш.

### **85.31 Нақш .Наққошлик.**

Наққошлик санъати тарихи, назарияси, услубиёти, мактаблари. Унинг турлари.

Амалий санъатда нақш. Меъморчиликда нақш санъати.

### **85.32 Ҳаттотлик санъати.**

Ҳаттотлик тарихи, назарияси, Ўрта Осиёда ҳаттотлик санъатининг ривожини. Ҳаттотлик мактаблари. Машҳур ҳаттотлар. Мусалсол ёзувлар (нақшли бадий ҳаттотчилик )

Китобатчилик ишида ҳаттотлик 76 бўлимдан қаранг.

### **85.33 Замонавий безакли-амалий санъат.**

Мебель, гул қоғозлар, идиш товоқ, бадий жиҳозлар ва буюмлар яшаш, ўйинчоқ яшаш, кийим-кечак.

### **85.34 Дурадгорлик (бешикчилик, фанер ва ёғочдан тайёрланган иморатларни безатишда ишлатиладиган безаклар)**

### **85.35 Миллий кийимларни тайёрлаш(дўппи тикиш, попоп ва бошқа усуллар билан тикиш, кавуш ва махсидўзлик)**

### **85.36 Ташқи ва ички реклама безатиш санъати**

Аҳоли пунктларини безатиш: байрамона безатиш, ташқи рекламалар, вивескалар, плакатлар ва ҳакозо. Музейлар. Кўрғазмалар ва витриналар музей экспозицияси.

- Дизайн 30.18 дан қаралсин.
- Реклама плакати 85.16.4 дан қаралсин.

### **85.37                                   Интерьер**

Интерьерда ёруғлик ва ранг: иншоотларнинг айрим турлари интерьерлари: мебель, газлама, гуллар интерьерини безатиш деталлари сифатида.

### **85.38.                                   Экстерьер**

Бинологнинг ташқи ҳудудларини безатиш.

### **85.39                                   Ҳайкалтарошлик**

Ҳайкалтарошлик назарияси: бадий ифодалаш воситалари ва усуллари-композиция, шакл, хажм, ритм, мутаносиблик ва бошқалар. Ҳайкалтарошлик техникаси, консервацияси ва реставрацияси: чаплаш, қолиплаш ва ҳоказо, материаллар ва асбоблар. Ҳайкалтарошликнинг умумий тарихи. Шакли, материали ва вазифаси жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган ҳайкалтарошлик турлари. Ҳайкалтарошликнинг жанрлари: портрет, анамалистика ва бошқа жанр турлари

- Айрим ҳайкалтарошлар ижодида ҳайкалтарошлик турлари ва жанрлари ҳам шу 85.39 индекс остидан қаралсин.

### **85.39(3)           Хорижий мамлакатлар ҳайкалтарошлиги**

#### **85.39(5Ўзб)   Ўзбекистонда ҳайкалтарошлик**

Ўзбекистонда ҳайкалтарошлик тарихи, ривожланиши, назарияси, ҳайкалтарошлик турлари, ишлатиладиган хомашёлар. Машҳур ҳайкалтарошлар.

Хорижий мамлакатларда ҳайкалтарошликнинг ривож, тарихи, назарияси, услубиёти, машҳур мактаблар. Италия- дунё ҳайкалтарошлиги аоиси. Дунёга машҳур ҳайкалтарошлар.

#### **85.39(4) Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳайкалтарошлик.**

### **85.4                                   Муסיқа санъати**

#### **85.4                                   Муסיқа**

Муסיқа санъатининг фалсафий эстетик муаммоси. Муסיқа назарияси: муסיқа ва жамият, мусиқанинг ғоявийлиги ва халқчиллиги, муסיқа шарҳи, муסיқа анъаналари. Муסיқа тили ва бошқалар; муסיқа, назарий фанлар, муסיқа асари ва муסיқа элементлари тўғрисида таълимот, композиция назарияси ва техникаси муаммолари, мелодика, ритмика, метрика, темп, гармония, полифония мусиқали формалар, инструментровка, композиция, нотация ва бошқалар. Муסיқа акустикаси. Муסיқа

маданиятининг умумий тарихи. Мусиқа ва мусиқа ижросининг айрим турлари.

- Мусиқа фолькларига оид адабиёт ҳам 85.4 индекси остидан қаралсин.

#### **85. 4(0) Мусиқа маданиятининг умумий тарихи**

Мусиқа жанри ва тури тарихига оид адабиёт мусиқа жанри ва турига мос бўлимчаларда йиғилади.

#### **85. 4(3) Хорижий мамлакатларнинг мусиқа маданияти**

#### **85. 4 (5Ў3б) Ўзбекистонда мусиқа маданияти**

#### **85. 41 Вокал мусиқаси**

Вокал мусиқа турлари, жанрлари ва шакллари: оммавий кўшиқ, романс ва бошқалар. Хор, хор бўлиб ашула айтиш, хор жамоалари, вокал ансамбли, ашула ва рақс ансамбллари ва бошқалар, якка ашула айтиш. Камер хонандалар. Яккахон ашула ва хор ашуласини ўргатиш усулига оид адабиёт ҳам 85.314 индекси остида йиғилади.

- Опера хонандалари 85. 51.2 дан қаралсин.
- Оперетта артистлари 85. 51.4 дан қаралсин.
- Эстрада хонандалари 85. 9. 1 дан қаралсин.

#### **85. 41.1 Катта ашула, мақом**

#### **85. 41.2 Чолғу асбоблари мусиқа турлари**

Чолғу асбоблари мусиқа турлари, жанрлар ва шакллари: симфония, соната ва бошқалар. Оркестр, оркестрда дирижёрлик қилиш чолғу асбобларида ижро этадиган ансамбл.

#### **85. 41.3 Мусиқа асбоблари. Мусиқа асбобшунослиги**

Анъанавий миллий асбоблар.

Клавишли чолғу асбоблар: клавесин, фортопеано, орган, баян, аккордеон ва бошқалар:

Камонча билан чалинадиган асбоблар: ғижжак, скрипка, виолончель ва бошқалар; пуфлаб чалинадиган асбоблар: карнай, сурнай, флейта, саксафон, кларнет ва бошқалар; уриб чалинадиган, электр мусиқа асбоблари ва бошқалар.

Мусиқа асбоблари ҳақида, аниқ мусиқа асбоблари учун ёзилган асарлар унинг ижроси ва ижрочи созандалар ҳақидаги адабиёт ҳам 85.411.3 индекси остида йиғилади.

- Мусиқа асбобларини ишлаб чиқариш 37.27 дан қаралсин.

#### **85. 41.4 Вокал – симфоник музика**

Вокал – симфоник музика турлари, жанрлари ва шакллари: оратория, кантанта, реквием ва бошқалар.

#### **85. 41.5 Саҳна музикаси. Постановкалар ва кинофильмлар учун музика.**

Саҳна музикасининг турлари ва жанрлари: опера, балет музикаси, оперетта музикаси, комедия, драма асарларига ва театр постановкаларига басталанган музика, кино музикаси, радио ва телевидение постановкалари учун музика.

#### **85. 41.6 Музиканинг бошқа турлари**

Давлат гимнлари, ҳарбий, жаз, рақс, болалар музикаси. Диско, рок-музика ва бошқалар.

#### **85.41.7 Либретто ва музика асарларининг матнлари**

Опералар, балетлар, оперетталарнинг либреттолари, ноталарсиз адабий-шеърый матнлари бўлмаган нотали оммабоп кўшиқларнинг тўпламлари.

Нотасиз музикали асарларга матнлар (кўшиқлар ва шеърлар) нашр этиш ва сўзларига музикали асар ёзилган шеърый тўпламлар 84 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

#### **85. 42 Рақс (хореография)**

Рақс назарияси ва тарихи. Рақснинг айрим турлари: рақс тарихи, ижро этиш тасвири ва техникаси, рақснинг айрим турларига таълимий раҳбарлик, саҳна рақси ва бошқалар.

- Балет театрининг назарияси ва тарихи. Балет артистларининг ҳаёти ва ижоди 85.42.7 дан қаралсин.

- Эстраданинг рақс турлари, рақс ансамллари ҳамда ашула ва рақс ансамблларининг ва хор жамоаларининг рақс гуруҳлари, шунингдек эстрада рақслари 85. 9. 2 дан қаралсин.

#### **85. 42(3) Жаҳон халқларининг рақслари**

#### **85. 42(5Ўзб) Ўзбек халқ рақси**

#### **85. 42.1(5Ўзб) Хоразмча рақс**

- Халқ рақслари ансамллари 85. 9. 2 дан қаралсин.

#### **85. 42.2 Маиший ва бал рақси.**

Кадриль, вальс, мазурки, полька, Андижон полькаси, краков-як, фокстрот, танго, твист ва бошқалар. Халқ орасида машхур гуруҳли ва оммавий рақслар.

## **85. 5**

### **Театр**

Театр назарияси: театр ва жамият, театрнинг ғоявийлиги, халқчиллиги, театр ва драматургия, театр ва санъатнинг бошқа турлари, сахна образи, сахна санъатида анъаналар ва новаторлик, сахна санъатида бадиий усул, режиссёрлик маҳорати, актёр маҳорати, сахна спектаклини жиҳозлаш, театр-декоратив санъати, театрда ёруғлик, театр кийимлари, грим, ясама соч (парик), реквизит, спектаклни мусиқа–овоз билан таъминлаш ва бошқалар. Театрнинг умумий тарихи. Ҳаваскорлик сахнасида спектаклни безашга оид адабиёт ҳам 857.33 индекси остида йиғилади.

- Театр ускуналарини ишлаб чиқариш технологияси 34.7 индекси остидан қаралсин. Театр биноларининг архитектураси 38.712 дан қаралсин.

- Театр-декоратив рассомлиги 85.16 дан қаралсин.

**85. 5(3) Хорижий мамлакатлар театри**

**85. 5(5Ўзб) Ўзбекистон театри**

Ўзбекистонда театр тарихи, назарияси, ривожланиши, умуман театр жанрларига оид адабиётлар. Жаҳон театри ривожига ўзбек театрининг ўрни. Бошқа халқлар театрлари билан алоқа. Машҳур театр арбоблари.

**85. 5.1 Драма театри**

Драма театрининг назарияси: драма театрида бадиий усул ва йўналишлар: драма театри артистлари, Станиславский театр таълимоти: режиссёр санъати: актёр санъати (роль ва образ, сахна нутқи, сахнада ҳаракат, рақс, имо-ишора. Мимика, пластика ва драма театрининг умумий тарихи.

- Драматургия назарияси 83 дан қаралсин.

- Драматургия асарлари 84 дан қаралсин.

**85. 5(3) Чет мамлакатларда драма театри**

**85. 51(5Ўзб) Ўзбекистонда драма театри**

Ўзбекистонда академик драма ва мусиқали драма театрлари тарихи, ривож. Драма театри арбоблари ҳаёти ва фаолияти.

**85. 51.1 Мусиқали театр**

Мусиқали театрлар артистларининг ҳаёти ва фаолиятига оид умумий адабиёт ҳам 85.42.5 индекси остида йиғилади. Бу

индекс остида артистларнинг концерт фаолияти ва эстрада билан боғлиқ ижоди ҳам кўриб чиқилади.

- Муסיқали театрлар артистларининг концерт фаолияти 85.411 дан қаралсин.

- Опера, оперетта, балет муסיқа жанрлари сифатида 85.411.5 дан қаралсин

- Опералар, балетлар ва оперетталарнинг либретталари 85.411.7 дан қаралсин.

- Муסיқали театр артистларининг эстрада фаолияти 85.9. дан қаралсин.

### **85. 51.2 Опера театри**

Опера театрининг назарияси, тарихи. Опера ва балет сахнаси усталари, артистлари ва бошқалар. Опера ва балет театри гуруҳларига оид адабиёт ҳам 85.42.6 индекси остида йиғилади.

### **85.51.3 Балет театри. Балет театри назарияси ва тарихи**

Ўзбекистонда балет, унинг тарихи, ривож, артистларининг ҳаёти ва фаолияти.

### **85. 51.4 Оперетта театри**

Оперетта театрининг назарияси, тарихи. Ўзбекистонда оперетта театри.

Оперетта артистлари ва бошқалар.

### **85. 51.5 Пантомима театри**

### **85. 51.6 Қўғирчоқ театри**

Кўланка театри. Ўзбекистонда қўғирчоқ театрларининг фаолияти. Тошкент, Хива, Бухоро ва бошқа қўғирчоқ театрларининг фаолияти. Унинг артистлари.

### **85. 51.7 Болалар театри**

Болалар учун драма, муסיқали театр ва қўғирчоқ театри. Катта ёшлилар театрининг болалар учун кўрсатиладиган постановкаларига оид адабиёт ҳам 85.42.11 индекси остида йиғилади.

## **85. 6 Оммавий томошалар ва театрлаштирилган байрамлар**

Оммавий томошалар ва театрлаштирилган байрамлар назарияси, тарихи, услубиёти. Унинг шакллари. Уларни ташкил этиш. Наврўз, Мустақиллик, катта спорт байрамлари ва бошқалар. Оммавий томошалар, байрамлар режиссураси. Уларни сахналаштириш. Техника воситалари билан таъминлаш. Уларнинг ижтимоий аҳамияти.

## **85.7 Цирк**

Цирк назарияси ва тарихи, цирк санъатининг айрим турлари ва жанрлари: масхарабозлар ўйини, от цирки, акробатика, эквилибристика, гимнастика, ҳайвонларни дрессировка қилиш ва бошқалар. Цирк усталари.

- Эстрада цирк номерлари 85.46 дан қаралсин.

## **85.8 Дор ўйини**

Дор ўйинлари тарихи, шаклланиши, ривож, ижтимоий аҳамияти. Унинг турлари. Гастроллари. Машхур дорбозлар ҳаёти ва фаолияти.

## **85.9.0 Эстрада**

Эстрада назарияси ва тарихи, эстраданинг айрим турлари ва жанрлари: конференс ва интермедия, бадиий ўқиш, цирк ва эстрада. Оригинал эстрада жанрлари: иммитация, бадиий хуштак чалиш ва ҳоказо. Эстрада томошалари: ревю (томоша), мюзикхолл, муз устида балет, эстрада театри (варьете театри). Миниатюралар театри. Эстрада усталари.

- Фигураларни ўқиш 75.719.6 дан қаралсин.
- Эстрада оркестри 85.412 дан қаралсин.
- Пантомима 85.51.5 дан қаралсин.

## **85.9.1 Эстраданинг мусиқали турлари**

Вокал ва чолғу асбоблари, эстрада ансамбллари, эстрадада яққа хонандалик ижроси. Эстрада хонандалари.

## **85.9.2 Эстраданинг рақс турлари**

Эстрада рақс ансамбллари, халқ рақслари ансамбллари ва бошқалар.

## **85.10. Кино санъати**

Кино санъатининг назарияси, тарихи, халқчиллиги, кўрғазмалчилиги, ундаги анъаналар ва инновацион янгиликлар. Кино тармоқлари, кинотеатрлар, кино санъатининг умумий тарихи, турлари: хужжатли, бадиий, илмий, мультипликацион ва бошқалар.

## **85.10.1(3) Хорижий мамлакатлар киноси**

Турли мамлакатлар кино санъати ҳақидаги адабиётлар. Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик, халқаро кинофестиваллар, симпозиумлар.



## **85.10.2(5Ўзб) Ўзбекистон киноси**

Умуман ўзбек киносининг тарихи, назарияси, ривожланиши. Ўзбек киносининг ўзига хос хусусиятлари, турлари, дунё кино санъатида тутган ўрни, кино санъатида бадиий таржима, дубляж санъати. Болалар учун кино. Турли хил давлат ва хусусий кино ташкилотлари, кинофильмлар ишлаб чиқарувчи студиялар. Ўзбек киносининг кўзга кўринган арбоблари.

## **85. 11.0 Бадиий ҳаваскорлик**

Бадиий ҳаваскорлик тарихи ва назарияси. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари учун услубий қўлланмалар. Бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари. Бадиий ҳаваскорлик муаммолари. Мактаб ўқитувчиларининг ва клуб муассасаларида бадиий ҳаваскорликни ташкил этишга оид адабиёт ҳам 85.11.0 индекси ва унинг бўлимчалари остида йиғилади. Бадиий ҳаваскорликнинг айрим турлари маҳорат ва техникаси масалалари 85.11.1 – 85.111.1 индекслари остида йиғилади.

- Ўзбекистон ҳарбий округларида бадиий ҳаваскорлик 68.49(5 Ўзб)3 дан қаралсин.

- Мактаб ўқувчиларининг бадиий ҳаваскорлиги 74.200.58 дан қаралсин.

## **85. 11.1 Тасвирий санъат соҳасида бадиий ҳаваскорлик**

## **85. 11.2 Фотоҳаваскорлик**

Фотосуратга олиш техникаси юзасидан фотоҳаваскорлар учун қўлланма 37.94 дан қаралсин.

Фотоҳаваскорлик ва бадиий фотограф усталари ишларининг кўшма кўرғазмалари 85.12 дан қаралсин.

## **85.11.3 Мусиқа ва томоша санъати соҳасида бадиий ҳаваскорлик**

## **85. 11.4 Мусиқа ҳаваскорлиги. Оилавий ансамбллар**

## **85. 11.5 Мусиқа ҳаваскорлиги репертуарлари**

- Ашула ва қўшиқлар тўплами 85.41.7 дан қаралсин.

## **85. 11.6 Рақс ҳаваскорлиги**

- Рақснинг тасвири 85.42 дан қаралсин

- Балет ҳаваскорлиги 85.51.3 дан қаралсин.

## **85. 11.7 Театр ҳаваскорлиги**

Драма, опера ва балет санъати соҳасида ҳаваскорлик театрлар.

## **85.11.8 Театр ҳаваскорлиги репертуарлари**

Репертуар тўпламлари, бир пардали пьесалар, шунингдек хаваскорлик театри жамоалари учун режиссёрлик изоҳлари билан нашр этилган кўп пардали пьесалар.

**85. 11.9** **Цирк хаваскорлиги**

**85. 111** **Эстрада хаваскорлиги**

**85. 111.1** **Кинохаваскорлик**

- Кино техникаси 37.95 дан қаралсин.

**85. 111.2 Адабий матнлар, бадиий хаваскорларнинг репертуар нашрлари**

- Ашулалар тўплами 85.41.7 дан қаралсин.

Хаваскорлар, фольклор - этнографик ансамблларнинг фаолияти.

**85.12.** **Бадиий фотография**

Бадиий фотография назарияси. Бадиий фотография воситалари ва асбоблар: фотокомпозиция ва бошқалар. Бадиий фотографиянинг умумий тарихи. Бадиий фотографиянинг турлари ва нашрлари: фоторепортаж, фото ов, бадиий фотомонтаж, фотопортрет, фотонатюрморт ва бошқалар.

Бадиий фотография усталари ва фотохаваскорлар асарларининг биргаликдаги кўрғазмаларига оид адабиёт ҳам 85.12 индекси остида ва унинг бўлимчаларида йиғилади.

Фототехника 37.94 дан қаралсин.

**85.12(3) Хорижий мамлакатларда бадиий фотография**

**85.12(5Ўзб) Ўзбекистонда бадиий фотография**

Бадиий буюмларни кўплаб ишлаб чиқариш 3 нинг тегишли бўлимчаларидан қаралсин.

- Саноат санъати 30.18 дан қаралсин.
- Саноат санъат графикаси 85.16.4 дан қаралсин.

**86** **Дин. Диншунослик.**

### **А с о с и й б ў л и н и ш л а р**

**86. 2** **Диншунослик**

**86. 3** **Дин тарихи**

**86. 4** **Мистика**

**86.7** **Хурфикрлик ва диний фалсафа**

## **86 Дин. Диншунослик.**

### **86. 2 Диншунослик**

Диннинг келиб чиқиши. Дин ва онгнинг бошқа шакллари: дин ва фалсафа, дин ва ахлоқ, дин ва санъат ва бошқалар. Дин ва жамият: дин ва сиёсат, дин ва мулкчилик, дин ва миллий масала, дин ва меҳнат, дин ва никоҳ, оила. Диннинг психологияси. Дин антропологияси. Дин феномологияси.

### **86. 3 Дин тарихи**

Инсониятнинг дастлабки маданият ўчоқлари ва улардаги диний тасаввурларнинг хилма-хиллиги. Қадимий динлар тарихини акс эттирувчи манбалар. Одамзоднинг жамоа бўлиб яшашга ўтишда дастлабки диний эътиқодлар (табу-тақиқлар, тотемлар, мифологиянинг шаклланиши).

### **86. 30 Марказий Осиёнинг қадимги аҳолиси ва уларнинг диний тасаввурлари. Зардўштийлик дини**

Қурбонлик келтириш, “Барча руҳлар” байрами ва бошқа диний маросимлар. Шомонизмнинг Марказий ва Шимолий Осиё маданиятида тутган ўрни, руҳлар дунёсига ўтиш.

“Авесто”- Зардўштийлик китоби. Шарқий Зардўштийликнинг жаҳон фалсафий қарашлар ривожига таъсири.

- “Авесто”нинг тарихий аҳамияти 63.3( Ўзб)24 дан қаралсин.
- “Авесто”да фалсафий фикрлар 87.3(5 Ўзб) дан қаралсин.

### **86. 31 Айрим динлар**

Айрим динларнинг келиб чиқиши. Муқаддас китоблар, диний таълимотлар. Айрим динларнинг ва конфессияларнинг, секталарнинг ташкилий тузилишлари ва диншунослик, теологиялар ҳақидаги адабиёт.

### **86. 32 Диннинг илк шакллари. қадимги дунё динлари**

### **86. 33 Шарқ динлари**

Монавийлик-Уйғур ҳоқонлигининг расмий дини (762-840) кўшолоқлик тамойили (ёруғлик ва қоронғулик, яхшилик ва ёмонлик ўртасида кураш). Космогоник ва антропологик мифлар ҳақида адабиёт.

### **86. 34 Ҳиндуизм, буддавийлик**

“ Ўткинчи дунё” ҳақидаги тасаввурлар. Ахлоқ, медитация – мууроқаба. Ҳикмат-ҳақиқат ҳақидаги илм. Қоратепа, Далварзинтепа, Қува, Зартепадаги археологик топилмалар, ёзма манбалар.

• Буддавийлик фалсафий таълимоти 87.35(5) дан қаралсин

**86. 35** Джанизм, конфуцийлик, даосизм, синтоизм ва бошқалар

**86. 36** Яҳудийлик (иудаизм)

**86. 37** Христианлик

**86. 372** Православлик, ортодоксал черков

**86. 375** Католицизм

**86. 376** Протестантизм

**86. 377** Бошқа черковлар (баптист ва бошқалар)

**86. 378** Ислом (мусулмончилик)

Исломнинг жаҳон дини сифатида шаклланиши, тарихий аҳамияти: Исломнинг Марказий Осиё халқлари ҳаётига кириб келиши ва қарор топиши

• Ислом динининг Марказий Осиёда ёйилиши 63.3 (5 Ўзб) 44 дан қаралсин

**86. 381** Қуръоншунослик

Қуръоннинг тарихи. Қуръоннинг мазмуни. Қуръон-тарихий манба ва адабий мерос. Қуръонда ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар. Қуръоннинг мусулмонлар ҳаётида тутган ўрни ва ҳозирги даврдаги таъсири.

**86. 382** Ҳадисшунослик

Ҳадислар диний билимларни мусулмонларга етказишнинг махсус шакли. Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий, Исо ат-Термизий ҳадисларининг моҳияти.

Шарқ мутафаккирларининг динга муносабати 86.384 дан қаралсин.

**86. 383** Калом (Ислом илоҳиёти)

Янги диний марказларининг вужудга келиши: Бухоро, Самарқанд мактабларига асос солиниши. Калом-Ислом илоҳиётини ишлаб чиқиш. Ислом ҳуқуқи-фикх ва шариат меъёрларининг маҳаллий далиллар асосида ишланиши.

**86. 384(5Ўзб)** Шарқ мутафаккирлари ва уларнинг исломга муносабати

Ал-Хоразмий (ал-Жабр ва-л-Муқобала), Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср ал-Фаробий, Ибн Сино, Абу Райҳон ал-Беруний, Дехлавий, Низомий, Жомий, Навоий, Бобур, Машраб ва бошқа мутафаккирларнинг динга муносабатлари. Марказий Осиё



- Жадидчиларнинг тарихий аҳамияти 63.3(5 Ўзб)522 дан қаралсин.

- Жадидчиларнинг фалсафий ғоялари 87.377(5 Ўзб) қаралсин.

